

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 37:821.512.133

Қозокбой ЙЎЛДОШЕВ

**ЯНГИЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ВА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДА АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК
АСОСЛАРИ**

13.00.02. – Адабиёт ўқитиш назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация автореферати

Тошкент – 2006

Тадқиқот Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий
тадқиқот институтида тайёрланган

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, проф.
Б. А. Назаров,
педагогика фанлари доктори
М. Мирқосимова,
филология фанлари доктори
Б.Норбоев

Етакчи илмий муассаса:

Бухоро давлат университети

Ҳимоя 1997 йил, «17» сентябр соат 10⁰⁰ да Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д.067.18.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700064, Тошкент шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 103-уй.

Диссертация билан ЎзФАнинг Асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 103-уй) танишиш мумкин.

Автореферат 1997 йил, «15» августида тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби

А. ЖАЛОЛОВ,
филология фанлари доктори

К И Р И Ш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг соғломлашуви жамият аъзоларининг ижтимоий тафаккурида туб ижобий ўзгаришлар ясади. Соғломлашган ижтимоий онг жамият ҳаётида инсон омилининг салмоғи ортишига олиб келди. Бу ҳол эса маънавий кадриятларга эътиборни кучайтирди. Маънавий кадриятлар устувор аҳамият касб этган жамият тараққиётнинг равон йўлига тушган ҳисобланади.

Миллий тафаккурдаги янгиланиш маънавий кадриятларни шакллантиришга даъват этилган муассасалар тизими фаолиятида ҳам туб бурилишлар бўлиши лозимлигини тақозо этди. Жамият аъзолари маънавий кадриятларини шакллантиришда мактаб адабий таълимнинг имкониятлари жуда катта бўлганлиги учун ҳам мустақилликка эришилганидан буён уни янгиланган шароит талаблари даражасида ташкил этишга ўриниш кучайди. Бу муаммо билан фақат мутахассислар ва мутасадди ходимлар эмас, балки жамият аъзоларининг кўпчилиги бевосита шуғулланишга ўринаётганлигининг боиси шунда.

Жамият томонидан адабий таълимга қўйилаётган талаблар билан адабиёт ўқитиш амалиёти ўртасида кескин номувофиқлик мавжудлиги аён бўлиб қолди. Мазкур номувофиқликни бартараф қилиб, мактаб адабий таълимни янгича педагогик тафаккур талабларига мувофиқ тарзда йўлга қўйишнинг илмий-методик жиҳатларини тадқиқ этиш, адабиёт ўқитишни янгиланишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш зарурияти пайдо бўлди.

Мактаб адабий таълимни янгилаш ишини умуман педагогика фанида содир бўлган ўзгариш ва тозаришларнинг моҳиятини англамай, уларга хос етакчи хусусиятларни ҳисобга олмай туриб далга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, мустақилликка эришган миллатимиз педагогикасига хос бўлган етакчи йўналишларни аниқлаш, бу фаннинг тараққиёт тенденцияларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш эҳтиёжи туғилади. Миллий асосларга таянган, янгиланган тафаккур маҳсули бўлмиш педагогика фани тизимида мактаб адабий таълими қандай ўрин тутади ва уни йўлга қўйишнинг илмий-методик асослари нималардан иборат бўлиши керак деган саволга шундагина туғри жавоб топиш мумкин бўлади. Чунки ижтимоий ўзгаришларнинг, педагогика фанидаги янгиланишларнинг мактаб адабий таълимни ташкил этишда ҳам тулик ақс этиши аниқ.

Мактаб адабий таълими моҳиятидаги сифат ўзгаришларнинг илмий, назарий, эстетик ва методик асосларини тадқиқ этиш адабиёт ўқитиш амалиётининг самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Негаки, янгиланаётган фаннинг умумназарий жиҳатлари туррисида соғлом мантиққа мувофиқ ҳу-лосага келинмай туриб, унинг хусусий

муаммоларини ҳал этишга ўриниш, амалий тадбиқини текширишга тутиниш пойдеворсиз иморат қуриш сингари самарасиз маршрут бўлади. "Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш-нинг илмий-методик асослари" мавзусидаги диссертацион иш янгиланаётган миллий педагогика фанининг талаблари асосида мактаб адабий таълимида руй берган, бераётган ва бўлиши муқаррар ўзгаришларнинг асосий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш ва амалий томондан асослаш зарурияти туфайли юзага келди. Адабий таълимнинг ўзак масалаларини ҳал этмай туриб, унинг хусусий муаммоларини турри ечиб бўлмайди. Эҳтимоллик назариясининг асосчиси А.Эйнштейн айтмоқчи: "Назария кўзатиш мумкин бўлган (амалиёт бераётган - Қ.Й.) катталикигагина асосланиши керак деган қараш принципиал нуқтаи назардан мутлақо нотурридир. Ҳақиқатда тамомила аксинча бўлади. Фақат назариягина нимани кўзатиш мумкинлигини ҳал қила олади» [П.65;87-89]. Мактаб адабиёти методикасининг умумназа-жиҳатлари комплекс тарзда ўрганилиши ва уларга таянган ҳолда адабий таълим амалиётига тавсиялар берилиши ечимини кугаётган долзарб илмий-педагогик муаммодир.

Шу вақтга қадар фақат синфий, РОЯВИЙ, партиявий талаблар асосида ёндашиб келинган мактаб адабий таълимига соф маънавий-эстетик ва ахлоқий-педагогик нуқтаи назардан муносабатда қилишнинг тамойиллари белгиланиши лозим. Таълим тулиғича гуманизация жараёнини кечираётган бир шароитда адабиёт ўқитиш методикаси олдида тўрган вазифаларнинг характерли жиҳатлари зганилиши ва адабий таълимда ўқитувчи-ўқувчи муносабатига хусусиятлар белгилаб берилиши ҳам муҳимдир. Шунингдек, умуман, ўқитувчиларнинг, хусусан, адабиёт муаллимларининг жамият муаммоларидан, мактаб ва ўқувчидан безиб, совиб, бегонасираб бораётганлиги; адабиёт ўқитувчисининг аввалги ижтимоий мавқеи, касбий обрусига жиддий путур етганлиги ҳолла-ри ўзининг илмий изоҳини топиши ҳамда мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур.

Бадий таҳлилга хос, айниқса, ўқув таҳлиliga доир назарий қарашлар ҳанўзгача ҳам яхлит илмий тизим ҳолига келтирилмаган эди. Мазкур диссертацион тадқиқотда дидактик таҳлил умумназарий ҳамда амалий йўналишда ўрганилди ва ўқув таҳлиliga хос хусусиятлар, уларнинг турлари, уларга қуйиладиган талаблар, дидактик таҳлилнинг тамойиллари, таҳлил усуллари ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш йўллари тўғрисида фикр юритилди, тавсиялар берилди. Хуллас, ушбу диссертация ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси илмида муайян ечими топилмаган бир қатор долзарб педагогик муаммоларни ҳал этиш йўлидаги изланишлар самараси уларок юзага келди.

Муаммонинг ишланганлик даражаси. Педагогика фанида туб ўзгаришларнинг рўй бериши ёки педагогик тафаккурнинг янгилиниши фақат Ўзбекистон ёхуд мустақилликка эришган собиқ СССР таркибидаги

жумҳуриятлар илмигагина хос хусусият бўлмай, балки жаҳоний миқёсга эга жараён дир. Асримиз етмишинчи йилларининг охирида яратилиб, 1980 йилдаёқ, Москвада ҳам этилган "Инсоннинг сифатлари" китобида ғарб тарбияшунос олими А.Печчеи жаҳон педагогик фикридаги туб силжишларнинг дастлабки белгиларини умумлаштирган эди. Шунингдек, мактабда адабиёт ўқитишнинг ижтимоий, илмий, сиёсий, педагогик ва психологик муаммолари ҳақида Н.И.Кудряшевнинг "Адабиёт методикасининг назарий асослари" [И.123]. В.И.Кан-Калик ҳамда В.И.Хазанларнинг "Мактабда адабиёт ўқитишнинг педагогик-психологик асослари" [И.110], америка олимлари: Р. Уэллек ва А.Уоренларнинг "Адабиёт илмининг тамаллари" [11.207], озарбайжонлик методист А.Аҳмедов, тожик усулиётчилари: М.Қозижонов, А.Ваҳҳобов, грузин олимлари: Л.Хучулава, М.Костава, латиш методисти Д.Аусекле кабиларнинг тадқиқотларида фикр юритилган эди.

Ўзбек мутахассисларидан А.Фитрат, А.Саъдий, А.Чулпон, С.Долимов, Ҳ. Убайдуллаев, Қ.Аҳмедов, А.Зуннунов, И. Султон сингари таниқли олимларнинг адабиёт ўқитишга дахлдор ишларида адабий таълимнинг турли назарий муаммолари, ўз вақтида, муайян даражада тадқиқ этилган.

Мактабда адабиёт ўқитишни янгича ташкил этиш, уни ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситасига айлантириш, адабий таълимда бадий матн билан ишлашга устувор аҳамият бериш, адабиёт ўқитишни давр талаблари даражасига кўтариш юзасидан О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, Т.Бобоев, Н.Каримов, А.Каттабеков, А.Абдураззоқов, О.Мадаев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, В.Қодиров сингари олимлар ҳам ўз монография, диссертацион тадқиқот ва рисоаларида қимматли мулоҳазалар билдирганлар. Аммо "Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари" муаммоси ханўзгача махсус илмий тадқиқот сифатида ишланган эмас.

Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш муаммоси мазкур диссертацион ишда илк бор илмий-методик жиҳатдан яхлит тадқиқ этилади. Адабиёт ўқитишнинг асосларини белгилаш, адабий таълимнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни тушунчаларини янгича педагогик тафаккур нуқтаи назаридан изохлаш, адабий таълим жараёнида ўқувчи ўқитувчи муносабати характерини кўрсатиш, адабиёт дарсларида талабаларнинг қайси жинсга мансублигини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш юритиш, бадий матн устида ишлашни адабиёт ўқитишдаги асосий фаолият турига айлантириш, бадий таҳлилда адабий турга хос жиҳатларни кўзда тутиш, дидактик таҳлил турлари ва усулларини тасниф этиш, энг муҳими, адабиёт дарсларининг ўқувчилар маънавиятини шакллантириш воситаси эканини асослашга мазкур диссертацион ишда алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқотда миллий адабиёт ўқитиш методиси фанида адабий таълимнинг илмий-методик асослари қай даражада тадқиқ этилганлиги тарихига тўхталинади ва адабиёт дарсларини маънавият машғулотларига - к о м и л шахс шакллантириш воситасига

айлантириш юзасидан қарашлар тизими тавсия этилади.

Тадқиқот объекти. Умумтаълим мактаблари V-XI синф ўқувчилари ва филолог ўқитувчиларнинг адабиёт ўқитиш жараёнидаги фаолияти. Янгиланган педагогик қарашларнинг адабий таълим амалиётига тадбиқ этилиши.

Тадқиқот предмети. Умумтаълим мактабларининг V-XI синфларида адабий таълим самарадорлигини оширишнинг янги усуллари тизимини белгилаш; адабиёт дарсларида асар матни билан ишлашнинг методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ йўллари топиш; адабиёт ўқитиш жараёнини ўқувчилар маънавиятини шакллантиришга йуналтириш тамойилларини аниқлаш; ўқув режалари, дастур, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш ҳамда уларга қўйиладиган стандарт талабларни ишлаб чиқиш асосида адабий таълимни тубдан янгилаш бўйича назарий ҳамда илмий-методик хулосалар бериш диссертацион ишнинг предметиدير.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбек педагогика фани танадиган умумназарий ва фалсафий асосларни аниқлаш асосида унга хос янгича хусусиятларни тасниф этиш, умумтаълим мактабларида адабиёт нима учун ва қандай ўқитилиши лозимлиги тамойилларини белгилаш, адабий таълимни амалга ошириш жараёнида таянилиши зарур бўлган илмий-назарий, эстетик-педагогик ва амалий-методик асосларни муайян илмий тизим ҳолида ишлаб чиқиш ҳамда улардан педагогик амалиётда фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш мазкур диссертацион тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг фаразлари. Тадқиқотда педагогик фалсафа тарбияшунослик фанида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ғояси илгари сурилади. Агар педагогика фанининг қандай фалсафий тизимга асосланганлиги аён бўлса, унинг моҳияти ойдинлашади. Негаки, фалсафий қарашларнинг моҳияти педагогика илмининг моҳиятига кўчади деб қаралади. Шунингдек, педагогика инсон билан жамият ўртасидаги муносабат мувозанатини вужудга келтиришга йуналтирилган илм бўлганлиги учун ҳам унинг асос эътибори билан инсон томонидан уйлаб чиқарилган қарашлар тизимига эмас, балки илоҳий калом фалсафасига таяниб иш юритиши миллий педагогикамиз учун самарали бўлади деб ҳисобланилади.

Материалистик таълимот тараққиётни фақат қарама-қаршилик ва инкор таъминлайди деб даъво қилади. Калом фалсафаси ва тасаввуф таълимоти эса тараққиётнинг асосида Аллоҳ иродаси, илоҳий мунтазамлик, ўзаро ёрдам ётади деб биладики, тарбияшуносликнинг табиатини изоҳлашга моҳиятан мазкур қараш мувофиқ келади.

Диссертацияда янгича педагогик тафаккурга таяниб адабий таълимга ёндашилса, қуйидаги натижаларга эришилиши фараз қилинади:

- адабий таълимнинг бош мақсади сифатида **к о м и л ш а х с** маънавиятини шакллантиришни белгилаш унинг самарадорлигини оширади. Чунки педагогик жараён олдида эгалланиши зарур аниқ тарбиявий мақсад пайдо бўлади;

- адабий таълимга ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш воситаси тарзида ёндашиш уни инсонийлаштиради, ўқув жараёнининг қизиқарли ва жонли бўлишига олиб келади;

- адабий таълим комил шахс шакллантиришга йуналтирилса, адабиёт ўқитишда бадиий таҳлил асосий иш турига айланади. Негаки, пухта бадиий таҳлил воситасидагина ўқувчиларда маънавий фазилаатлар қарор топдирилиши мумкин;

- таҳлил мобайнида ўрганилаётган асарга насихат воситаси тарзида қаралмай, бутун педагогик тадбирлар матннинг эстетик зибасини очишга йуналтирилса, адабий таълим ўқувчиларни ўзига жалб этади, унинг жозиба кучи ортади;

- бадиий таҳлил эстетик йўналишда амалга оширилса, ўқувчиларда маънавиятнинг белгилари шаклланиши тезлашади. Чунки бадиий сўз ўқувчиларнинг хиссиети, кечинмалари, туйғуларига таъсир кўрсатиш орқали руҳиятини бойитади, хиссиётларини теран, кечинмаларини нозик қилади, яъни уларда ш а х с л и к сифатларини ривожлантиради;

- бадиий таҳлилнинг диссертацияда тадқиқ этилган турларидан ўринли фойдаланилса, адабий таълимнинг самарадорлиги кескин ортади;

- ўрганилаётган асарларнинг тур ва жанр хусусиятлари ҳисобга олинса, бадиий таҳлил пухта ва педагогик мақсадга йуналтирилган бўлади;

- адабий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари тенглик асосига курилса, педагогик ҳамкорлик юзага келади, ўқувчиларнинг тафаккур салоҳияти ортади, хиссиётлари ўткирлашади, муносабат тенглиги болалар нутқининг тезроқ ривожланишига ҳам сабаб бўлади, бинобарин, улар маънавиятини шакллантириш тезлашади;

- адабий таълимни ташкил этишда шахсни ривожлантиришнинг ирсий, биологик ва илоҳий омиллари мавжудлиги ҳисобга олинса, педагогик амалиётда учраб турадиган изоҳи мушкул кўнгилсизликлар осонроқ бартараф этилади;

- адабиёт ўқитишда синфдаги талабаларнинг қанча қисми қайси жинсга мансуб эканлигини ҳисобга олиб иш юритиш машғулотларнинг талабалар табиатига мувофиқ бўлишига олиб келади. Бинобарин, машғулотлар самарадорлиги муайян даражада ошади.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацион ишнинг мақсади ва фаразлари куйидаги вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади:

1. Муаммонинг илмий-назарий, эстетик-педагогик, амалий-методик жиҳатларини тавсифлаш ва унинг ишланганлик даражасини белгилаш.

2. Янгиланган педагогик тафаккурга хос хусусиятларни аниқлаш ва унинг мактаб адабий таълимини йўлга қўйишдаги ўрнини кўрсатиш.

3. Миллий педагогика илми таянадиган фалсафий асосларни белгилаш ва унинг мактаб адабий таълимини уюштиришдаги назарий таянч эканлигини асослаш.

4. Мактабда адабиёт ўқитишнинг асосларини тўғри белгилаш адабий

таълимнинг муваффақияти омили эканлигини назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ёрдамида кўрсатиш.

5. Адабий таълим ўқувчи маънавиятини шакллантириш воситаси, уни комил шахсга айлантириш омили эканлигини асослаш.

6. Бадиий таҳлил тушунчасини тадқиқ этиш. Таҳлил турлари, уни амалга ошириш йўллари, таҳлил жараёнида роя қилинадиган илмий тамойиллар тизимини ишлаб чиқиш ва улардан таълим амалиётида фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

7. Адабий таълим жараёнида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатининг табиатини тадқиқ этиш, бу муносабатлар соғлом бўлганда, педагогик фаолиятдаги тенглик ва ҳамкорлик ҳ а м к о р л и к педагогикасига айланишининг илмий асосларини яратиш.

8. Бадиий асарларни таҳлил қилишда уларнинг қайси адабий турга мансублигини ҳисобга олиб фаолият кўрсатиш адабий таълим учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тадқиқ этиш ва бу борада аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш.

9. Ҳолатларни амалиётга жорий этишдан олдин ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини, ўқувчиларнинг билим савияси ва кўникмалари кўламини аниқлаш юзасидан диагностик мақсадларда суровлар ўтказиш ҳамда уларни таҳлил қилиш.

10. Тадқиқот ҳолатлари асосида яратилган дарсликларнинг педагогик мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва уларнинг "Ўзлуксиз адабий таълим концепцияси" ҳамда "Ўзлуксиз адабий таълим давлат стандарти"га мувофиқ келиши юзасидан хулоса бериш.

11. Мактабда адабий таълимни йўлга қўйиш бўйича янги қарашлар акс этган дарс намуналарини яратиш ва тажриба-синов майдонларида эришилган кўрсаткичларга таяниб уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаб бериш.

12. Адабий таълим мазмунига қўйиладиган янги талаблар ишлаб чиқиш ва янгиланган ўқув ашёларига хос хусусиятларни тавсифлаб бериш.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Диссертацион ишда инсонга энг олий мавжудот сифатида ёндашувчи ислом фалсафаси ва тасавуф таълимотига хос тушунчалар, оламни идрок этиш, унинг тараққиёт қонуниятини изоҳлаш борасида исломий-тасавуфий ёндашув етакчилик қилади. Форобий, Ғаззолий, Ибн Рушд, Муҳйиддин ибн Арабий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мунис, Абай, Ризоуддин ибн Фаҳруддин сингари Шарқ тафаккури намояндаларининг бадиий ижод, тарбия ва адабий таълимга доир фикрлари тадқиқотга ўзига хос методологик асос бўлди. Шунингдек, минглаб йиллик тарихга эга Ғарб фалсафасининг Платон, Аристотель, Гегель, Жан Поль, Ницше, Фрейд, Розанов, Каптерев, Ушинский сингари мутафаккирлари битган тадқиқотимиз мавзусига дахлдор асарлар муайян илмий асос рутбасида бўлди. Замонавий ўзбек усулиётчи олимларининг; адабий таълимга оид айрим тадқиқотлар қилган, бу борада

ўзига хос қарашларга эга бўлган ўзбек ижодкорларининг; шунингдек, қозок, қирғиз, озарбайжон, турк, тожик, рус, латиш, грўзин, украин, америкалик методист олим ҳамда адабиётшуносларнинг илғор фикрлари ҳам тадқиқотимиз йўналишини белгилашда бир қадар назарий таянчлик вазифасини бажарди.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда тадқиқот мавзусига дахлдор бўлган илмий ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди, илмий хулосалар қиёсланди ва натижалар ҳисоблаб чиқилди. Ишдаги илмий хулосаларга келишда қуйидаги илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди: назарий таҳлил, мантиқий таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, анализ ва синтезлаш, моделлаштириш, расмий педагогик ҳужжатлар ва архив материалларидан фойдаланиш, педагогик тажрибани ўрганиш, таҳлиллаш ва умумлаштириш, кўзатиш, суҳбат, суров, ўқувчилар ижодини ўрганиш, ўқувчилар дидактик фаолияти натижаларини таҳлил этиш ва солиштириш, педагогик илмий тажриба ўтказиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини, маънавий сифатларини ҳамда таҳлил кўникмаларини аниқлаш бўйича тест ўтказиш.

Тадқиқот босқичлари. Мазкур тадқиқот 10 йил мобайнида уч босқичда амалга оширилди.

1.. Тадқиқотнинг назарий изланиш босқичи (1986-1989) да тадқиқ этиладиган муаммога дахлдор илмий, назарий, фалсафий, тарихий, филологик, педагогик, методик, психологик, диагностик йўналишдаги адабиётлар ўрганилди. Адабий таълимнинг илмий-методик асосларга доир жаҳон илмидаги асосий қарашлар умумлаштирилди ва миллий шароитга тадбиқан қиёсий таҳлил этилди. Шунингдек, бу босқичда мамлакатимиз умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш қандай йўлга қуйилганлиги, ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражалари, уларнинг педагогик фаолиятга қанчалик йуналтирилганлиги, ўқувчиларнинг адабиёт машғулотларидаги фаоллик даражалари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таҳлил малакалари адабиёт дарсларидаги асосий жиҳатлар ва уларнинг хусусиятлари, адабиёт муаллимлари билан ўқувчилар ўртасидаги муносабат характери, ўқув режалари, дастурлар, дарсликларнинг аҳволи ва уларнинг самарадорлик даражалари ўрганилди.

Муаммонинг турли қирраларини ўрганиш жараёнида мавжуд хато ва камчиликларнинг сабаблари аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш йўллари белгиланди. Шу мақсадда ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида суровлар утказилди, уларнинг натижалари таҳлил килинди. Бир катор мактабларда адабиёт дарслари мунтазам кўзатиб борилди, мутасаддилар билан суҳбатлашилди. Тажриба-синов майдонлари ва эксперимент қилинадиган дидактик воситалар ҳамда ғоялар аниқланди.

2. Тажриба-синов босқичи (1989-1993) мобайнида тадқиқот дарсларининг самарадорлигини ошириш, ўқувчилар фаоллигини кўтаришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва синалди.

3. Якуний умумлаштирувчи босқич (1993-1996)да илгари сурилган фаразларнинг ҳаётийлиги, яшовчанлиги, ишлаб чиқилган тавсияларнинг самарадорлиги бўйича тажриба-синов натижалари берган кўрсаткичлар умумлаштирилди. Адабий таълимда қулланиладиган дидактик ашёларнинг яроқлилиги юзасидан олинган хулосалар жамланди. Ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам адабий таълимга муносабат, адабиёт ўқитишни ташкил этиш ва бу жараёнда қатнашиш борасидаги тажриба-синов ишлари бошланишидан олдинги ва ундан кейинги қарашлари динамикаси ўрганилди. Диссертация ғояларини педагогик амалиётда синаб кўришда Гулистон туманидаги 1-, 2-, 5-, 6-, 14-; Боёвут туманидаги 8-; Ш.Рашидов туманидаги 5-; Гулистон шаҳридаги 3-,9-; Куйи Чирчиқ туманидаги 26-; Ғўзор туманидаги 8-; Тошкент шаҳридаги 129-, 148-мактабларнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари: Ҳ.Назарова, М.Убайдуллаева, К.Туйчиева, О.Ирисбеков, Н.Аҳмедов, И.Расулова, А.Болибеков, О.Йўлчураев, М.Яҳёева, Б.Муминов, Б.Холмонов, Э.Холмонова, С.Абдуллаев, Г.Жалолова сингари ижодкор ўқитувчилар қатнашдилар. Тадқиқотнинг тажрибадан ўтказилган асосий назарий қоидалари мана шу босқичда қатъий илмий ифода шаклини олди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. "Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари" муаммоси миллий методикамизда биринчи марта яхлит илмий тизим тарзида тадқиқ қилинди. Диссертацион ишда куйидаги ўта долзарб педагогик ва методик муаммолар муайян ечимини топган:

- педагогика фани тараққиётида педагогик фалсафа тушунчасининг аҳамияти ва миллий педагогика илми таянадиган фалсафий асоснинг моҳияти тадқиқ этилди;

- миллий педагогика фанига хос етакчи белгилар ва уларнинг ижтимоий-тарихий манбалари тасниф этилди;

- адабий таълим умумпедагогик жараённинг ўзвий бўлаги эканлиги ва адабиёт ўқитишни янгилаш тафаккурдаги янгиликларни ҳисобга олишдан бошланиши лозимлиги асослаб берилди;

- адабий таълимни ташкил этишда таяниладиган илмий-назарий асос махсус тадқиқ этилди. Мактаб адабий талими асосида калом фалсафаси туриши лозимлиги Туркистон маорифининг қадим тарихи ҳамда илғор замонавий педагогик қарашларга таянган ҳолда исботлаб берилди;

- адабиёт ўқитишнинг асослари: мақсад, вазифа, мазмун тушунчалари янги миллий педагогик тафаккур талабларига мувофиқ изоҳланди. Мазкур тушунчаларнинг етакчи белгилари алоҳида кўрсатилди ва уларнинг совет даврида нотўғри, бир ёқлама талқин этилганлиги сабаблари тушунтириб берилди;

- мактаб адабий таълимида ўқувчиларнинг тафакқурини ривожлантиришгагина эмас, балки унинг таъсирчан қалб, самимий туйғулар, бой ҳиссиёт, эзгу маънавий сифатлар эгаси, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлишига устувор аҳамият берилиши лозимлиги миллий

педагогикамиз тарихидан келтирилган илмий далиллар асосида исбот қилинди;

- адабий таълим мазмуни тушунчасини ташкил этадиган дидактик воситалар мажмуи ва уларнинг сифатига қўйиладиган талаблар тизими ишлаб чиқилди;

- бадиий ва ўқув таҳлили тушунчалари янгича талқин этилди. Бадиий таҳлил турлари ва уларга хос специфик хусусиятлар тасниф этилди. Адабиёт дарсларида асар таҳлилинини амалга оширишнинг янгича йўллари кўрсатиб берилди. Ўқув таҳлилинини амалга оширишда адабий турга ва ўқувчиларнинг жинсига хос хусусиятларни ҳисобга олиш методикаси яратилди;

- янгиланган педагогик тафаккур шароитида, таълим гуманизациялашган ҳолатда адабиёт ўқитиш жараёнида ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари янгича сифатга эга бўлиши ҳамда ўзаро муносабатларнинг соғломлашуви натижасида ўқувчилар фаоллик даражаси, ўзлаштириш имкониятлари кескин ортиши асослаб берилди;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда давлатнинг "Таълим туғрисида"ги Қонуни талаблари асосида мактаб адабий таълиминини мафкуравий йўналишга солиш мумкин эмаслиги атрофлича далилланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Мазкур диссертацион ишнинг илмий-назарий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1.. Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари назарий тарзда тадқиқ этилди.

2. Миллий адабий таълимни ташкил этишнинг назарий асосларини белгилашда мутараққий давлатлардаги етакчи илмий қарашлардан ҳамда миллий таълим тарихи материалларидан фойдаланилди.

3. Миллий педагогика фанига хос хусусиятлар ва у таянадиган фалсафий асосларнинг назарий жиҳатдан текширилиши бундан кейинги тадқиқотларнинг туғри илмий йўналиш олишига замин бўлади.

4. Кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиёти намуналарини текширишда калом фалсафаси ва тасаввуф таълимотига таяниш мақбўллиги, Туркистон мактабларида қадим замонлардан адабий таълим шу тарзда уюштириб келинганлиги борасидаги назарий хулосалар бу соҳадаги кейинги изланишлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

5. Адабий таълимнинг бош мақсади комил шахс шакллантириш бўлиши лозимлиги асосланганлиги ҳамда мактаб адабиётида бош, хусусий ва индивидуал максадларнинг мавжудлиги борасидаги назарий қарашлар адабиёт ўқитиш методикаси фанининг туғри йўналиш олишида назарий аҳамият касб этади.

6. Бадиий таҳлилнинг назарий тадқиқ этилиши, унинг муайян илмий мезон асосида тасниф тизимга солиниши, ҳам илмий, ҳам ўқув таҳлилининг хусусиятларини назарий тадқиқ этиш миллий герменевтика - таҳлилшунослик фани тараккиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертацион ишда мактабда

адабиёт ўқитиш ишига, адабий таълимни уюштириш жараёнига дарҳол қўллаш мумкин бўлган ва қўлланилганда самара келтириши тажрибаларда кўрилган қуйидаги жиҳатлар бор:

1. Адабий таълимнинг концепцияси, давлат стандарти сингари расмий педагогик ашёларнинг моҳияти тадқиқ этилганлиги таълим жараёнида бу ашёларни қўллаш ва уларнинг ўлчамларига риоя қилиш имконини беради.

2. Адабиёт дастури, дарсликлар ва уларнинг дидактик аппатларига қўйилган талабларнинг янги педагогик қарашлар асосида тадқиқ этилганлиги мазкур воситаларнинг самарадорлик коэффицентини сезиларли оширади.

3. Мактаб адабий таълими амалиётида ўрганилаётган асарнинг лирик, эпик ёки драматик турга мансуб эканлигини ҳисобга олган ҳолда иш тутишга оид назарий мулоҳаза ва амалий таклифлар мактаб таълими ҳамда ўқув таҳлили савиясини кўтаради.

4. Янгича педагогик тафаккур ва адабиёт ўқитиш методикасининг энг сўнгги талаблари кўзда тутилган ҳолда бир қатор дарс намуналарининг берилиши, конкрет асарлар таҳлилининг тавсия этилиши адабиёт ўқитувчилари фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Мазкур иш назарий хулосалари билан миллий адабиёт ўқитиш методикаси фани ривожланишига сезиларли таъсир курсатади, амалий тавсиялари билан адабий таълим жараёнида эришиладиган педагогик натижалар салмоғини оширади.

Тадқиқот хулосаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги. Мазкур муаммо тадқиқига илмий-назарий жиҳатдан ҳолислик билан ёндашилди, хулосалар турлича қарашларни солиштириш натижасида чиқарилди. Шунингдек, ишда тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига монанд текшириш усулларидан фойдаланилганлиги ҳам унинг асосланганлигини кўрсатади. Тадқиқот ғояларининг ҳаётийлиги ўтказилган синов ишлари ва тайёрланган дидактик ашёларнинг савиясидан ҳам кўринади. Тадқиқотда таклиф этилган усуллардан фойдаланиб дарс ўтилганда, тавсия қилган дидактик ашёлар амалиётда қўлланилганда, синов-тажриба синфларида адабий таълим самарадорлиги кескин ортганлиги кўзатилди. Ўқувчиларнинг нутқ малакаси, ўз фикрини ифодалаш кўникмаси, китобхонлик даражалари, бадиий матнни идрок этиш қобилиятлари, охир-оқибатда, маънавий сифатлари юксалганлиги тажриба ва сўров натижаларининг таҳлилидан аён кўришиб турибди.

Тадқиқотнинг жорийлашуви. Диссертацион иш Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ҳамда методикаси" бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва ундаги етакчи ғоялар "Умумтаълим мактабларида ўзбек адабиёти таълимининг долзарб масалалари" рисоласида, "Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари" монографиясида, "Ўзлуксиз адабий таълим концепцияси"да, "Ўзлуксиз адабий таълим давлат стандарти (ўлчамлари)"да, олий мактабларнинг филология факультетлари учун чиқарилган "Адабиёт ўқитиш

методикаси" дастурий қўлланмасида, умумтаълим мактабларининг V-XI синфлари учун мўлжалланган "Ўзбек адабиёти" дастурида, умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун битилган "Ўзбек адабиёти" дарслик-мажмуасида, шунингдек, "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Ўзбек тили ва адабиёти", "Тил ва адабиёт таълими", "Соғлом авлод учун", "Бошланғич таълим", "Тафаккур", "Мулоқот", "Халқ таълими", "Муштум", "Преподавания языка и литературы журналлари ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат" газеталари, Тошкент, Олма ота, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Андижон, Гулистон шаҳарларида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияларда, турли илмий тўпламлардаги мақолаларда баён қилинган.

Ҳимояга қуйидаги масалалар олиб чиқилади:

1. 1. Янгиланган миллий педагогик қарашларнинг асосий хусусиятлари тадқиқи.
2. 2. Миллий педагогика илмининг янги фалсафий-назарий асосларини белгилаш.
3. 3. Мактабда адабиёт ўқитиш жараёни учун ўқувчи маънавиятини тугри шакллантириш, яъни комил инсонни тарбиялаш бош мақсад бўлиши лозимлигини асослаш.
4. Адабий таълимда ўрганилаётган асарлардан фақат ижтимоий маъно кидириш, асар мазмунини қайта ҳикоялаш, асар ва ёзувчи ҳақидаги ахборотларни адабий таълим ҳисоблаш сингари носоғлом ёндашувларнинг зарарини кўрсатиш.
5. Адабиёт ўқитишга янги муносабат белгиларини тавсифлаш.
6. Адабий таълимда ўқитувчи-ўқувчи муносабати табиатига хос янги жиҳатларни тадқиқ қилиш, адабиёт ўқитиш жараёнининг бу икки иштирокчиси тенг ҳуқуқли шерикларга айлангандагина эришиладиган педагогик самараларнинг юксак бўлажagini асослаш.
7. Дидактик таҳлилнинг адабий таълимда юксак мақомга эгаллиги сабабини изоҳлаш ва унинг самарали усулларини тадқиқ этиш.
8. Янгиланган ўқув дастурлари ва дарсликларнинг илмий-методик савияси ҳақида илмий хулоса бериш.
9. Мактабда ўрганиладиган энг мураккаб асарларни дидактик таҳлил қилиш, ўқитувчилар учун оғир саналадиган мавзулар юзасидан дарс намуналари тайёрлаш.
10. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш юзасидан амалий тавсиялар бериш.
11. Бадиий асар таҳлиliga ўқувчиларни фаол жалб этиш асосида болалар маънавиятида ижобий сифатларни шакллантиришга эришиш бўйича тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

I боб. АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ЯНГИЛАШНИНГ ИЛМИЙ, НАЗАРИЙ ВА УМУМПЕДАГОГИК МАСАЛАЛАРИ

1. АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Жамият аъзоларининг маънавиятини шакллантиришда бошқа воситаларга қараганда самаралироқ бўлган мактаб адабий таълимнинг педагогик тафаккурда туб бурилишлар руй берган шароитда эскича қолмаслиги табиийдир. Фуқароларнинг маънавиятини фақат бугуннинг эмас, балки эртанинг ҳам талабларига мос равишда шакллантириш учун адабий таълим туб ўзгаришларни бошидан кечириши лозим бўлади. Чунки адабиёт ўқитиш иши умуман таълим жараёнининг ўзвий бир қисми сифатида педагогик амалиётда руй берган илғор ўзгаришларга мослашмасдан туриб кўзлаган мақсадга эриша олмайди. Янгиланган педагогик тафаккур таракқиётининг асосий тенденциялари адабий таълимда ҳам тўлиғича намоён бўлади. Илғор тенденцияларни ҳисобга олмай, жараённинг назарий асослари, тамойиллари ва методларини янгича йўналишлар моҳиятига мосламай туриб адабиёт ўқитишда самарага эришиб бўлмайди.

Мактаб адабий таълими соғлом ва изчил методология асосида ташкил этилмаса, жамият аъзоларининг маънавиятида юксалиш рўй бермайди. Маънавият юксалмаган жамият эса таназзул гирдобидан чиқа олмайди. Ҳар қандай жамиятнинг кучи фуқароларининг маънавий фазилатлари даражаси билан белгиланади. Жамиятни кудратли қилган ўлчамлар иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳатто одамларнинг фаровонлик даражалари ҳам бўлмай, муайян жамиятда яшаётган кишиларнинг инсоний фазилатлари, шакллантирган ва амал қилаётган қадриятларидир. Маънавий фазилатларнинг қандайлиги жамиятнинг қандайлигини белгилайди. Унинг иқтисодини тараккий эттириш, сиёсатини такомиллаштириш, ижтимоий тўзумини юксалтириш даражаси туғридан-туғри фуқароларнинг маънавият даражаларига боғлиқдир.

Муайян жамият ундаги устувор маънавий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа қадриятлар ҳамда талабларга жамият аъзолари оғишмай амал қилган тақдирдагина собит таррақий эта олади. Жамиятнинг тарихий, иқтисодий, жуғрофий, мафкуравий ўзига хосликлари туфайли майдонга келган қадрият ва нормаларга фуқароларнинг очик ёхуд яширин амал қилмай кўйиши, улардан буйин товлаши мазкур жамиятнинг таназзулидан далолатдир. Ҳуқмрон кучлар томонидан кўрилган ошиғич тадбирлар, бош кўтарганларга ўтказиладиган тазйиқлар жамиятнинг умрини бир оз ўзайтириши, таназзулни бир мунча кечиктириши мумкин, лекин уни ҳалокатдан сақлаб қола олмайди.

Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги абадий категориялардан бири бўлмиш т а р б и я ҳамisha жамиятдаги етакчи ахлоқий қадриятлар

билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йуналтирилиб келинади. Жамиятнинг устувор кадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар ижтимоий тўзумни ўзгартишга олиб келганидек, унинг тарбия тизимини ҳам ўзгаришга мажбур қилади. Шу маънода, социалистик жамиятнинг таназзулидан кейин коммунистик мафкура талаблари асосида, марксча-ленинча фалсафа тамойилларига кўра бунёд этилган педагогик қарашлар системаси ҳам тубдан ўзгаришларга учраши табиийдир. Чунки айнан педагогика илми ва амалиёти кишиларни муайян жамиятда ўзгаларга ҳалақит бермаган ҳолда яшаб, фаолият кўрсата биладиган даражада тайёрлаш тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Алоҳида шахсларнинг истакларини жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан тан олинган устувор кадрият ва талабларга мослаштириш тадбирларини белгилайди.

Маълумки, ҳар қандай жамият ўз аъзоларига муайян ижтимоий идеаллар асосида ёндашади ва фуқароларнинг ҳатти-ҳаракатлари, қарашлар ва яшаш тарзлари ана шу идеалга мувофиқ келишини хоҳлайди. Жамиятдаги ўзгариш, аввало, унинг идеалларидаги ўзгаришлар демакдир. Ўзгарган жамиятнинг янгиланган идеалларини аниқлаш, бу идеалларни шаклланаётган шахсларнинг маънавий-хулқий сифатларига айлантиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш педагогика фани олдида тўрган асосий вазифадир. Демак, ўзбек миллий педагогикаси тубдан янгиланиши, таянадиган фалсафий-илмий асосларини қайта кўриб чиқиши ва янгиланаётган тафаккур талабларини ҳисобга олган ҳолда жамиятимиз тарбия тизимининг қонуниятларини яратиши керак бўлади.

Тарбияга муносабатни, педагогик қарашлар системасини ўзгартириш, уни сунъий қолиплардан холи қилиш, тарбияшунослик илмини янгича асосларга қуйиш, педагогика фани олдида тўрган мақсад ва вазифаларни тубдан янгилашга интилиш бутун дунё илмида руй бераётган жараёндир [И. 169; 3]. Ривожланган мамлакатларда педагогик қарашларни янгилаш зарурлиги асримизнинг етмишинчи йилларидаёқ сезилган ва илгор педагог олимлар бу борадаги таклифларни ўртага ташлаган эдилар [И. 167; 229]. Бинобарин, миллатимиз педагогик илмлари тизимини янгилаш ва уни соғлом тамойиллар асосига қўйиш учун бошланган ҳаракат умумжаҳон тарбияшунослигида руй бераётган янгиланиш жараёнининг ўзвий бўлаги тарзида тушунилиши жоиз. Янгиланиш жараёнини бошидан кечираётган педагогика аввалги янглиш тамойиллардан батамом қутулиши, фақат бугуннинг эмас, балки олис истиқболнинг талабларини ҳам ҳисобга олган ҳолда янгича илмий тушунчалар бунёд қилиши лозим бўлади. Социалистик педагогика моҳият эътибори билан миллий тарбия хусусиятларини тан олмаслик, қадимий ахлоқ нормаларини инкор этиш, педагогик тушунчаларни сунъий равишда ижтимоий қолипларга тикиштириш, инсон табиатига хос эркинлик, мустақил фикрлаш сингари жиҳатлардан юз ўгиришга асосланган

тарбияшунослик эди. Бинобарин, бу педагогиканинг олдида чинакам шахс шакллантириш мақсади турмас, вазифалар мажмуи ҳам шунга яраша эди. Гарчи, социалистик педагогика "янги одамни шакллантириш", "хар жиҳатдан етук шахсни тарбиялаш" ғояларини декларатив тарзда бош мақсад деб эълон қилган бўлсада, амалда бу борада изчил иш олиб бормади. Боз устига, ўзининг бутун кучини жамият аъзоларида айнан ана шу шахслик сифатларининг шакллантирилмаслигига сафарбар этди. Социалистик жамият мустақил фикрлайдиган, ўзига хос қарашларга эга, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъулликни бўйнига оладиган, бировнинг фикрига кўр-кўрона эргашавермайдиган, умуминсоний қадриятлар ўлчови билан иш курадиган, ўзга инсонга муте бўлмайдиган, журъатли шахслар шакллантирилишидан манфаатдор эмас эди. Бу жамият кишиларни ижтимоий-синфий табақаларга ажратган ҳолда берилган ҳар қандай бўйруққа сўзсиз итоат этувчи оломон шакллантириладиган педагогик тизимга эга бўлишни истарди. Бу педагогик қарашларга кўра, тарбия иши оиладан тортиб олий мактабга қадар синфий асосдагина уюштирилиши мумкинлиги кўзда тутилди, турлича ижтимоий тўзумда яшаётган инсонлар орасидаги, уларнинг ахлоқий сифатлари ўртасидаги муштараклик бутунлай инкор этиларди. Айни вақтда, коммунистик империя таркибидаги миллатларнинг педагогик анъаналари, тарбияга доир қарашлари расмий педагогика томонидан мутлақо ҳисобга олинмасди.

Мафкуравий педагогика муайян жуғрофий кенгликда яшайдиган, маълум миллий психологик хусусиятларга эга бўлган, ўзи мансуб миллатининг маънавий қадриятларини ўзлаштирган, ҳаракатдаги, фаолиятдаги, бинобарин, ўзгаришлар қуршовидаги конкрет жонли одамга эмас, балки кимлиги номаълум, лекин коммунистик стандартларга туғри келадиган, ўртача "совет кишиси"га мўлжалланган қарашлар тизимидан иборат эди. Бундай педагогиканинг кўп йиллик актив фаолияти туфайли дунёдаги энг йирик ва қудратли давлат таркибидаги бир қатор мустамлака миллатлар сингари ўзбек халқи психологиясида ҳам жиддий салбий ўзгаришлар содир бўлди. Бир замонлар муқаддас ҳисоблан ва миллатимиз қадрини юксалтирган орият, ҳаё, художўйлик, меҳр, тўғрилиқ, соддалиқ, меҳнатсеварлик, катталар фикрини қулоққа олиш сингари миллий фазилатларимиз сезиларли даражада камайди. Кишиларимиз табиатида, одатларида, фикрлаш тарзларида миллий туйғулардан маҳрумлик, миллий мансубликдан уялиш, урислашув, социалистик одам ҳақидаги ясама қолипларга мослашиш, ватан туйғусига бепарволик сингари сифатлар пайдо бўлди ва анча кенг ёйилди. Қадимий педагогик анъаналарга эга бўлган, юксак маънавий ва интеллектуал фазилатлари туфайли тарих саҳифаларида ўчмас излар қолдирган ўзига хос халқ тарихан қисқа бир фурсат ичида ўзлигидан йироқлашган, маънавий қадриятларига бепарво лоқайд оломонга айлантирилди.

Ўравонликка асосланган ҳар қандай жамият сингари социалистик

тўзум ҳам йўқ бўлиши ва халқимиз асл фарзандларининг азалий армони бўлмиш мустақилликка эришилиши туфайли мамлакатимиз фуқаролари учун маънавий қадриятлар, ахлоқий мезонларни белгилаб олиш кун тартибидаги биринчи даражали масалага айланди. Эндиликда кечагина амалда бўлган ахлоқий меъёрлар билан бугунги кун кишиси маънавиятини изоҳлаб бўлмаслиги ойдинлашди. Мана шу ҳолат миллий педагогикамизда туб ўзгаришлар, кардинал янгиланишлар бўлишини тақозо этарди.

Туб ўзгаришга тутинган педагогика социалистик тарбия илми тўплаган барча тажрибалардан бирваракайига юз ўгириш йўлидан бормайди. Янгиланган миллий тарбияшунослик бу тажрибаларнинг соғлом жиҳатларини ўрганиш, ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш билан биргаликда социалистик мафкуравий педагогиканинг хатоликларини атрофлича таҳлил этиб, уларни такрорламаслик йўллари белгилай олсагина, мустақил миллатнинг баркамол вакиллари тарбиялаш тизимини ишлаб чиқа билади.

Миллий педагогика жиддий ижтимоий эврилиш ва талотумлар туфайли вужудга келган қалтис вазиятдан бешикаст чиқиб кетиши учун, биринчи навбатда, педагогик фалсафа масаласи тўғри ҳал этилиши керак. Яъни педагогика фани таянадиган умумназарий қарашлар, методологик асослар белгилаб олиниши керак. Мазкур асослар қанчалик соғлом бўлса, педагогиканинг ҳам назарий, ҳам амалий самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Чунки фақат педагогик фалсафагина таълим-тарбия жараёни ўз олдига қандай мақсад қояди, мазкур мақсаднинг белгиланишига сабаб бўлганима, бу мақсадга эришишнинг воситалари қайсилар, тарбия жараёнини уюштиришда таяниладиган тамойиллар нималардан иборат сингари саволлар тизимига жавоб беради. Шундагина, тарбияшунослик жамият аъзоларида шакллантириладиган ахлоқий-маънавий сифатлар ва бу жараёнда суяниладиган қадриятлар тизимини туғри олиши мумкин.

Социалистик тарбияшуносликда педагогик фалсафа тушунчаси умуман қўлланилмас эди. Негаки, бу тўзум шароитида фаолият кўрстаган барча фанлар сингари педагогика ҳам гўё бутун олам тараққиёт тенденцияларини бирваракайига, барча замонлар учун шриб берган, ўзгармас, "энг ҳаққоний", марксча-ленинча зафага асосланганди. Бу фалсафа қарашларнинг хилма-хиллиги хулосаларнинг далилланганлиги, тушунчаларнинг умуминсонийлиги ва тавсияларнинг универсаллигига эмас, балки битта ақида - зиддиятга асосланган таълимот эди. У табиатни ҳам, жамиятни ҳам, тафаккурни ҳам зиддиятли курашлар призмасидагина кўра оладиган бир ёклама, аммо абадийлик даъво қиладиган мафкуравий қарашлар мажмуи эди. Эндиликда фалсафа тушунчаси ҳукмрон мафкура тушунчасидан кенгрок эканлиги ойдинлашди. Қарашлар хилма-хиллиги хулосалар ҳаққонийлигининг шартли эканлиги маълум бўлди. Шундай шароитда педагогиканинг энг умумий, устувор жиҳатларини аниқлаш, таянадиган назарий асосларини белгилаш орқали тарбияшунослик илмини тараққиётнинг тўғри йўлига тушириб

юбориш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Тафаккур тараққиётига холис назар ташлаш шуни курсатади-инсон томонидан яратилган ҳар қандай қарашлар тизими, кашф этилган қонуниятлар системаси ҳам абадий бўла олмайди. Ўткинчи яратикдан яралган яралмишнинг ҳам ўткинчи, муваққат бўлишлиги табиийдир. Ўзида абадийлик хусусияти бўлмаган мавжудотдан пайдо бўлган нарса абадийлик хусусиятига эга бўла олмайди. Фақат илоҳий ҳукмларгина абадий бўлади. Чунки яратувчи Аллоҳдан бўлак абадий нарсанинг ўзи йўқ. Аллоҳ томонидан нозил қилинган ва инсоният ақлининг энг етук намояндалари тарафидан муайян тизим ҳолига келтирилган ислом фалсафасигина олам ҳодисаларини, жамият воқеаларини, тафаккур ва руҳият тараққиётига хос жиҳатларни тўғри изоҳлаб бера олади. Негаки, калом фалсафаси бутун оламнинг маълум қоида, муайян қонунлар асосида ривожланишини, чексиз коинотдаги бирор нарса мавжуд қоидалардан заррача четга чиқмаслигини, жонли-жонсиз нарсалар, ҳайвонлар ва одамлар белгиланган илоҳий тартибга монанд тарздагина мавжуд эканликларини асослайдиган қарашлар тизимидир. Бу фалсафага кўра, борликда буюк мунтазамлик, қатъий ички тартиб, муқаддас интизом ва қудратли сабабий борланишларгина мавжуд. Оламни бетартиб эмас, айнан шу тарзда бошқариб турувчи, жисмларнинг шаклини, ўсимликларнинг ўзиш тарзини, ҳайвонларнинг ҳаёт шароитини, одамзоднинг турмуш ўрнатиларини муайян тизимга солиб турувчи Улуғ Аллоҳ белгилаб берган қонуниятдан ташқарида бирор жисм ҳам, бирор зарра ҳам, бирон ҳодиса ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу қарашлар тизимига кўра, оламдаги барча нарсалар Аллоҳ белгилаб қўйган қонуниятларга итоат этади. Шунинг учун ҳам дунёдаги барча мавжудот яратилишиданоқ, борлиги биланоқ **и с л о м** и й. Зеро, "ислом" калимасининг маъноси: "Буюрувчининг фармони ва таъқиқига эътирозсиз бўйсуниб ҳамда уни буюрилгандек бажариш демакдир" [II.98:5].

Оламдаги бирор нарса ўз ихтиёри билан яралмагани каби оламни тарк этишда, йўқ бўлишда ҳам ихтиёрсиздир. Яъни, ўзи истаб ё истамай, Улуғ Аллоҳнинг иродасини бажаришга мажбур. Ислום фалсафаси, тавҳид эътиқоди оламнинг тараққиётида тасодифни, сакрашларни истисно қилади. Ривожланишнинг, ҳаракатнинг сабаби тарзида марксизм-ленинизмдаги сингари қарама-қаршиликни эмас, балки олий ички мунтазамлик ва сабабий боғланишларни, Аллоҳнинг иродасини кўрсатади. Чексиз-чегарасиз коинотдаги энг кичик заррадан улкан сайёраларга қадар нимаики нарса мавжуд экан, ҳаммаси яратганнинг иродасини бажаргани, улуғ Подшоҳнинг фармонини ижро этгани туфайлигина бордир.

Оламнинг Эгаси ундаги барча нарсаларни уйғунлик қоидаси-мувофиқ ўзаро ёрдам қонуни асосида яратган. Дунёдаги ҳам-ма нарса ўзлуксиз имдод туфайлигина мавжуддир. Имдоднинг ўзлуксизлиги гармониянинг ниҳоясизлигини вужудга келтиради. Ниҳоясиз уйғунлик эса Яратувчи гўзаллигининг ифодасидир. "Илоҳий қонунлар борликдаги ҳар бир нарса

хамиша ўзаро ёрдам беришини тақозо қилади. Жонсиз тупроқ ўсимликка ёрдамга шошилади, ўсимлик ҳайвонга кўмак беришга интилади, ҳайвон эса инсонга имдод беришга ошиқади, инсон тупроқни туйдирмоқчи бўлади ва х. к.

Марксизм-ленинизм эса айна шу ҳолатни мутлақо тескари изоҳлайди: мунтазам ва батартиб ёрдамни инкор деб тушунтиради, уйғунликни қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши дея изоҳлайди. Шу тариқа олам тараққиёти интизом ва тартиб асосида эмас курашлар, сакрашлар, ғалва асосида содир бўлади деб қй05557 ўра оладиган бир ёқлама, аммо абадийлик даъво қиладиган мафкуравий қарашлар мажмуи эди. Эндиликда фалсафа тушунчаси ҳукмрон мафкура тушунчасидан кенгроқ эканлиги ойдинлашди. Қарашлар хилма-хиллиги хулосалар ҳаққонийлигининг шарти эканлиги маълум бўлди. Шундай шароитда педагогиканинг энг умумий, устувор жиҳатларини аниқлаш, таянадиган назарий асосларини белгилаш орқали тарбияшунослик илмини тараққиётнинг тўғри йўлига тушириб юбориш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Тафаккур тараққиётига холис назар ташлаш шуни курсатади-инсон томонидан яратилган ҳар қандай қарашлар тизими, кашф этилган қонуниятлар системаси ҳам абадий бўла олмайди. Ўткинчи яратикдан яралган яралмишнинг ҳам ўткинчи, муваққат бўлишлиги табиийдир. Ўзида абадийлик хусусияти бўлмаган мавжудотдан пайдо бўлган нарса абадийлик хусусиятига эга бўла олмайди. Фақат илоҳий ҳукмларгина абадий бўлади. Чунки яратувчи Аллоҳдан бўлак абадий нарсанинг ўзи йўқ. Аллоҳ томонидан нозил қилинган ва инсоният ақлининг энг етук намояндалари тарафидан муайян тизим ҳолига келтирилган ислом фалсафасигина олам ҳодисаларини, жамият воқеаларини, тафаккур ва руҳият тараққиётига хос жиҳатларни тўғри изоҳлаб бера олади. Негаки, калом фалсафаси бутун оламнинг маълум қоида, муайян қонунлар асосида ривожланишини, чексиз коинотдаги бирор нарса мавжуд қоидалардан заррача четга чиқмаслигини, жонли-жонсиз нарсалар, ҳайвонлар ва одамлар белгиланган илоҳий тартибга монанд тарздагина мавжуд эканликларини асослайдиган қарашлар тизимидир. Бу фалсафага кўра, борликда буюк мунтазамлик, қатъий ички тартиб, муқаддас интизом ва қудратли сабабий борланишларгина мавжуд. Оламни бетартиб эмас, айнан шу тарзда бошқариб турувчи, жисмларнинг шаклини, ўсимликларнинг ўзиш тарзини, ҳайвонларнинг ҳаёт шароитини, одамзоднинг турмуш ўрнақларини муайян тизимга солиб турувчи Улуғ Аллоҳ белгилаб берган қонуниятдан ташқарида бирор жисм ҳам, бирор зарра ҳам, бирон ҳодиса ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу қарашлар тизимига кўра, оламдаги барча нарсалар Аллоҳ белгилаб қўйган қонуниятларга итоат этади. Шунинг учун ҳам дунёдаги барча мавжудот яратилишиданоқ, борлиги биланоқ и с л о м и й. Зеро, "ислом" калимасининг маъноси: "Буюрувчининг фармони ва таъқиқига эътирозсиз бўйсунуш ҳамда уни буюрилгандек бажариш демакдир" [П.98;5].

Оламдаги бирор нарса ўз ихтиёри билан яралмагани каби оламни тарк этишда, йўқ бўлишда ҳам ихтиёрсиздир. Яъни, ўзи истаб ё истамай, Улуғ Аллоҳнинг иродасини бажаришга мажбур. Ислом фалсафаси, тавҳид эътиқоди оламнинг тараққиётида тасодифни, сакрашларни истисно қилади. Ривожланишнинг, ҳаракатнинг сабаби тарзида марксизм-ленинизмдаги сингари қарама-қаршилиқни эмас, балки олий ички мунтазамлик ва сабабий боғланишларни, Аллоҳнинг иродасини кўрсатади. Чексиз-чегарасиз коинотдаги энг кичик заррадан улкан сайёраларга қадар нимаики нарса мавжуд экан, ҳаммаси яратганнинг иродасини бажаргани, улуғ Подшоҳнинг фармонини ижро этгани туфайлигина бордир.

Оламнинг Эгаси ундаги барча нарсаларни уйғунлик қондаси-мувофиқ ўзаро ёрдам қонуни асосида яратган. Дунёдаги ҳам-ма нарса ўзлуксиз имдод туфайлигина мавжуддир. Имдоднинг ўзлуксизлиги гармониянинг ниҳоясизлигини вужудга келтиради. Ниҳоясиз уйғунлик эса Яратувчи гўзаллигининг ифодасидир. "Илоҳий қонунлар борлиқдаги ҳар бир нарса ҳамиша ўзаро ёрдам беришини тақозо қилади. Жонсиз тупроқ ўсимликка ёрдамга шошилади, ўсимлик ҳайвонга кўмак беришга интилади, ҳайвон эса инсонга имдод беришга ошиқади, инсон тупроқни туйдирмоқчи бўлади ва х. к.

Марксизм-ленинизм эса айти шу ҳолатни мутлақо тескари изоҳлайди: мунтазам ва батартиб ёрдамни инкор деб тушунтиради, уйғунликни қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши дея изоҳлайди. Шу тариқа олам тараққиёти интизом ва тартиб асосида эмас курашлар, сакрашлар, ғалва асосида содир бўлади деб қаралади. Оддий мантиқ нуқтаи назаридан ёндашилганда ҳам материализмнинг нақадар ғариб қарашлар тизими эканлиги аён бўлади. Ўсимликка қуйнидан жой берган замин, наҳотки, донни инкор этса? Ёхуд тупроқ бағрида ўсган наботот не учун заминни инкор этар экан? Ҳайвон ёинки инсонга ем бўлган усимлик ундан фойдаланганлар томонидан инкор этилади дейиш мантиқсизлик эмасми?

Ислом фалсафасининг постулатлари ижтимоий ҳаётга кўчирилганда ҳам ғаройиб илмий манзарани кўзатиш мумкин. Инсоният олами ҳам тартиб ва интизом ичидадир. Оламдаги энг баланд мартабали мавжудотнинг Яратувчиси ҳодиса ва қонунлар йўли билан инсоний муносабатларни бошқаради. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар, инсониятнинг ҳаракати жойида депсиниш тарзида бермайди, балки камолот сари йуналтирилади. Бу йуналтирилиш натижасида яхши ёмондан, савоб гуноҳдан, ҳалол ҳаромдан, нур зулматдан ажратилади. Инсон имтиҳон учун берилган умрини қандай ўтказганлигига қараб ўз насибасини олажакдир.

Инсондан ўзга нарсалар фақат белгиланган тарздагина ҳаёт кечирсалар, Яратувчи одамга ақл, руҳ берганлигидан унда икки қарама-қарши сифатдан бирини танлаш ихтиёри бор. Холиқнинг барча махлуқлари қатори одам мажбурий ҳаётида табиий қонунларга бўйсўнгани сингари фикрловчи зот сифатида ихтиёрий ҳаётида шеръий қонунларга бўйсўниши керак. Лекин

карами кенг Аллоҳ томонидан тафаккурга эга мавжудот қилиб яратилиши билан одамзотга эрк берилган: бирор қонунга бўйсунмиш ёки бўйсунмаслик ихтиёри ўзида.

Ҳар қандай тараққиёт борадиган ҳадаф, мўлжал - камолот. Табиий ва ихтиёрий қонунларга дилдан бўйсўнган, Яратганнинг қаҳридан қўрққан, унинг ҳамиша, ҳар ерда ҳозир эканлигига имон келтирган, олам Подшоҳи кўнглидан кечган ўйларгача билишини тан олган, ҳар бир ҳатти-ҳаракати учун охирада ажр борлигини, қиёматда эса жавоб бериши кераклигини унутмайдиган инсон камолот йўлига кирган инсондир. Бундай инсон Аллоҳдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмайди, чунки ўзининг қисматини фақатгина У бошқараганини билади. Баркамол шахс Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай куч олдида мағрур бошини эгмайди, ҳеч кимга сиғинмайди. Негаки, тақдири фақат Яратганнинг ихтиёрида эканлигини асло унутмайди. У, ҳатто, ўлимдан ҳам қўрқмайди. Зеро, биладики, ўлим ва тириклик фақат Парвардигорнинг изнида. Хуллас, ижтимоий ҳаёт тараққиётида ҳам Аллоҳ томонидан яратилган қонун ва тартибларгагина амал қилинади. Унда ҳам буюк уйғунлик, мунтазамлик, тамкинлик, тартиб ва илоҳий интизомдан ўзга нарса йўқ. Инсон умри имтиҳонга берилган ва бу имтиҳонда берган жавоблари (амаллари) унинг тақдирини белгилайди. Шу боис инсон Аллоҳгагина қул, лекин тақдирига соҳиб. Соҳиблик эса масъуллиқ демақдир.

Янгиланаётган миллий педагогика фани исломий фалсафанинг хулосаларига таяниб иш кўрган тақдирда тарбия жараёнида ажиб бир тартибга, мунтазамликка, уйғунликка эришмоғи мумкин. Энг муҳими, инсон камолотининг омиллари, марраларига эга бўлади. Бу фалсафа жамият тараққиётини ижтимоий табақалар ўртасидаги туқинишлар, курашлар таъминлайди деган, бир табақани иккинчисига, бир инсонни бошқасига ёв қиладиган қарашлар ҳукмронлигидан қутқаради.

Марксизм-ленинизм одамни ўзгартириш, яхшилаш, олижаноброқ қилиш учун жамиятни ўзгартириш зарур деб кўрсатарди. Бу билан кишилиқни боши-кети йук ижтимоий талотумларга бошларди. Исломий фалсафа эса, жамиятни ўзгартириш, одамларнинг фаровон турмушини таъминлаш учун и н с о н н и ўзгартириш йўлини қидириш керак деб ҳисоблайди. Жамият унинг аъзолари такомиллашуви натижасида такомиллашади деб ўргатади. Ислом фалсафасида инсон омили юксак рутбада туради. Марксча қарашларга кўра эса, инсон ижтимоий муносабатлар мажмуи ёки ижтимоий ҳодисаларга қилинган илова эди холос. Хулоса қилиб айтганда, ўзбек миллий педагогика илми исломий қарашларга асослангандагина пухта назарий таянчга эга бўлади. Шундагина соғлом тараққий этади, таълим-тарбия қонуниятларини тўғри кашф эта ва ишонарли изохлай билади.

Ҳар бир жамият ва замон ўзига яраша педагогик қарашлар зимига эга бўлади. Негаки, муайян замон ва жамиятда яшаётган кишиларнинг таълим-тарбия ҳақидаги етакчи фикрлари, идеаллари унинг педагогикасида акс этган

бўлади. Шунинг учун миллий педагогикамиз жаҳон тарбияшунослик фанидан ажралиб қолмаган ҳолда ўзининг тараққиёт тенденцияларини белгилаб олиши керак. Бу тенденциялар фақат педагогика илми учун аҳамиятли бўлиб қолмай, балки бутун жамият аҳли учун ҳам муҳимдир. Чунки жамият аъзоларининг қандай ахлоқий меъёрларга амал қилиши ва қандай маънавий мезонлардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиши ана шу педагогик тенденцияларга боғлиқдир.

Миллатининг келажаги ҳақида қайғураётган барча мамлакатлардаги тарбияшунослик илмида бўлгани сингари ўзбек миллий педагогикасида ҳам таълим-тарбия ишига ўта жун, утилитар, тор амалиётчилик нуқтаи назаридан туриб ёндашишдан қутулиш лозим бўлади. Педагогика фанига рўзгорий улчовлар билан ёндашиш уни аждодларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш йўлларинигина ўргатувчи билимлар тизими деб қарашга олиб келади. Бундай қарашга кўра, педагогика инсонни фақат амалий ҳаётга тайёрлайди, яъни тарбияланувчи шахс жамият ҳаётида бир даражада фаолият кўрсатишга кифоя қиладиган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлса, етарли деб ҳисобланилади. Социалистик педагогика олдида қўйилган вазифа айнан шундай эди.

Социалистик таълим-тарбия тизимлари тарбия муассасаларидан қандай шахс етишиб чиқиши билан эмас, балки қандай мутахассис тайёрлаб берилиши билан кўпроқ қизиқадиган ҳолатга келтирилган эди. Таълим-тарбия ишига бундай жўн муносабат, уни ишлаб чиқаришга мутахассис етказиб бериш воситасигина деб қараш педагогика илмига кучли зарба бўлди ва унинг тараққиётини сезиларли даражада сусайтирди. Ўтган аср ўрталарида марксистик фалсафанинг отаси Карл Маркс томонидан эълон қилинган бу хил қараш то бизнинг кунларимизгача социалистик педагогиканинг энг муҳим назарий асосларидан саналиб келинди. "Муваққат Марказий кенгаш делегатларига айрим масалалар бўйича кўрсатмалар" асарида К.Маркс ёзади: "Ақлга мувафиқ ижтимоий тўзумда ҳар бир бола 9 ёшидан бошлаб меҳнатга қобилиятли катта киши сингари ишлаб чиқариш ходимига айланиши керак, табиатнинг умумий қонунига бўйсунishi, яъни тишлаш учун ишлаши керак, ишлаганда ҳам фақат боши билан эмас, балки қўли билан ҳам...

Биз тарбия деганда уч нарсани тушунамиз:

Биринчидан, ақлий тарбия.

Иккинчидан, гимнастика мактаблари ва ҳарбий машқлардагига ухшаш жисмоний тарбия.

Учинчидан, ишлаб чиқариш жараёнининг барча асосий принциплари билан таништирадиган ва айни вақтда бола ёки усмирга барча ишлаб чиқаришнинг энг содда қуролларидан фойдаланишнинг кўникмаларини ўргатадиган техник таълим" [II. 141; 197-198]. Коммунистик жамият назарияси асосчисининг тарбия ҳақидаги ғоят жўн, асосан, жисмоний меҳнат кишисини тайёрлашга йуналтирилган қарашларини бўзилмас ақидага

айлантириб олган ҳолда иш кўриб келган социалистик педагогика ўзоқ йиллар мобайнида бутун-бутун авлодларга бир ёклама таълим-тарбия бериб келди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда, шунингдек илғор педагогик фикрлар тараққий топган юртларда педагогика фани ва амалиёти олдида эндиликда мутлақо ўзгача мақсад куйилмоқда. Бугунги илғор педагогиканинг эътибори мутахассис тайёрлашдан шахс шакллантиришга кўчган. Яъни педагогиканинг диққати тарбияланувчи шахсини ҳар жихатдан камол топдиришга, уни ўзига тарзда фикрлайдиган, мустақил хулосаларга кела оладиган, ўзганинг қарашларига мослашишни ўйламайдиган, ижодкор, ташаббускор, масъулиятни зиммасига олишдан чўчимайдиган, таваккал қилишга қодир, фаол инсон қилиб шакллантиришга қаратилади. Бу педагогикани берилган вазифаларни сидқидилдан ўзлаштиргани ва тоқатли бўлгани учунгина "аъло" баҳога ўқийдиган тарбияланувчиларни тайёрлаш қониқтирмайди. Янгича педагогика ўз олдида ўзи вазифа кўя оладиган, бирор қарорга келишда бировнинг оғзига қараб турмайдиган, ўзини ўзи ривожлантирадиган, ўз фаолиятини ўзи назорат қила биладиган ёрқин хусусиятларни шакллантириш масалалари билан шуғулланади. Ҳозирги замоннинг муаммоларини ҳал этиш учун билимнинг ўзи етарли эмаслиги, ҳозир тарбия муассасаларида шакллантирилаётган шахслар воқеликка ижодий назар билан қарай билиши, қуюшқонлардан ташқарида фикрлай олиши муҳимлиги, хулласи, тарбияланувчиларда кучли шахслик сифатларининг ҳосил қилиниши янги педагогик фикр учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Тарбияшунослик олдида ишлаб чиқаришга мутахассис тайёрлаш кўйилганлиги учун ҳам яқин ўтмишдаги коммунистик педагогика моҳият эътибори билан экстенсив педагогика эди. Негаки, тарбияланувчиларни ҳаётда учраши мумкин бўлган касблар билан имкон қадар кўпроқ таништириш, шу йўл билан гўё таълим-тарбияни ҳаётга яқинлаштириш фикри маориф мазмунининг турли-туман керакли-кераксиз ўқув предметлари эвазига кенгайиб, "семириб" кетишига сабаб бўлди. Совет тарбия муассасалари дунёдаги энг "юки" оғир тарбия масканлари эди. Совет болалари дунёдаги энг кўп шуғулланадиган, турли-туман ўқув предметларини ўзлаштиришга мажбур этилган, аммо тайинли самарага эришмаган ўқувчиларга айланишди, уларнинг ҳафталик иш соатлари уйга вазифалар ва бошқа топшириқларни қўшиб ҳисоблаганда 50 соатдан ҳам ошиб кетди [II.119;33].

Таълим-тарбия ишидаги экстенсив йўналиш тарбияланувчилар назарида ўқув предметларининг обрўсини туширади. Ўқувчи шахсига хос хусусиятларни ҳисобга олмай, уларда ижодкорликка бўлган интилишни уйғотмай туриб, керагидан ортиқ предметларни тикиштириш, охир-оқибатда, ўқувчиларда ўқишга қизиқмаслик, ундан бешиш, лоқайдлик сифатларни пайдо қилди. Таълим-тарбия тизими ўқувчиларга билим беришга қанчалик кўп

ўринса, ўқувчилар берилган билимларни ўзлаштирмасликка шунчалик кўп тиришадиган бўлиб қолишди. Ёшларда ўқишга нафрат хасталиги пайдо бўлди. Ўзлаштиришга апатия фақат таълимдагина эмас, балки тарбия жараёнида ҳам тўлиқ кўринди.

Педагогиканинг диққат мараказида тарбияланувчи шахси эмас, балки у ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар турганлиги учун ҳам социалистик тарбияшунослик болалар табиатидаги ташаббускорликни уйғота олмади. Уларда тарбияланишга ундайдиган ижобий стимулларни ҳосил қила билмади. Натижада, амалга оширилган саноксиз педагогик тадбирлар самарасиз қолаверди. Мана шундай таълим-тарбия натижаси уларок белгиланган чегарадан чиқишга қурқадиган, ташаббусдан чўчийдиган, ўз фикрини билдиришдан хавотирланадиган, ҳокимиятнинг кўрсатмаларига амал қилишгагина одатланган, лоқайд, замоннинг шамоли эсган томонга эгилиб кетаверадиган, ижтимоий фаолликдан маҳрум, ўз қобиғига ўралиб қолган кишилар авлоди шакллантирилди.

Янгиланаётган фикр, ўзгараётган замон, тозараётган жамият педагогика илмида интенсив йўналиш етакчи бўлишини истади. Таълим-тарбиянинг қамровини кенгайтириш билан эмас, балки чуқурлаштириш йўли билан кутилган натижаларга эришиш мумкин. Бу ҳақиқат ривожланган мамлакатларнинг тарбия тизими тажрибаси билан ҳам ўз исботини топган, соғлом мантиқ ҳам шуни тақозо қилади. Чунки таълим-тарбия муассасаларида қанчалик ўринилмасин, болаларга мактабда ҳаётда қўлланиладиган барча қасбларнинг юздан бирини ҳам ўргатиш мумкин эмас. Бунинг устига илму фан тараққиёти ғоят тезкорлик билан бораётган ушбу кунларда, бугун эгаланган энг янги технология оз ўтмай, эскириб қолаётган бир замонда таълим-тарбия муассасаларида мутахассис етиштиришга ўриниш замонавий автомобилни пиёда қувиб етишга интилишга ўхшайди. Педагогика илми ҳозирги шароитда бутун эътиборини тарбияланувчи шахсида ижодкорлик ҳиссини уйғотишга қаратмоғи даркор.

Ўқув предметлари ўқувчиларнинг ҳиссиётларини уйғотадиган ҳолда ўргатилгандагина кутилган педагогик самарага эришилиши мумкин бўлади. Шунда ҳам педагогик тадбирлар фан асосларини ўргатишнинг ўзигагина қаратилмай, кўпроқ даражада болаларнинг индивидуал хусусиятларини очишга, уларда изланиш омилларини шакллантиришга йуналтирилса, педагогика илми бу мақсадга эришишнинг энг оптимал йўллари ишлаб чиқса, кутилган натижага эришилади. Ҳар қандай ишга ижодий ёндашадиган, ҳар қандай масалани ўзига хос тарзда ечадиган изланувчан, ташаббускор шахсни шакллантириш янгиланган педагогика илми олдидаги вазифа бўлиши жоиз.

Таълим-тарбия жараёни ўқувчилар учун ҳаётга тайёргарлик босқичи эмас, балки ҳаётнинг ўзи бўлиши керак. Ўқувчи янги педагогик тафаккур талабига кўра мактабда ҳаётга ўргатилиши эмас, балки ҳақиқий ҳаётда чинакамига яшамоғи лозим. Бунинг учун асосий эътибор болаларга

ўргатилажак билимлар мажмуига эмас, балки унинг шахсига қаратилиши керак бўлади. Бу дегани, педагогика инсонийлашмоғи ёки эндиликда кенг расм бўлган термин билан ифодаланадиган бўлса, гуманизациялашмоғи даркор. Жаҳоннинг илғор педагогика илми айти шу жараёни бошидан кечирмоқда. Таълим-тарбиянинг инсонийлашуви айрим кишилар тасаввур қилаётганларидек, таълим-тарбия мазмунига кўпроқ гуманитар-ижтимоий йўналишдаги ўқув предметларини киритиш, бу хилдаги предметларга ажратилган соатлар миқдорини кўпайтириш йўли билан ҳал қилинмайди. Чунки гуманизация таълим-тарбия жараёнининг миқдорий жиҳатини эмас, сифат кўрсаткичларини акс эттирадиган тушунчадир. Бинобарин, педагогика сифат ўзгаришига юз тутган тақдирдагина инсонийлашмоғи мумкин.

Педагогиканинг инсонийлашуви деганда, кўриладиган ҳар қандай педагогик тадбир марказида инсон шахси туриши, бу шахсни билимлар суммаси билан қуроллантириш эмас, балки уни инсон сифатида камолотга йўналтириш муҳимлиги кўзда тутилади. Педагогика фани ўз олдида ўқувчи шахсини такомиллаштиришни бош мақсад қилиб қўйса ва бу мақсадни амалга оширишга қўл келадиган энг мувофиқ дидактик воситалар тизимини ишлаб чиқсагина, ҳозирги замон шароитида юксак амалий-илмий аҳамиятга эга бўлади. Педагогиканинг инсонийлашуви тарбияланувчи шахсига энг олий кадрият тарзида ёндашиш қоидага айланишини тақозо қилади. Гуманизациялашган педагогик муносабатлар қарор топганда, мактаблар ўқувчиларнинг табиатини ҳисобга олишга ва шунга мослашишга мажбур бўлади. Бундай муносабатлар бҳукмрон бўлган таълим-тарбия тизимида ўқувчи шахси эркинлиги, дахлсизлиги тулик сақланиб қолади. Педагогика тарбияланувчиларга ёдлаб олиш мумкин бўлган қандайдир билимлар суммасини ўргатишдан кўра, унда гўзал инсоний фазилатлар ҳосил қилиш учун унинг ўзини ҳаракатга келтирадиган омиллар топишга эътибор қаратади.

Янгиланаётган педагогика фани миллий асосларга таяниши, хос руҳият соҳиби бўлмиш халқ вакиллари билан, алоҳида кадриятлар тизимига мувофиқ яшаётган кишилар қатлами билан иш кўраётганини ҳамиша ёдда тутиши лозим. Бу нарса асосий педагогик тушунчаларни белгилаш ва таълим-тарбиянинг мазмунини-талқин этишда ҳам, педагогик тажрибаларга муносабатда педагогик меросга ёндашишда ҳам, тарбиявий тадбирларнинг руҳий-жисмоний асосларини тайин қилиш, назарий қарашларни амалиётга тадбиқ этишда ҳам беистисно ҳисобга олиниши керак бўлади. Конкрет адресати бўлмаган педагогика яқин ўтмишда бўлгани сингари муваффақиятсизликка маҳкумдир. Педагогик тадбирлар, тарбияшуносликка доир қарашлар фақат миллий асосларга таянилгандагина, таълим-тарбия объектлари ва субъектларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўра билгандагина ўз олдида қўйган натижаларга эришмоғи мумкин. Чунки педагогик тадбир умуман одамларга эмас, балки муайян миллатга мансуб конкрет одамларга тадбиқ этилади. Муайян миллат дунёга бугун келгани йўқ

ва ўзининг тарихий умри давомида ўзига хос ижтимоий тажриба тўплаган, маънавий кадриятлари, жойлашган ўрни, иқтисодий, сиёсий ва маданий шароитга мувофиқ руҳиятлар тизимига эга. Педагогика ўзи сингдирмоқчи бўлган сифатларни ана шу тажарибалар, кадриятлар, психологиядаги ўзига хосликлар устига курсагина бирор ижобий натижага эришади. Акс ҳолда барча ўринишлар кумга сингган сувдай бўлиб изсиз кетаверади.

Социалистик педагогика фани ҳар бир миллатга хос хусусиятларни ҳисобга олишга уринмас, тўғрироғи, бундай ўзига хосликлар тизими борлигини тан олгиси келмасди. Таълим-тарбияда миллий ўзига хослик бўлиши мумкинлиги тан олинадиган бўлса, бирор бир миллат вакилига ўхшамайдиган, жаҳон педагогикасида фавқулодда ҳодиса бўлмиш, янги ижтимоий ҳосила совет кишиси тушунчаси хавф остида қолиши мумкин эди. Фақат шаклангина миллий, мазмунан эса, социалистик қиёфа эгаси бўлиши кўзда тутилган совет кишиси айти шу миллий жиҳатларни таълим-тарбия моҳиятидан чиқариб ташлаш, инкор этиш орқали шакллантирилиши кўзда тутилди.

Ҳар қандай қиёфасизлик самарасизликка олиб боради. Тарбия ишидаги қиёфасизлик ҳам бу қонуниятдан четда қолмаслиги табиий эди. На халқ педагогикасидаги анъаналар, на тарбия назариясига доир кўп асрлик мерос атрофлича ўрганилмай, умумлаштирилмай, улардан назарий хулосалар чиқарилмай, амалий тадбирлар белгиланмай туриб, педагогика ишида бирор ижобий самарага эришиш асло мумкин эмасди. Шу боис ҳамisha илмга чанқоқлиги, тарбиявий таъсирларга берилувчанлиги билан асрлар мобайнида инсониятни ҳайратда қолдириб келган, IX асрнинг буюк мутафаккири Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз томонидан "Туркларнинг фазилатлари" номли тадқиқотнинг ёзилишига сабаб бўлган туркий халқлар коммунистик тарбия тизими ҳукмрон бўлган замонларда ўзларининг фанний тушунчаларни ўзлаштиришга "қобилиятсиз"ликларини, тарбиявий таъсирларга берилмайдиган кишилар эканликларини намоён этишди ва шу ҳолатнинг табиий оқибати уларок, уларга хужалик ҳаётининг ҳамма соҳасида ҳам асосан жисмоний машғулотлар лойик кўриб келинди. Эҳтимол, бу ўринда педагогика илми замирида ҳам мустамлакачилик қарашлари ётганлиги машъум роль уйнагандир, лекин оламга келгандан ҳарбий ишларга мойиллиги, жангарилиги ва қийинчиликларга бардоши билан дунёнинг кўп қисмини забт қилган туркий қавмларга мансуб йигитлар совет даврида ҳатто ҳарбий хизматда ҳам ҳеч нарсага ярамайдиган тоифага чиқариб қуйилганди. Хуллас, миллий ўзига хосликни ҳисобга олмаслик натижасида туркий миллат етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида жиддий деградацияга учради. Бу ҳолнинг оқибатларини тугатиш учун эса етмиш йиллар кифоя қилиши даргумон.

Янгиланган педагогика илми халқнинг руҳиятига хос сифатларни атрофлича ўрганиши, системалаштириши, чоғиштириши ва муайян хулосалар чиқариши тақозо этилади. Шунингдек, педагогика фани халқ

тарбияшунослиги тажрибаларини ғоят синчковлик билан ўрганиб умумлаштириши лозим бўлади. Халқимиз ёндош этник қатламлар билан ҳамкорликда ғоят бой ёзма педагогик ёдгорликлар ҳам яратган. Тарбияга доир ана шу обидалардаги асосий тарбиявий қарашлар, социализм шароитида дунёга келган илғор педагогик фикрлар билан қиёслаб танқидий ўрганилиб, сўнгра конкрет шароит талабидан келиб чиққан ҳолда амалиётга тадбиқ этилгандагина, ўзгараётган замонга мос педагогика вужудга келганилигини айтиш мумкин бўлади.

Янгиланган педагогик тафаккур тарбияланувчиларда шакллантириладиган маънавий қадриятлар тор миллий қобикқа ўралиб қолмаслиги кераклиги, балки умуминсоний табиатга эга бўлиши лозимлигини кўзда тутди. Маънавияти биқик, хулқий мезонлари тор кишиларда эзгу сифатларнинг шаклланиши, жаҳон миқёсидаги эзгу ишларга қўл уриши мумкин эмаслиги совет педагогикаси тажрибасида яққол намоён бўлди. Сассиқ ҳовўзчага ташланган балиқ оламини бадбуй балчик ва анқиган сувдан иборат деб тушунгани каби маънавияти умуминсоний эпкинлар билан тозариб турмайдиган миллат ҳам ўз қобиғига ўралиб қолади ва атрофидан фақат душман излайди. Жаҳон айвонида ўзгалар билан биргаликда яшашга, ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, шерикчиликда камолот сари боришга ўзида на ишонч, на куч топа билади. Шунинг учун ҳам мустақил юртнинг янгиланган педагогикаси биқиниш мустақиллиги йўлидан бормайди, ўз қобиғига ўралиб олиб, ўзгаларга орқа ўгирмайди, балки тарбияланувчиларга жаҳондаги барча холис ниятли, олижаноб одамларга хос бўлган хулқий сифатларни шакллантириш тадбирларини белгилайди. Бунинг учун, аввало, миллий қадриятларнинг таснифи билан шуғулланади, сўнг, жаҳондаги илғор, хулқий фазилатлари бизнинг ахлокий йўналишларимизга мос келадиган халқларнинг етук маънавий қадриятларини ўрганади ва тарбия муассасалари воситасида ана шу қадриятлар мажмуини ўз ўқувчиларига сингдиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқади.

Мустақил юртимизнинг янгиланаётган педагогикаси дунёвий асосларга таянган ҳолда инсоният тарбиявий тажрибасининг энг умрбоқий ва умуминсоний қадриятларини танлаш ва ўзлаштириш йўллариини ишлаб чиқишга сафарбар этилиши керак. Умуминсоний қадриятларни шакллантириш алоҳида олинган миллат ва уни ташкил қилган ҳар бир алоҳида одамни дунёдаги бошқа миллат ва одамларга яқинлаштиради. Атрофдагиларнинг ҳам ўзлари сингари одамлар эканлигига, уларнинг ҳам ўзларидай туйғулар, орзулар, армонлар соҳиби эканлигига, баркамол инсон ўзгаларнинг яшашига ҳалал бермаслиги лозимлигига тарбияланувчиларни тайёрлаш, шу йўл билан бутун бир мамлакат аҳлининг маънавиятини соғлом тамойиллар асосида шакллантириш тадбирларини белгилаш анган педагогик тафаккурнинг асосий белгиларидандир.

Кадимги педагогик анъаналаримизни атрофлича ўрганиш, уларни бугунги тарбияшунослик илми нуқтаи назаридан ҳамда тарбия олдига

соғломлашган маънавийат қуяётган талаблар мезони билан қайта идрок қилиш тарбияланувчилар шахсида умуминсоний сифатларни шакллантиришнинг йўлларини табиий равишда кўрсатади. Ўзгани тушунмаслик, ўзи яхши билмайдиган ва танимайдиган кишиларга ишончсизлик маърифатсиз ҳамда маънавияти қашшоқ жамоанинг хусусиятидир. Атрофдагилардан фақат ёмонлик кутиш, ҳаммага душман деб қараш, ўзини алоҳида фазилатлар соҳиби ҳисоблаб, ўзгалардан нафратланиш ўша миллатнинг маънавиятини ҳам издан чиқаради. Юксак маънавийат ҳамиша умуминсонийдир. Умуминсоний бўлмаган ахлоқий сифатлар эзгу хулқ ссаналмайди.

Янгиланган педагогика илми мафкуравий мансубликдан холи бўлиши лозим. Тарбияшунослик жамият аъзолари маънавиятини шакллантиришга, жамият назарида баркамол деб қараладиган шахсни тайёрлашга даъват этилган фандир. Бинобарин, бу фан жамият аъзоларининг ҳаммасига, жуда бўлмаганда, унинг катта қисмига маъқул келадиган маънавий сифатларни қарор топдириш иши билан шуғулланиши жоиз. Мафкура эса ҳеч қачон бутун миллатнинг иродасини ифода этмайди. Чунки мафкура тушунчаси етакчи, ҳукмрон фикрлар мажмуи маъносини англатади. Демак, табиий равишда миллат аъзоларининг сон-саноксиз фикрлари орасида етакчи мавқега эга бўлганлари, бугуннинг талабларига энг мувофиқ келадиганлари мафкурага айланади. Бунинг устига, мафкура вазият таъсирига берилувчан категория бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва бошқа хил таъсирлар, шароитлар туфайли ўзгариб туришга мойил бўлади. Педагогика эса умуминсоний ва шу боис умрбоқий тушунчалар билан иш кўрадиган фандир. Аёнки, доимий араён ўткинчи нарсага асосланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам педагогика мафкурага мос одамларни шакллантиришни эмас, жаҳоний қадриятларга мос, айна вақтда, миллий ўзига хос шахсларни тарбиялашни фаолиятининг мақсади қилиб белгилаши лозим.

Бир жамиятда яшаб туриб, унинг мафкурасидан мутлақо холи туриш мумкин эмас. Лекин бу қоида балоғат ёшига етган, мустақил қарорлар қабул қила оладиган ҳамда бировга моддий ёки маънавий жиҳатдан қарам бўлмаган кишига тадбиқ этилади. Мактабгача тарбия, мактаб ва таълим-тарбия муассасаларининг контингенти эса кўп жиҳатдан кимларгадир қарам мавқедаги ёшлардан иборатлиги учун ҳам, нечоғлик туғри ва олижаноблигидан қатъий назар мафкуранинг тиқиштирилиши инсон эркига дахл ҳисобланади. Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 - моддасида шундай деб ёзиб қуйилган: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас" [1.1; 11]. Бинобарин, таълим-тарбия муассасалари ишларини ўз назоратига олган [1.1;17] давлат мамлакат конституциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида педагогик амалиётда мафкуравий ёндашувга йўл қўймайдиким, бу ҳол инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ҳам,

ижтимоий илм саналмиш педагогикани соғлом йўналишда ривожлантиришни таъминлаш жиҳатидан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўзини "...суверен демократик Республика" [1; 9] деб эълон қилган Ўзбекистоннинг миллий педагогикаси ҳам демократик характерга эга бўлиши лозимлиги табиий ҳолдир. Дунё тарбияшунослигининг тажрибаси бу фан демократик асосларга таянгандагина бирор самарага эришмоғи мумкин эканлигини кўрсатади. Янгиланган педагогика илми таълим-тарбия жараёнидан авторитаризмни, мустабидликни тамомила чиқариб ташлай билсагина жамиятни баркамол аъзолар билан таъминлашдай мураккаб ва масъулиятли вазифани удалай олади. Мактаб иши расмий давлат идораларидан нусха кўчирилган тўралик усули билан бошқарилса, асло самара бермайди. Мактабда ҳоким-тобе, бўйсунувчи-бўйсундирувчи бўлиши мумкин эмас.

Мактаб даври шахснинг шаклланиш жараёни ғоят интенсив кечаётган, ўқувчи ўз ҳатти-харакатларини, қарашларини, руҳиятини ўзгаларники билан солиштирадиган, ҳар қандай фаолиятнинг маънавий асосларини қидиришга уринадиган босқич ҳисобланади. Мана шу даврда ўз фикрини дадил айтишга, ўз қарашларини ўзгалардан ҳимоя этишга одатланмаган, бировдан чучиб турадиган, бўйни қисик, боши эгик бўлиб, ўзгалар иродасини ижро этишга кўниккан ўсмир ҳеч қачон тўла маънода шахс бўла олмайди. У имкон топилиши билан зўравонлардан-да ўтган мустабид ёхуд бир умр ўз қарашига эга бўлиши лозимлигини ўйламай ўтадиган қул бўлиб шаклланиши мумкин.

Педагогик тадбирлардан асосий мақсад шахсни шакллантириш шахслар ўртасида тенг ва ҳурматга асосланган муносабатлар ўрнатилмай туриб, мақсадга эришиш мумкин эмас.

Туғри, янгиланган педагогика ҳам ўқитувчи ўз ўқувчиси олдида шакл-шубҳасиз обрўга эга бўлиши кераклигини тан олади. Лекин ўқитувчи обрўси зўравонлик билан, таъқиқлар ва тазйиқлар эвазига эмас, билимдонлик, бағри кенглик, инсоф ва адолат ҳисобига қўлга киритилиши кераклигини кўзда тутди. Ўқитувчига обрў берилмайди, балки эзгу инсоний фазилятлар ёрдамида қозонилади.

Мустабид педагогик тамойиллар қарор топган жойда мактаб ўқувчи учун эмас, балки ўқувчи мактаб учун деб ҳисобланилади. Мактаб, унинг иш усули, ўқитувчилар ҳамда уларнинг фаолият тамойиллари ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб белгиланмайди. Ўқитувчилар, мактаб ва унинг талаблари ўқувчиларга мослашиши лозимлиги тан олинмайди. Бундай тамойиллар ўқувчиларни ўзлари белгилаган қолипларга мослаштиришга уринадилар. Шу тарзда, ўқувчилар эркига, шахсиятига, туйғуларига даҳл қилинади. Айтиш керакки, ўқувчилар энг ҳимоясиз, ожиз, ўзларини ташқи тазйиқлардан сақлашнинг тажрибасига эга бўлмаган ижтимоий қатламдир. Айтиш керакки, вақтда, болалар катталарга қараганда тезроқ ва кўпроқ маънавий жароҳатланидиган, бу жароҳатдан қаттиқроқ азоб чекадиган бўлишади. Мутахассисларнинг айтишича, инсон туғилгандаёқ, унинг танасида юз минг

километр микдорида асаб толалари бўлар экан. Боланинг вужуди катта одамникига қараганда кичик бўлганлиги учун ҳам асаб толалари зич жойлашган бўлади. Шу боис улар катталардан тезроқ ва кўпроқ асабийлашадилар. Болаларнинг ғоят таъсирчан, тез хурсанд бўлиб, салга хафачиликка ўтаверишининг, ниҳоятда импульсив табиатга эгаллигининг боиси шунда. Шунинг учун ҳам адолатсизликни кечиролмайди, унга ноҳақликни тушунтиришнинг имкони йўқ. Таълим-тарбия тadbирлари тўлиқ демократик асосда йўлга қўйилганда, ўқувчилар қўрқмай фикрлайдиган бўлишади. Ҳозирча, мактабларимизда ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ўқитувчи ҳақ..

Янгиланаётган педагогика ўқитувчи ва маъмурият орасидаги юсабатларда ҳам, мактаб коллективи, ота-оналар ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларда ҳам тўла демократия бўлишини тақозо қилади. Мактаб таълим-тарбия жараёнини фақат ўзининг монополияси деб ҳисоблаши мумкин эмас. Негаки, таълим-тарбиянинг натижаси мактабдан ҳам кура, ота-оналар ва жамиятга зарур. Шу боис ота-оналар ҳам, жамоатчилик ҳам таълим-тарбия фаёнидаги муносабатларнинг соғломлигига бефарқ бўла олмайдилар. Педагогика таълим-тарбиянинг йўлга қўйилишига жамоатчилик фаол аралашishi ва таклифлар киритиши мумкин эканлигини кўзда тутати.

Таълим-тарбия жараёни муайян даражада автономлик ҳуқуқларини ўзида сақлаб қола билсагина демократик хусусиятга эга бўла олади. Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган муассасалар тўлалигича давлат тасарруфида. Бино-барин, давлат шу муассасалар орқали таълим-тарбия ишига ўз таъсирини ўтказиши, педагогик жараёни муайян мақсадларга йўналтириши табиий. Чунки тарбия жараёнининг самаралари давлат ва жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, таълим-тарбия иши давлат иши ҳисобланмасди. Лекин бу ҳол педагогик жараёни сиёсатнинг хизматкорига айлантиришга асос бўлмаслиги керак. Педагогик тушунчалар ва маънавий кадриятлар сиёсий ғоялардан кўра кенгроқ ҳамда умрбоқийроқдир.

Мактаб ишида автономия бўлиши керак деган фикр нимани англатади? Мамлакатдаги мактабларнинг иш тартибига шароит тақозосига мувофиқ ўзгаришлар киритиш эркинлиги, ишни ташкил этишдан тортиб, таълим-тарбия мазмунини белгилашгача мактабнинг мустақиллигига эришиш, ўқитувчиларга ҳақ тўлаш ва тарбияланувчилар фаолиятини баҳолашгача бўлган тadbирларда ихтиёрийлик бўлишини таъминлаш маориф тизимидаги автономиянинг моҳиятини ташкил этади деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистондай улкан бир давлатдаги барча мактабларнинг фақат бир тарзда, бир хилдаги тартибларга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишининг жуда ҳам ижобий ҳодиса эмаслиги ҳар бир соғлом фикр юритувчи кишига аёндыр. Чунки бир хил фаолият ҳамиша деярли бир хил натижаларни тақозо қилади. Бир хил натижа эса, тарбия учун самарасизликнинг ўзгинасидир. Яқин ўтмишдаги педагогика тизимининг бош фожиаси ҳам Курил оролларида

Қорақум чўлларигача бўлган ҳудуддаги мактабларда н и м а н и, қ а ч о н, қандай ўқитилиши қатъий белгилаб қуйилганлигида эди. Янгиланаётган педагогика илми, табиий равишда, бу ҳолатнинг қайтарилишини ва маънавий инқирозини кучайтиришга хизмат қилишини истамайди.

Тарбия муассасалари, айниқса, шахс шаклланиши жарёнига бевосита дахлдор бўлган боғча ва мактаблар маҳаллий шароитларни максимал даражада ҳисобга олгандагина максимал педагогик натижага эриша олади. Чунки ҳар қандай тарбия муайян ҳаётий тажриба, маълум бир инсоний хусусиятлар тизими, ўзигагина хос наслий белгилар, конкрет инсоний психология устига қурилади. Бола шахси мактаб ёхуд борчага келгунга қадар, маълум даражада, оилада тарбия топган, бинобарин, муайян одатлар комплексига, тушунчалар, қарашлар тизимига эга бўлади. Оила ғоят автоном ва ўзига хос қонуниятлар асосида иш юритувчи тарбиявий муассасадирки, унинг тарбияга доир йуналишлари мутлақо ҳар хил, бинобарин, ҳар бир алоҳида бола табиатида ўзгача из қолдирган бўлиши табиийдир. Бунинг устига, бирор минтақада яшовчи кишиларга хос руҳий хусусиятлар уларнинг болалари табиатига ҳам ўтган бўлади ва таълим-тарбияни амалга оширишда шу ўзига хосликлар, албатта, ҳисобга олиниши жойз. Саноат ривожланган шаҳар мактаблари билан, қишлоқ мактабларининг бир хил ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар билан ишлаши яхши самара бермаслиги аён.

Ҳар бир ўқувчининг ўқув режасидаги барча предметларни ўзлаштириши шарт деб қарайдиган маъмурий педагогика ҳеч қачон ўзи орзу қилаётган натижага эриша олмайди. Чунки инсон табиатан ҳар хил яратилган. Оламдаги миллиардлаб одамлар орасида бир-бирига тулик ухшайдиган икки кишининг бўлиши мумкин эмас экан, бутун бошли мамлакатдаги миллионлаб одамларни бир хил нарсаларга қизиқтиришга ўриниш самара бермаслиги ўз-ўзидан англашилади.

Янгича қарашларни акс эттирувчи педагогика ҳар бир жойнинг, ҳар бир одамнинг имкониятларини ҳисобга олиш шарт эканлигидан келиб чиқиб, иш кўришни тақозо этади. Бу ҳолат республикамизнинг турли минтақаларида турлича режалар билан ишлайдиган мактаблар бўлишини кўзда тутди. Ҳар бир мактаб маҳаллий шароит талабларини, шу масканда ҳаёт кечирувчиларнинг эҳтиёжларини энг кўп даражада ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши, ўқув режалари ҳам фақат юқоридан туширилмай, жойлардагиларнинг қарашлари ҳам ҳисобга олиниши шарт. Ўқув режаларининг конкрет минтақадаги мактаблар учун тўзилиши мумкинлиги қоидалаштирилса, у ҳеч қандай аниқликка эга бўлмаган расмий ҳужжатдан жонли ҳаёт талабларини ҳисобга олувчи дидактик воситага айланса, мактабларнинг самарадорлик даражасида кескин ўсиш рўй беради. Таълим-тарбия амалиётга жуда яқинлашади. Тарбия иши қандайлиги номаълум ҳаётга тайёрловчи тадбирлар тизимидан ҳаётнинг ўзига айланади. Тарбияланиш яшашнинг бир тарзи бўлиб қолади. У зерикарли, сунъий, уюштирилган машғулотдан зарур ҳаётий тадбирлар комплексига айланади.

Мустақилликка эришилгандан кейин жаҳон тажрибалари билан танишиш туфайли, ўзгараётган шароит талабларини ҳисобга олиш сабабли ҳозирдаёқ ўзига хос режалар билан ишлайдиган мактаблар пайдо бўлмоқда. Деярли барча вилоятларда лицейлар очилганлиги, табақалаб ўқитишнинг йўлга қўйилганлиги, муайян ўқув предметлари чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил этилганлиги мактаблар хилма-хиллигига даъват этувчи педагогик қарашлар амалиётга айланаётганлигининг белгиларидир.

Янгиланаётган педагогик тафаккур таълим-тарбия жараёнида демократик асослар устувор бўлиши кераклигини тан олиши билан бу жараёндаги бош қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юборади. Яъни агар маъмурий буйруқбозлик педагогикаси учун билим асосий кўрсаткич ҳисобланган бўлса, янгиланган тарбияшунослик учун ўқувчи шахси бош қадриятга айланади. Ўқувчи шахси бош қадриятга айланган мактабда бу шахснинг к а м о л о т и бош мақсад ҳисобланиб, ўрганиладиган ўқув предметлари эса камолотга эришишнинг воситаси бўлади.

Шахснинг қадри муассасанинг қадридан баланд эканлигини тан олган педагогика учун ўқувчи ўзига ўқитувчи ва мактабни танлаши керак деган қараш асло ғайри табиий туюлмайдди. Шу пайтга қадар маъмурий педагогика ўқувчига мактаб ва ўқитувчи иш имкониятини бермай келарди. Ўқувчи истаса-истамаса, чекига тушган мактабда, чекига тушган ўқитувчи қўлида ўқишга мажбур эди. Янгиланган педагогика учун ўқувчининг дуч келган мактаб ва ўқитувчида ўқишни истамаслиги ва танлаш ҳуқуқини талаб қилиши қонуний ҳолдир ва унга имконият яратиб бериш шахснинг шаклланишига фақат ижобий таъсир қилиши мумкин. Ўқувчи шахсини шакллантириш бош мақсад бўлар экан, ш а х с л и к хусусиятларипсихология ва педагогика илми хулосаларига кўра фақат ш а х с л а р томонидан амалга оширилиши мумкин экан, тарбия жараёнида қатнашиши зарур шахсларнинг бир-бирига монандлиги кўпроқ самара бериши тушунарли, албатта.

Мактаб тизимининг хилма-хиллиги одамларга танлаш имконини беради. Танлаш имконияти эса таълим-тарбия соҳасида ҳам ўзига хос рақобатнинг, мусобақанинг туғилишига олиб келади. Бу ҳолат табиий равишда мактаб фаолиятининг тубдан яхшиланишига хизмат қилади. Танлаб олинган мактаб ва ўқитувчи билан ўқувчи худди оиладагидек яқин алоқада бўлади. Орадан бегонасираш кўтарилади, муносабатлардаги атайинлик, сунъийлик йўқолади. Самимиятга асосланган тарбиявий муносабатлар эса бола маънавиятига ғоят кучли таъсир кўрсатиши аёндыр.

Янгиланган педагогика мактабларнинг мазмун жиҳатдангина эмас, балки шакл жиҳатидан ҳам, эгаллик нуқтаи назаридан ҳам хилма-хил бўлиши мумкинлигини кўзда тутлади. Чунончи, хусусий мактаблар, пулли мактаблар, кичик маҳалла мактаблари ва х.к. турлардаги таълим-тарбия масканлари ташкил этилиши мумкин эканлиги эътиборга олинади. Бу педагогика совет даврида типовой мактаб сифатида шуҳрат қозониб, ғоят кенг ёйилган, катта ўқувчилар контингентини бирлаштирган мактабларнинг тўла муваффақият

билан ишлашига у қадар ишонч билдирмайди. Типовой мактабларнинг айримлари, айниқса, шаҳарларда минглаб ўқувчиларга эга бўлади. Бу мактаблардаги аксарият ўқитувчилар кўпчилик ўқувчиларни танитайди, айти дамда, ўқувчилар ҳам шу масканда ишлайдиган ўқитувчиларнинг айримларини билишмайди. Бир-бирини танитайдиган кишиларнинг жамоа бўлиши мумкин эмас. Бундай муассасаларда оиладагидай самимий шахслик муносабатлари ўрнатилиши туғрисида фақат орзу қилиш мумкин холос. Маънавият тарбияси жамоанинг барча аъзолари бир-бирини истисносиз танитайдиган, танитайдигина эмас, балки бир-бирининг одатлари-ю қизиқишларигача биладиган, имкониятларини, қобилиятларини ҳисобга оладиган муассасалардагина кўнгилдагидек йўлга қўйилиши мумкин. Кўринадиким, шахсни шакллантириш улкан тарбиявий комплексларга қараганда чоғроқ жажжи мактабларда яхшироқ самаралар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам янгиланган педагогика ҳар бир маҳалла қошида барча имкониятларга эга бўлган мактаблар ташкил қилиш ғоясига тарафдордир. Бу педагогик қараш улкан тарбия масканларидаги хатоликлар улкан бўлишини эътиборда тутди. Маҳалла мактабларида ҳар бир ўқитувчи дарс бериши ёки бермаслигидан қатъий назар барча тарбияланувчиларни танитайди. Ўқитувчи улар билан муайян функцияни бажарадиган лавозимдор шахс сифатида эмас, балки оила азосидай муносабатда бўлади ва бу ҳолат боланинг шахси-такомилида ғоят чуқур из қолдиради.

Кичик мактабларда коллектив аъзоларининг ўзаро муносабатларида эмоционал асосларнинг ўрни бир мунча юқори бўлади. Шундай тарбия масканларида тарбиявий таъсир тафаккур орқалига эмас, ҳиссиёт орқали ҳам олиб борилади ва кўпроқ натижага эришиш имконини беради. Бирор ҳатти-ҳаракатнинг яхши ёки ёмон эканлигини ахборот тарзида билиш бошқа-ю, бу ҳаракатнинг яхши ёки ёмонлигини ҳис қилиш, туйиш, кечириш мутлақо бошқа нарса. Афсуски, маъмурий педагогика ўзоқ йиллар мобайнида қалб хоссаларини тарбия ишидан четлаштирди, ҳиссиётни бу жараёнга дахлсиз деб билди. Ҳиссиётга таянилмаган педагогика туйғулари мудроқ, бинобарин, маънавияти нотўқис кимсалар шаклланишига олиб келди.

Ҳозирги педагогик амалиётда айтилганларни қайтариб айтиб беришнинг уддасидан чиққан ўқувчи илғор деб қаралди. Ҳолбуки, чинакам шахсият, айнан, бировнинг гапини такрорлаш жиҳатидан оқсайди. Талантли, ўзига хос қарашлари бор, вужудида шахслик учқунлари мавжуд, ҳаётий ҳодисалар қалбида чуқур из қолдириши мумкин бўлган болалар тўтиликни ёқтирмайдилар, ўқитувчи айтган гапларни қайтаришни истамайдилар. Ўқитувчининг айтганларини ўзиникидай қилиб айтувчилар, аслида, айтаётганларидан деярли таъсирланмайдиган, кўпинча, гапираётганларини тушунмайдиган ўқувчилар бўлишади. Янгиланаётган педагогика шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнида ҳиссиёт орқали иш кўришга катта ўрин ажратади. Ота-оналар ўз фарзандларига хос характер хусусиятларини ҳам, уларнинг туйғулари оқимимни ҳам, ҳиссиётларининг намоён бўлиш тарзини

хам бир қадар билганликлари сингари мактаб жамоаси, унинг педагогик-психологик жиҳатдан махсус ҳозирликка эга ўқитувчилари ўқувчиларининг ҳар бирига хос ҳиссий ҳолатларни прогноз қила билиши таълим-тарбиянинг самарадорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Мактаблар фаолиятидаги бир хиллик, охир оқибатда, тарбия жараёнига тортилган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаслигини келтириб чиқаради. Индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаган ўқувчи шахслик жиҳатлари педагогик тизимнинг назаридан четда қолган ўқувчидир. Қалбига, туйғуларига, кечинмаларига доир белгилари тарбияловчи муассасалар эмонидан кўполлик билан бир четга суриб қуйилган кишидир. Ўқувчи педагогик тизимнинг ўзига, унинг шахсига хос бўлган майлларга мутлақо бефарқлигини кўради ва бундай муассасада қанча кўп вақт бўлгани сайин ундаги нафрат ҳисси ҳам шунчалик кучайиб бораверади. Бу эндигина маълум бўлган ҳақиқат эмас. Ўтган асрдаги машҳур рус адиби, файласуф ва педагоги В.Розанов ўзининг "Маориф тонготари" китобида шундай деб ёзади: "Ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларда индивидуал ёндашувнинг йўқлиги ўқувчи шахсиятини ҳақоратламаган тақдирда ҳам унинг энг яхши жиҳатларини инкор этадики, бу ўқувчиларга ниҳоятда алам қилади, алам нафратни туғдиради. Бу нафрат умумлашиб ва қиёфасизлашиб о д а м д а н м у а с с а с а г а, ундан эса бюрократик механизм занжирлари бўйлаб барча аламар манбаи - давлатга ўтади. Ўқувчи 13-14 ёшида икки-уч ўқитувчидан, 15-16 ёшида мактабдан, 17-19 ёшида эса қалби ва тафаккурини азобларга солган ўқитувчи ва мактабга эга давлатдан нафратланадиган бўлади" (И. 182; 46).

Туркистонда маориф ҳеч қачон давлатга бевосита боғлиқ бўлмаган. Айни вақтда, у дин томонидан сингдирилган маънавий кадриятлар кўмагида Аллоҳга, қонунга, давлатга хиёнат қилмайдиган кишилар авлодини тарбиялай билган. Қадим авлодлар учун муқаддас, дахлсиз кадриятлар бор эди. Бўлар: инсонга Яратган томонидан иъном этилган хурлигу эрк эдиким, хусусий мактабларда уларга ҳеч ким тажовуз қилмас, қолипларга солишга ўринмас эди. Чунки бундай умумдавлат қолиплари мавжуд эмас эди. Борди-ю ўқувчилар эркига, фикрига дахл қилинса ҳам буни шахс - муаллим қилган бўларди. Тизим, тузум ёки давлат эмас. Давлат таълим-тарбия жараёнини таъминлашнигина эмас, уюштиришни ҳам бўйнига олгач, ўз-ўзидан масъулият ҳам унинг зиммасига ўтади. Ўқитувчи ёки муассаса ўрнатган тартиблардан норозилик, ғашлик ўз-ўзидан давлатга қаратилади.

Шунинг учун ҳам мактаб ишини икир-чикирларигача сиёсатлаштиришдан сақланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини имкони борича ўз табиий ҳолига қўйиш йўли билан уни давлатнинг йўриғига солиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда адабиёт ўқитишни тубдан янгилаш илмий-фалсафий асосларнинг аниқланишини талаб этади. Зеро, соғлом ақлга мувофиқ ҳамда умуминсоний тажрибадан ўтган фалсафий қарашлар тизимигина адабий

таълимнинг биноси тикланадиган назарий асос бўла олади. Айни вақтда, адабиёт ўқитиш умумпедагогик жараённинг таркибий қисми эканлиги боис ҳозирги замон тарбияшунослик илмининг сўнгги ютуқларини ҳисобга олмай, унинг тамойилларига амал қилмай туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Мазкур бўлимда педагогик фалсафага таяниб ҳамда янги давр педагогика фанига хос хусусиятларни тасниф этиш орқали адабий таълимни янгилашнинг йўналишлари белгиланди.

3. ЎҚУВ ТАҲЛИЛИДА АДАБИЙ ТУРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МЕТОДИКАСИ

Дидактик таҳлил усулларида самарали фойдаланиш учун таҳлил қилинадиган асарларнинг тур хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Адабий тур ва жанр тушунчасининг моҳиятида ҳар қандай таҳлилнинг калити ётади. Негаки, адабий тур ва жанр хусусиятлари бадиий асар табиатида таъсир қилади. Бадиий асар қандай мақсадда яратилишига (қуйлаш учунми, сахнада намойиш этиш учунми ёки ўқиш учунми) ва н и м а н и ифодаланишига (туйғуними, воқеаними, ёки ҳаракатни ифодалайдими) қараб турларга бўлинар экан, ўқув таҳлили жараёнида ҳам бадиий матннинг яратилиш м а қ с а д и ва и ф о д а и м к о н и я т и ҳисобга олиб иш кўрилса, кутилган самарага эришиш мумкин бўлади. Туғри, турли адабий асарлар билан иш юритилганда, таҳлил усуллари мутлақо ўзгариб кетмайди, лекин ўқувчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи жиддий ўзгаради. Чунки лирик асарни таҳлил қилган усул билан романи ўрганиш мумкин эмас. Шунингдек, ҳикояни ўрганишда қўл келган таҳлил усули драмани текширишда иш бермай қолиши мумкин ва ҳ.к. Ҳар бир адабий тур табиатидаги ўзига хослик бу турга мансуб асарни таҳлил этишда ўша ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қилади.

Миллий адабиётимиз тарихида лирик турдаги асарлар салмоқ жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам катта ўрин тутади. Шу билан биргаликда усулиётчилик фани ҳозирча лирик асарларни таҳлил қилиш йўллари ҳақида мактаб амалиётида қўл келадиган умумлашма хулосаларни бера олгани йўқ. Шунинг учун ҳам ўқув таҳлили жараёнида адабий турларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш шартлиги борасидаги мулоҳазалар айнан лирик турга мансуб асарлар мисолида бошланиши ўринлидир.

Лирик турдаги асарлар учун асосий нарса туйғу ва ҳиссиётга йўғрилган ҳаётий ҳикмат ифодасини беришдир. Лирикада воқеалар тасвири, характер мантиғи эмас, руҳий ҳолат тасвири ҳиссиёт ифодаси, туйғулар самимияти муҳимдир. Чинакам лирик шеър тингловчи ё ўқувчига фақат завқ берибгина қолмай, унинг эмоционал-ахлоқий имкониятларини уйғотади, фаолиятга ундайди. Самимий лирик сўз ҳатто реал воқелик ҳодисаларига қараганда ҳам инсон руҳиятига кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин эканлиги психология илми хулосаларидан маълум. Шу боисдан ҳам мактаб адабий таълимида лирик асар таҳлилига алоҳида эътибор бериш болаларни нафақат эстетик-маънавий жиҳатдан, балки функционал-ақлий томондан ҳам камолотга етказишга хизмат қилади.

Лирик асар ўқувчиларга тўлиқ етиб бориши, акс эттирилган туйғуларнинг болалар томонидан чуқур англаниши учун уларда ўшандай ҳиссий тажриба бўлиши керак. Маълумки, нозик инсоний кечинмалар шу хилдаги сезимларни ҳеч қачон туймаган кишилар учун тушунарсиз ва таъсирсиз бўлиб қолаверади. Болаларнинг ҳиссий тажрибаси анчагина кам

бўлгани учун улар барча лирик асарлардаги нозик сезимларни ҳам бевосита идрок этавермайдилар. Лирик асарларни ўрганиш ва таҳлилладан кўзатилган мақсад ҳам болаларда айна шу хилдаги нодир инсоний туйғуларни англаш тажрибасини ҳосил қилишдан иборатдир.

Инсон нозик ва ингичка туйғулари билан ҳайвонот дунёсидан фарк қилади. Ўқувчилар шуурига лирик асарда тасвирланган руҳий ҳолат манзараси етиб бормоғи учун шеър маромига етказилиб ифодали ўқилиши керак. Кўпчилик ўқитувчилар ҳам, ҳатто айрим усулиётчи олимлар ҳам ифодали ўқиш деганда баланд овоз тиниш белгиларига риоя қилиб, кўтаринки руҳда қироат қилишни тушунадилар. Ҳолбуки, асл лирик асарларни аксарият ҳолларда бор овоз билан ўқиб бўлмайди. Ҳатто баланд, кўтаринки, бинобарин, носамимий ифода шеърдаги майин лиризмни йўққа чиқариши мумкин. Хуллас, ифодали ўқиш - бу иждокорнинг ҳолатини туйиб, асарга муҳрланган руҳий манзаралар бағрида туриб ўқий билиш демакдир.

Шунга эътибор бериш керакки, лирик шеър ўқитувчи томонидан ёд ўқилса, унинг таъсир кучи ҳам ошади, таҳлиллад ҳам анча осон кўчади. Чунки шеърни ёд билмаган ўқитувчи лирик асар устида ишлаш мобайнида туйрулар яхлитлигига, давомийлигига эриша олмайди. Негаки, у туйғулар силсиласини эмас, дарсликдан шеърнинг кейинги мисрасини излаш билан банд бўлади. Эски мактаб ва унинг иш усулига қарши кураш байроғи остида совет адабий таълимида шеър ёдлашга ҳам қарши "ўт очил"ди. Гўё бу билан ўқувчилар курук ёдлашдан кутулишди ва асарни чуқур ҳис этиб, ундан ижтимоий маъно излаб топадиган бўлишди. Ҳолбуки, лирик шеър замиридаги мусиқа, илоҳий шакл, ҳали маъно англашилмай туриб ҳам киши қалбига титроқ солади, демак уни муайян даражада юксалтиради. Бинобарин, ўқувчи қанча кўп шеър билса, ундаги инсоний сифатларнинг ўшанчалик мукамаллиги ҳақида гапириш мумкин. Ўзи шеър ёд билмаган ўқитувчи ўқувчиларидан шеър ёд олишни талаб қилишга маънавий ҳуқуқдор бўла олмайди. Демак, ҳар бир адабиёт ўқитувчиси мактабда ўрганилши кўзда тутилган, жуда бўлмаганда, ўқувчилари ёдлаши лозим бўлган барча шеърларни ёд билиши ва уларни ифодали ўқий олиши шарт.

Ўқувчиларга ёдлаш учун жуда кўплаб шеър топшириш керак. Эҳтимол, синфдаги барча ўқувчилар ҳам берилган лирик асарни ёдлаб келомас ёки ёд олишни истамас. Адабиёт ўқитувчиси бундай ҳолдан куюнмаслиги, берилган топшириқларнинг ҳамма ўқувчилар томонидан бирдай бажарилишига ҳаддан ташқари интилмаслиги керак. Негаки, адабиёт машғулотлари кўнгил иши, бинобарин, ҳамманинг кўнглини бир хилда шакллантириш мумкин ҳам, керак ҳам эмас. Айна вақтда, қайсидир миқдордаги ўқувчилар ёд олмас экан деб, шеърларни ёд олиши, лаззатланиб айтиб юриши мумкин бўлган ўқувчиларни бадий гўзалликдан бебаҳра қўймаслик керак.

Шеър ёд олиш, айрим усулиётчи олимлар ўйлаганларидек, ўқувчиларга ортиқча ташвиш келтирадиган малолли вазифа эмас. Чинакам гўзал шеърни ёд олиш ёш қалбларнинг табиий эҳтиёжи, ўсаётган вужуднинг маънавий

талабидир. Адабий таълим шундай йўлга қўйилиши жоизки, шеър ёдлаш эмас, балки ёдламаслик ўқувчилар учун фожиага, йўқотишга айлансин. Лекин ҳамма ўқувчилардан ҳам бир хил талаб қилиш, ёд олгиси келмаганлиги ёхуд эстетик дидининг пастлиги ҳамда туйғуларининг ривожланмаганлиги учун айрим ўқувчиларни камситиш мутлақо мумкин эмас.

Лирик асарни таҳлил қилишда ундан мантиқий хулоса чиқаришга шошилмаслик, яхшиси бундай хулосани умуман изламаслик керак. Лирик асар таҳлили учун муҳими шеърдаги тасвирга ўқувчилар ҳиссиёт оламидаги реакция, муносабатдир. Шеър чуқур таҳлил туфайли ўқувчилар томонидан тўлиқ қабўл этилганидан кейин ўз-ўзидан келиб чиқадиган табиий натижа сифатида умумлашма хулоса чиқарилиши маъқулдир. Ўқувчиларни лирик асар қаҳрамони ёки шоир ҳолатини бевосита ҳис этишга одатлантириш йўли билан уларни ўзгаларнинг руҳиятни илғайдиган, бировнинг қайғусига дардкаш, қувончига шерик бўла оладиган қалби ғайриинсоний "занг"лар, лоқайдлик қўтирларидан холи, маънавияти юксак бир сўз билан айтганда, баркамол шахс сифатида шакллантириш адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг мақсадидир.

Ўқувчиларни лирик асарлардаги шеърий санъатларни, нозик ишораларни, кўздан яширин бадий тасвир воситаларини пайқашга ўргатиш йўли билан бадий сўз жозибасини туйишга одатлантириш зарур. Лирик асар таҳлиliga сўз сеҳридан завқлана билиш боланинг ҳиссий сезимлари, нутқ бойлиги, фикрлаш малакасини орттиришини кўзда тутган ҳолда ёндашиш керак. Ўқувчиларнинг қалб кўзини очиш, уларда атрофдаги гўзалликларга фаол муносабат уйғотиш адабиёт ўқитувчисининг назаридан четда қолмаслиги керак.

Дидактик таҳлилда эпик асарларни ўрганиш ҳам катта ўрин тутаети. Таъкидлаш жоизки, адабиёт ўқитиш тажрибасида э п и к а с а р ва н а с р и й асарлар атамалари, кўпинча, муқобил маъноли терминлар тарзида қўлланилади. Ҳолбуки, эпик асар атамаси шеърий йўл билан битилган бир қатор жанрларни ҳам ўз ичига олади. Эпикликнинг энг асосий белгиси: воқеабандлик ва тасвирда тафсилот мавжудлигидир. Қайси жанрда бўлишига қарамай эпик асарларда персонажлар воқеалар қўйнида тасвирланади ва уларнинг табиатлари ҳодисалар тасвири асносида намоён бўла боради.

Ўқув дастурларига ўрганиш учун киритилган бир қатор эпик асарларнинг ҳажман йирик эканлигини, кўпинча, лирик асарлар сингари бир зарб билан ўқиб чиқиб бўлмаслигини, бинобарин, ажратилган ўқув соати ичида ҳам матн билан танишиш ва ҳам таҳлил қилиш иложсиз эканлигини таъкидлаш керак бўлади. Эпик асарларни таҳлил қилишнинг ўзига хослигини келтириб чиқарган омиллардан бири ҳам айни шу ҳажм масаласидир.

Лирик асарларда муаллиф ҳиссиётини яшириб ўтирмайди, бутун асар фақат туйғулар жунбушига курилади, кечинмалар қанчалик кучли ва уларнинг ифодаси қанчалик ёрқин бўлса, лирик асарлардан чиқадиган бадий

маъно ҳам шунчалик салмоқли бўлади.

Эпик асарларда эса, муаллиф туйғуси ҳам, лирик асарларда мутлақо бўлмайдиган персонажлар кечинмалари ҳам очик ҳолда қолмайди. Бу хил асарларда ҳар қандай ҳиссиёт воқеалар қаърига беркитилган бўлади. Қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар оғушида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тафсилотлар тасвири замирига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади. Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида айти шу малакани - эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиш ва мантиқий хулосага кела билишни шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади.

Деярли ҳамيشа эпик асарларни ўрганишга ажратилган вақт бюджети асарнинг ҳажмига нисбатан оз бўлганлиги учун адабий таълим амалиёти билан бевосита шуғулланадиган кишиларда савол туғилиши мумкин: жуда кўпчилик эпик асарлар ҳажман катта ва уларни ўрганиш учун дастурда белгиланган вақт ичида бу асарларни таҳлил қилиш у ёқда турсин, ўқиб чиқиб ҳам бўлмайди, ўқитувчи таҳлилни қандай уюштириши керак?

Бошданоқ қатъий таъкидлаш керакки, таҳлилланадиган асар қанчалик йирик, вақт эса қанчалик қисқа бўлмасин, э п и к а с а р л а р н и н г м а з м у н и н и с ў з л а б е р и ш м у м к и н э м а с! Асар мазмунини ҳикоя қилувчи кимса қанчалик маҳоратли бўлмасин, бадиий асарнинг тароватини сезиларли йўкотади. Ўқувчиларга асарнинг ўзи эмас, унинг суяклари, скелети етиб боради холос. Ўқитувчи нечоғлик уринмасин, у айти асарни битган ёзувчи бўлолмайди. Айти шу асарни бутун ёруғ оламда айти шу ёзувчигина ёза олади. Ўқитувчи асар мазмунини ҳикоя қилиши орқали асардаги қизиқарли воқеаларни бериши мумкиндир, аммо инсоний характерларни, кечинмаларни, ҳиссиётларни бера олмайди. Асар матнини бевосита идрок этмаган, ўқитувчисининг ҳикояси билангина кифояланган ўқувчи учун эса, бундай имконият бир умрга йўқолади.

Хўш, эпик асарларни керагидай таҳлил қилиш учун қандай йўл тутиш лозим? Бизнингча, аввало, эпик асарларни таҳлиллашга ҳам ҳар бир конкрет асар ўрганилганда синф ўқувчиларининг ёши ва белгиланган вақтдан келиб чиқиб, турлича тадбир кўрилиши керак. Чунончи, агар эпик асарни ўрганишга ажратилган вақт матнни синфда бевосита идрок этиш ва таҳлиллаш учун етарли бўлса, таҳлилнинг уч усулидан бирини ёки барини қўллаган ҳолда асарни ўрганавериш зарур. Мабодо, ўрганиш кўзда тутилган асар жуда йирик бўлса, ўқитувчи, албатта, биринчи соатда асарнинг бошланиш қисмини ва энг қизиқарли, ўқувчи диққатини ўзига беихтиёр тортиб оладиган, персонажлар табиати ёрқин намоён бўладиган, муаллиф маҳорати кўзга балқиб ташланадиган, қаҳрамонлар руҳий дунёси бўртиқ акс этган ўринлардан бир нечасини ўқиб бериши ва асарнинг қолган қисмини уйда ўқиб келишни болаларга топшириши керак.

Амалиётда катта ҳажмли, ажратилган вақт ичида танишиш мушкул бўлган асарлар юқори синфларда берилади. Адабиёт ўқитувчиси бу

синфлардаги талабаларга йил бошидаёқ, қандай асарларни қайси муддатгача ўқиб чиқиши кераклигини белгилаб бериши ва олдиндан ўқувчиларни бадиий матн билан таништириб қўйиши ҳам мумкин. Лекин эпик асарни ўқиб қўя қолиш билан иш битмайди. Ўқилган асар ҳали воқеликка айланмаган имкониятдир. Качонки, танишиб чиқилган асар атрофлича таҳлил этилса, ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланади.

Адабиёт ўқитувчиси, ҳозир одатланганидай, воқеабозликка берилмаса, асардаги жамики тасвирни бир четидан ўқувчиларга а й т и б б е р и ш н и адабиёт дарси деб тушунмаса, бадиий матндаги муҳим жиҳатни номуҳимдан ажратишни ўрганса, ўқувчилар билан ҳар қандай ҳажмдаги, ҳар қандай мураккаб асарни ҳам таҳлил қилиши мумкин. Лекин бунинг учун ўқитувчининг ўзида дидактик таҳлил малакаси тўлиқ шаклланган бўлиши шарт.

Эпик асарлар таҳлил қилинаётганда, адабиёт ўқитувчиси асардаги персонажларга жонли одам тарзида муносабатда бўлиши керак. Шундай муносабатда бўлингандагина тимсолнинг ўзига хослиги, адибнинг санъаткорлиги намоён бўлади. Кўпчилик ўқитувчилар эса эпик асарлардаги қаҳрамонлардан, аввал бошданок ғоя қидиришга тутинишади ва шу боис турли асарлардаги мутлақо бошқа-бошқа персонажлар икки томчи сувдай бир хил баҳо олади, бирдай талқин этилади. Чунки ғоялар ўхшаш бўлади, бир хил ғоялар ҳам кўп, лекин чексиз оламда бир-бирига тўлиқ ўхшаш бўлган икки киши йўқ. Бадиий асар ва ундаги қаҳрамонлар тасвири эса, айти шу ўхшамасликнинг, ўзига хосликнинг бадиий ифодаси сифатида пайдо бўлган ходисалардир.

Мактаб адабий таълимида Йўлчи ва Ғофир, Жамила ва Гулнор, Саида ва Зайнаб, Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раъно тимсолари таҳлилида ўқувчилар берган баҳоларнинг бир хиллигига сабаб адабиёт ўқитувчилари талабаларни бу қаҳрамонларга индивидуал қиёфага эга жонли одам сифатида ёндашишга ўргатмаганлиги ва улардан фақат ғоя қидириб, ижтимоий хулоса чиқаришга уринаверганлигидир. Ҳар қандай санъат асари, аввало, яхлит эстетик бутунликдир. Унинг ихтиёрий қисмларга бўлиनावериши асарни йўққа чиқаради, ҳеч бўлмаганда, унинг таъсир кучини кескин камайтиради. Лекин таянч синфларда, ҳатто юқори синфларда ҳам, кўпинча, бирор эпик асардан парча ўрганиш тавсия этилган ҳолатлар кўп учрайди. Янгиланган адабиёт дастурида ҳам кўпгина эпик асарларнинг муайян қисмлари турли синфларда ўрганилиши кўзда тутилган. Бундай ҳолларда адабиёт ўқитувчиси қандай йўл тутиши керак?

Бадиий асарнинг шаклий тугалланганлигигина эстетик таъсирланишнинг яхлитлигига олиб келишини назарда тутиб, бирор асардан парча олиш керак бўлса, имкон қадар ўша асар яхлитлигига зарар етказмасдан иш қўриш лозим бўлади. Борди-ю, бунинг имкони бўлмаса, парча олинган асарнинг парчадан олдинги ва кейинги қисми ҳақида қисқагина маълумот бериш лозим. Ҳеч қандай изоҳ ва тушунтиришсиз,

таваккалига парча олавериш гўзал эстетик бутунликни бадий маъносиз қисмларга ажратиб ташлашнинг ўзгинасидир.

Мактаб адабиёт дарсликлари ва дастурлари янгиланганига қадар келтирилган адабий парчадан олдин нималар бўлган, бундан кейин асар қандай яқунланади деган саволлар дарслик тузувчиларни асло ўйлантирмаган. "Бектемир ва Зина", "Алпомиш", "Чамбил қамали" ва ҳ.к. бош-кепи йўқ ғалати асар-парчалар ўқувчиларга на мантиқий, на эстетик жиҳатдан яхлит таъсир кўрсата олган.

Таҳлил жараёнида адабиёт ўқитувчиси шу хилдаги кемтикликни кичик бир экскурс билан тўлдириб кетиши лозим. Дарслик тузганда эса, албатта, эстетик бутунлик сифатида тасаввур уйғота оладиган бадий парчаларнигина ўрганиш кўзда тутилса, маъқул бўлади.

Юқори синфларда ҳажман анча катта эпик асарлар ўрганилганда таҳлил образларнинг қандай маҳорат билан акс эттирилганини кўрсатиш асосида олиб борилиши мумкин. Шунингдек, ҳамиша баҳсга, таллашишга мойил таянч синфларда бадий асар матни билан танишиб чиқилгач, ўқувчилар олдида маънавий-эстетик муаммо қўйиб, уларнинг бу муаммога муносабатларини билиш орқали ҳам ўқув таҳлилинини амалга оширса бўлади. Хуллас, эпик асарларни таҳлил этишнинг усуллари жуда кўп ва ўрганиладиган эпик асар қанча бўлса, таҳлил ҳам ўшанча ўзига хосликларга эга бўлаверади. Адабий таълимда бирор қуюшқонни ясаб олиб, ҳар қандай ҳолда ҳам шундан фойдаланаман деган ўқитувчи хато қилади.

Катта ҳажмли эпик асарларни таҳлил қилишда вақтдан самарали фойдаланиш учун адабиёт ўқитувчиси бадий асардаги муҳим жиҳатларни, педагогик мақсадга кўпроқ даражада хизмат қилиши мумкин бўлган қирраларни эстетик таҳлил учун унчалар ҳам аҳамиятли бўлмаган номуҳим жиҳатлардан ажрата билиши талаб этилади. Бадий асар бошидан тушиб, охиридан чиқиладиган идиш эмас, балки жонли бадий вужуддир. Фақат ўқитувчи унга ёндашиш йўли ва методини тўғри белгилай олиши лозим.

Эпик асар ўрганилаётганда персонажларнинг характер мантиғига мувофиқ иш кўраётганлиги муаммоси дидактик таҳлилнинг марказида туриши керак. Яъни ўқитувчи эпик асарни таҳлил қилаётганда, образларнинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, қилиқлари, фикрлари характерларига мувофиқлиги, руҳий жиҳатдан асосланганлиги, туйғулари саъжияларига мослигига эътибор қилиш лозимлигини ўқувчиларига ҳам ўргатиши зарур.

Эпик асарларда ҳам бадий яхлитлик устувор аҳамиятга эга, бинобарин, бирор эпик асардан олинган парча таҳлил этилаётганда, унга бутуннинг бўлаги тарзида ёндашиш назарда тутилиши жоиз. Чунки эпик асарлардаги бирор ҳолат тасвири ўз-ўзича мавжуд бўлмайди, балки ундан олдинги ҳаракат тасвири туфайли туғилиб, ўзидан кейинги бадий вазиятнинг яратилишига сабаб ҳам бўлади. Худди шу ҳолатларни ҳисобга олиб иш кўриш адабий парчаларни ҳам эстетик яхлитлик тарзида таҳлилга тортиш имконини беради ва парчанинг бадий таъсир даражаси сусайиб

кетмаслигига олиб келади.

Эпик асарлар ўрганилаётганда, умуман барча турдаги бадиий асарларни таҳлил этаётгандаги каби ўқитувчи асарнинг бутун сирини ўзи айтиб қўйишга ошиқмаслиги керак. Чунки ўқувчиларда ҳам яратиш иштиёқи, кашф этишдан лаззатланиш туйғуси кучли бўлади. Ўқитувчи айна шу сифатларни ривожлантириши ва бола табиатининг ажралмас бир хусусиятига айлантиришни уйлаши керак. Шундай экан, таҳлил ўқувчиларга ҳам топиш, яратиш, кашф этиш имкониятини берадиган тарзда уюштирилиши лозим.

Эпик асарни таҳлил этиш фақат мантикий операцияга айланиб қолмаслиги, балки ҳаммаша асардан гўзаллик топишга интилиш диққат марказида туриши жоиз. Насрий тил жозибасини, турли-туман бадиий воситалар туфайли туғилган эстетик мўъжизаларни пайқайдиган ва шундан лаззатланадиган, ҳамда шу лаззатнинг манбаини тушуниб ва тушунтириб бероладиган ўқувчилар тайёрлаш миллий адабий таълимнинг вазифаларидир. Адабиёт ўқитувчиси ўз тарбияланувчиларини ана шу вазифалар ижроси сари олиб бориши лозимлигини унутмаслиги керак. Эпик асарлар таҳлилида бадиий шартлилик, образлилик, оламни ўзгача эстетик назар билан куриш мумкинлиги ҳақида ҳам тасаввур бериш болаларни хилма-хил ижодий йўналишдаги, турли жанрлардаги бадиий ҳодисаларни мустақил равишда қабул қила билиш ва асл санъат асарларини суюқ оммабоп битиклардан ажрата олишга ўргатади.

Мактаб адабий таълимида драматик асарларни ўрганиш миқдори жиҳатидан у қадар катта ўрин тутмаса-да, мураккаблиги жиҳатидан анчагина баҳсу мунозараларга сабаб бўлган. Чунки аслида, сахнада намоиш этиш учун ёзиладиган драматик асар табиатига кўра ўрганиш ва айниқса, таҳлил қилиш ғоят мураккаб бўлган турдир. Очигини айтганда, драматик асар айрим жиҳатлари билан кўркам адабиёт намунасидан кўра, театр санъатига яқинроқ туради. Драматик асарда бадиий тасвир воситасидан маҳорат билан фойдаланилганини ёки жозибали бадиий тили хусусида фикр айтиб умумлашмалар қилиш қийин. Чунки ижро мобайнида ёзувдаги барча нозикликлар йўқолиб кетиши мумкин бўлганидек, кучли ижро туфайли ўртамиёна бир асар томошабинда юксак таассурот қолдириши ҳам мумкин.

Драматик асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, драма бадиий ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишининг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиш қудратига эга бўлган ягона адабий турдир. Драмада қаҳрамонлар характери воқелик кўринишлари тарзида намоён бўлади ва томошабинга кучли таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам драма асарларини таҳлил қилиш нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки адабиётшунослар учун ҳам анчагина мураккаб юмуш саналади. Кучли инсоний характерлар, тўкнашувларидан ўт чакнайдиган ҳаётий зиддиятлар билан таништириш орқали ўқувчиларда инсоний позиция ва маънавий қадриятлар шакллантириш эҳтиёжи мактаб адабий таълимида драматик асарлар ҳам ўрганилишини тақозо этади.

Амалдаги дастурга кўра, сахна асарига мактаб ўқувчилари илк бор

еттинчи синфда дуч келишади. Улар дастлаб, юнон фожианависи Софоклнинг "Шоҳ Эдип" трагедиясини ўрганадилар. Кейинги синфларда "Мирзо Улуғбек", "Темир хотин", "Падаркуш", "Абўлфайзхон", "Заҳарли ҳаёт", "Жаннатга йўл" сингари драматик асарлар ўтилиши кўзда тутилади.

Айрим мутахассислар ғоят мураккаб туйғулар, чигал инсоний тақдирлар тасвирланган "Шоҳ Эдип" асаридаги бадий маънони, одамнинг улкан дардларини, изтиробларини еттинчи синф ўқувчилари - ўн тўрт яшар болалар тушунишга қийналадилар дея болаларга "меҳрибонлик" қилишади. Айтиш керакки, ўн тўрт яшар одам оламдаги энг мураккаб туйғуларни ҳам ҳис этадиган кишидир. Агар одам ўз вақтида ҳиссий тарбия кўрмаса, туйғулари камол топтирилмаса, ўн тўрт ёшида эмас, қирқ тўрт ёшида ҳам инсоний туйғулардан, мураккаб кечинмалардан беҳабар яшаб ўтавериши мумкин.

Фикр қилиш, ҳис этиш, туйиш кўникмаси ҳам бошқа ҳар қандай инсоний кўникма ва малакалар сингари ёшлиқдан шакллантирилиши лозим. Бунинг устига, ўсмирликдан ўспиринликка ўтиш даврида ўқувчилар маънавият масаласида мурасасиз бўлишади. Шу боис, бу даврларда ўқувчиларга жуда жўн, енгил "ҳазм" бўладиган бадий озуқаларни тикиштириб, уларни интеллектуал, эстетик ялқовларга, текинхўрларга айлантириб қўйишдан сақланиш лозим. Бу ҳақда замонавий китобхонлик муаммолари, ўқувчилар эстетик дидини шакллантириш масалалари билан чуқур шуғулланувчи мутахассис - И.И.Аркиннинг қуйидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир: "Агар болалар биринчи синфдаликларидан бошлаб, адабий асарларни санъат ҳодисаси сифатида ўқиш за қабул қилишга, бадий мезонлари билан ўлчашга, ...чин санъатни қалбакисидан ажратишга ўргатилса, агар адабиёт билан унинг яхлитлиги ва системалилигига амал қилган ҳолда бутун мактаб йилларида шу зайлда шуғулланилса, бешинчи синф ўқувчилари юксак санъат асарларини бемалол қабул қиладиган бўлишади.

Афсуски, биз доҳий санъаткор болаларга қанча эрта етиб келса, уларнинг китобхон сифатидаги, демакки, маънавий-руҳий жиҳатдан улғайишлари ҳам шунча тез рўй беришини ҳанузгача тушуна олмаймиз" [П.28;55]. Даврнинг энг илғор педагоглари ҳам ўқувчиларнинг маънавий "юк"ини енгиллатиш бола руҳиятининг такомилга фақат зарар келтириши ҳақида шу хилдаги қарашларни ёқламоқдалар.

Драматик асарни ўқув таҳлилига жалб этишда ўқитувчи бир қатор қийинчиликларга дуч келиши ҳаммага аён. Аввало, драматик асарнинг ўқилиши бошқа турдаги асарлардан тубдан фарқ қилади ва муайян назарий тайёргарликни талаб этади. Шу хилдаги тайёргарлик йўқлиги учун ҳам кўпчилик ёшлар драматик асарларни ўқишмайди. Борди-ю, сахна асари ўқилган тақдирда ҳам уни идрок этиш, унинг замиридаги бадий маънони топиш осон кечмайди. Чунки драма асарида муаллиф мутлақо иштирок этмайди, унинг позицияси бирор йўл билан баён қилинмайди ва асарда рўй

бераётган тўқнашувларни маънавий жиҳатдан баҳолаш ҳамда ундан эстетик хулоса чиқариш ўқувчининг ҳаёт тажрибасига, интеллектуал даражасига, маънавий сифатларига боғлиқ бўлиб қолади. Мураккаблик яна шундаки, драма асарларида воқеа ҳам, туйғу ҳам етакчи бўлмайди. Бу хил асарларда **х а р а к т е р** асосий ўрин тутаяди. Драматик асарни характерлар тўқнашуви тутиб туради.

Агар адабиёт ўқитувчиси драматик турдаги асарларнинг шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритса, жуда таъсирчан таҳлил қилишга эришади. Фақат, бизнинг назаримизда, драма матни билан танишишдан олдин драматик асарга хос сахна, парда, кўриниш, монолог, диалог, лўқма, ремарка, пролог, эпилог сингари сахнавий тушунчалар туғрисида қисқа **н а з а р и й** маълумот бериш керак бўлади. Негаки, шу хилдаги назарий маълумотсиз сахна асарини ўқиб ҳам, тушуниб ҳам бўлмайди.

Драма асарини таҳлил қилганда ўқитувчи, биринчи навбатда асарнинг сахна учун ёзилганини ҳисобга олиши керак. Матн билан ўқувчиларни таништиришдан олдин, уни қандай ўқиш ва туниш кераклиги юзасидан йўл-йўриқ беришдан ташқари, албатта, сахна асарини идрок этиш калити бўлган маълумотлардан болаларни хабардор этиши шарт. Имкони бўлса, ўқитувчи драма асарининг театр вариантини эшиттирса ёхуд томоша қилдира олса, жуда яхши бўлади. Бунда асардан олинган таассуротни бузмаслик учун кейинги соатни ҳам адабиёт дарсига кўшиш керак бўлади. Агар спектакл ёзиб олинмаган бўлса, ўқувчилар асарни синфда ўқиб чиқиб, таҳлилга киришишлари керак.

Қийинчилик томони шундаки, драматик асар намунасини бошқа адабий турдаги асарлар сингари истаган ўқувчи ҳам ўқийвермайди. Мутолаа самарадорлиги ва асар қабўл қилинишини тўла таъминлашни истаган ўқитувчи дарсдан бир неча кун олдин пьеса матнини ўқиши керак бўлган ўқувчиларга алоҳида топшириқ бериши ва уларни ўқишга тайёрлаши керак. Кичик бўлса-да, махсус тайёргарликсиз драма асарини керагидай ўқиш мумкин эмас. Аниқроғи, синфдаги ўқишнинг ўзига хос ярим спектакл бўлиши асарнинг яхши таҳлил этилишига омилдир. Таҳлилда ўқитувчи драма қаҳрамонлари характерига асосий эътиборини қаратиши ва ўқувчиларни барча бадиий унсурларга характер мантиғидан келиб чиқиб баҳо беришга ўргатиши керак.

Ҳар қандай турдаги асарни таҳлил этишда ҳам ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш, шарҳли ваъзлар ўтказиш, назарий тушунчаларни ўргатиш сингари ёрдамчи воситалардан унумли фойдаланиш таҳлилнинг теранлигини оширади ва ўқувчиларнинг мантикий фаолиятини амалий кўникмага айлантиришда қўл келади. Юқорида айтилган фаолият турлари, аввало, бадиий асарни ўрганишга хизмат қилиши нуқтаи назаридангина адабий таълим учун аҳамиятли эканлиги ҳаминиша ўқитувчиларнинг ёдида бўлиши керак. Афсуски, баъзан бу хилдаги иш турларига мустақил мартаба ато этиб,

бадий матни ўрганишга дахлсиз бир дидактик операция тарзида ёндашиш ҳоллари учраб туради. Адабиёт ўқитувчиси бу хилдаги қарашлардан қутилиб, ўз эстетик-эвристик фаолиятини қолиплардан озод қилиб, ўқувчилар тафаккури ва руҳиятига бадииятнинг чинакам намуналарини имкон қадар кучлироқ сингдира билса, адабий таълим олдига қўйилган вазифа бажарилади. Жамиятнинг маънавияти тезроқ соғломлашади.

4-боб. ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, МЕТОДИКАСИ ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.

I. ТАЖРИБА МАКСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАРС НАМУНАЛАРИ.

Ўта аҳамиятли ғоя, жуда қимматли фикр ҳам амалиётта тадбиқ этилгандагина бирор салмоққа эга бўлади. Баъзан ҳаётий эканлигини кўрсатиб инсон фаолиятининг бирор соҳасига кенг ёйилиб кетади. Баъзан қанчалар жозибали, дадил бўлмасин турмуш синовларига дош бера олмай, унутилади. Шунинг учун ҳам хусусий педагогика илмида тақлиф этилаётган назарий фикрларни ва фаразларни синаб кўришга устувор аҳамият берилади.

Педагогик тафаккурдаги янгилинишлар, адабиётшунослик фанидаги тозаришлар, ижтимоий турмушдаги соғломлашишлар жараёнининг натижаси ўларок, мактаб адабий таълимида рўй берадиган туб ўзгаришларнинг илмий-назарий асослари тажриба факторига айланиши, амалиётда синаб кўрилиши шу жиҳатдан ҳам муҳимдир.

"Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари" мавзусидаги диссертацион тадқиқотнинг аввалги уч бобида назарий фикрлар билан амалий тадбирлар ёнма-ён келган бўлса, тўртинчи бобда фақат тажриба-синов ишлари натижаларига ўрин берилади.

Мазкур диссертацион ишнинг ғоялари, аслида мактаб ва педагогика амалиётида анчадан буён синовлардан ўтиб келмоқда. Чунончи, диссертацион ишдаги асосий назарий қарашлар Республика халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган "Ўзлуксиз адабий таълим давлат концепцияси"га айланган, шунингдек, "Ўзлуксиз адабий таълим давлат стандарти" деб аталмиш расмий педагогик ҳужжат асосида ҳам мазкур тадқиқот ғоялари ётади. Булардан ташқари, республика умумтаълим мактабларининг V-XI синфлари учун "Ўзбек адабиёти" дастуридаги асосий қарашларнинг манбаи ҳам қўлингиздаги диссертацион ишдир. Айни чоғда, тадқиқотдаги етакчи ғоялар умумтаълим мактабларининг VII синфи учун тузилган ва 1993, 1995, 1997 йилларда чоп этилган "Ўзбек адабиёти" дарслигида ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, 1996 йилда нашр этилган "Адабиёт ўқитишнинг илмий назарий асослари" монографияси замирида ҳам мазкур тадқиқотнинг ғоялари

ётади. Олий мактаб талабаларига мўлжалланган “Адабиёт ўқитиш методикаси” дастурий қўлланмасининг яратилишида ҳам диссертациядаги ғоялар асос бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Агар “Ўзлуксиз адабий таълим концепцияси” ва “Ўзлуксиз адабий таълим давлат стандарти” расмий педагогик ҳужжатлар сифатида тасдиқланган бўлсалар, “Ўзбек адабиёти” дастурининг икки, дарслигининг эса уч нашри амалга оширилди. Адабиёт ўқитиш методикаси илми учун бевосита мазкур диссертацион тадқиқотда илгари сурилаётган фикрлар амалиётга қай тарзда жорий этилиши ва уларни тадбиқ қилиш орқали қандай натижаларга эришилиши ута муҳим ҳисобланади. Шуларни кўзда тутиб, ўзимиз бир неча бор бевосита таълим жараёнида синаб кўрган бир қатор дарс ишланмаларини тақдим этмоқдамиз.

Намуна сифатида таклиф қилинаётган ишланмалар ўқитиш амалиётида кўпчилик ўқитувчилар томонидан мураккаб деб ҳисобланадиган мавзулар юзасидандир. Негаки, мураккаб муаммоларнинг содда ечимини тавсия эта биладиган методикагина истиқболли ва яшашга ҳақлидир.

Ишланмаларнинг барча адабий турдаги асарларни қамраб олишига эътибор қаратилди. Чунки аввалги бобда айтилганидек, бир турдаги асарни таҳлил қилишга ўргатишга кўл келган усул бошқасида иш бермаслиги мумкин.

Миллий адабиётимизда лирик жанрлардаги асарлар ҳам мураккаблиги нуқтаи назаридан, ҳам миқдори жиҳатидан муҳим мавқега эгаллиги боис лирик асарларни ўргатиш йўллари юзасидан кўпроқ ишланмалар берилди. Амалдаги ўқув дастурида VII синфда Чўлпоннинг “Гўзал”, “Бўзилган ўлкага”, “Бинафша” шеърларини ўрганиш кўзда тутилади ва бунга 3 соат вақт ажратилган. Ўрганиш кўзда тутилган шеърлар орасида энг машҳури ва таҳлилга бўй бериши жиҳатидан энг мураккаби “Гўзал” асарини ўргатиш методикасини тавсия этамиз.

Шеър, аввало, ўқитувчи томонидан ёддан ифодали ўқилади. У шундай ўқилиши керакки, шеър болаларнинг туйғуларига бевосита тегиб утсин. Токи, шоирнинг ҳиссиет олами ўқувчилар назарида рўй-рост гавдалансин. Шеър маромига келтириб ўқилгач, бир оз сукут қилинади: ўқувчиларга эшитган илоҳий ифодаларнинг лаззатини ўзқроқ туйиш имкони берилади. Сўнг таҳлилга киришилади. Очиқ айтиш керакки, шеърятнинг асл намуналарини таҳлил қилиш ғоят мушкул. Чунки чинакам шеърда одамзод оддий тил билан ифодалай олмайдиган туйғулар, руҳий ҳолатлар акс этади. Бу тасвирларни оддий мулоқот тили даражасига тушириш асар жозибасини йўққа чиқариш демакдир. Шунинг учун Чулпон шеърларини таҳлил этишда киссадан ҳисса чиқаришга, “шоир мана бундай демоқчи”, “ана ундай хулоса чиқараяпти” тарзидаги ҳукмларни баён қилишга ошиқмаслик керак. Чўлпон асарларида ўғитбозлик йўқ, уларда руҳият манзаралари, инсон ҳиссиётининг зумлк тўлғонишлари акс эттирилган.

“Гўзал”да шоир табиатнинг жуда дилбар шеърый манзарасини яратган.

Лекин у табиатдан нусха кучирмаган, ўзига чиройли туюлган лавҳасини шу ҳолича тасвир этмаган. Чулпон табиатнинг тасвирига ҳамиша инсон руҳини сингдиради, инсоний ҳиссиёт табиат гўзаллигига жон бағишлайди. Уни дард билан, одамий ишқ билан мунаввар қилади. Шоир излаётгани гўзални, даставвал, "Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан..." сўрайди. Ўқитувчи таҳлилнинг ибтидосиданок, ўқувчиларни шоир ҳиссиёти оламига яқинлаштиришга уриниши даркор. Нега лирик қаҳрамон гўзални "қоронғу кечада" излай бошлади? Нима сабаб маъшуқасини "энг ёруғ юлдуздан" сўради? Ўқувчилар шеър матнига таяниб, бу саволларга жавоб топишга ўринганлари сайин асарнинг жозиба кучи ортиб бораверади. Ишққа мубтало бўлган қалб эгасига уйқу бегона. Ҳазрати Навоий айтганларидек, "Беишқ улусқа ком уйқу, Ишқ аҳлиғади ҳаром уйқу". Шу боис "Гўзал"нинг лирик қаҳрамони-бедорлик бандаси. Бедор одам, қалбига ишқ ошён қурган дардманд ўзига дардқаш излаши табиий. Лекин ишқдай маҳрам туйғуни бўлак одам билан ўртоқлашиб бўлмайди. Шунинг учун лирик қаҳрамон уйқусиз тундаги ҳамроҳлари: осмон жисмларига, энг ёруғ, энг яқин юлдузга мурожаат қилади ва бу ҳолат - ишонарли. Ҳар ҳолда, Чулпоннинг лирик қаҳрамони, аввало, юлдузга мурожаат қилиб нотабиий йўл тутмайди.

Энди ўқувчилар юлдуз не боис гўзални унгида эмас, "тушда кўр"гани ҳақида уйлаб кўришлари керак. Ўзбек гўзали Фарбнинг тункезар соҳибжамолларидан эмаски, кечаси пайдо бўладиган мавжудотларнинг кўзи тушса. Юлдуз малакнинг таърифини эшитиши, эшитганлари туфайли тушларидагина кўриши мумкин. Шу ваддан "энг ёруғ юлдуз" малакни фақат тушида кўргани табиий ҳол! Ўқитувчи юлдузнинг эътирофига болалар эътиборини қаратиши керак: "Тушимда кўрамен: шунчалар гўзал, Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!" Ўқувчилар эътибор қилишсин: лирик қаҳрамон маъшуқасини б и т т а "энг ёруғ юлдуздан сўраган эди. Лекин юлдуз: "Биздан-да гўзалдир..." дея жавоб бермоқда. Нима учун? Негаки, битта юлдуз қанчалар порлоқ бўлмасин мон кўрки бўла олмайди. Кўкнинг беазаги - осмон тўла юлдузлардир. Уларнинг гўзаллиги: кўплиги ва тартибсиз тартибида! Буни "энг ёруғ юлдуз" яхши билади. Шоир шеърдаги жуда майда деталларгача ғоят катта эътибор билан ишлаган.

Юлдуздан қоникарли жавоб ололмаган лирик қаҳрамон нигоҳини "ой чикқан ёққа" олишга мажбур. Ой унга:"...бир қизил яноққа, Учрадим тушимда кўмилган оққа", - деб жавоб айлайди. Ўқувчилар ойнинг тушидаги малак не боис оққа кумилганини анча осон изоҳлай билишади: гўзални тушида бўлса-да, курмоқ учун назар ташлаган Ойдан майин, сутдай нимтатир оқ рангли нур таралади. Таралади-ю, ердаги малакка ҳам тушиб уни оқ оғушига олади. Бундан ташқари, Шарқ эстетикасида оқ - эзгуликни ифодаловчи ранг. Гўзал, гарчи уни ой унгида курмаган бўлса-да, албатта, оқ кийинган бўлиши керак. Оқ юзли малакнинг оппоқ либоси Ойнинг ойдин нури билан кўшилиб тенгсиз маликани оққа чулғайди. Бу жуда табиий. Шеърда "қизил яноқ" сифатлаши ҳам ишлатилган. Шарқ одами учун қизил

яноқ ҳам соғломлик, ҳам гўзаллик белгиси. Шунинг учун ҳам ойнанинг тушида намоён бўлган малак қизил яноқли. Бунинг устига, гўзалнинг қизил яноғи тасвири шеърнинг кейинги бандида қуёшнинг ёндирувчи қизиллигини асословчи мантиқий-ҳиссий восита.

Сирли гўзални сўроқлаб тонг оттирган ошиқ ёрени "эрта тонг шамолидан" суриштирмай иложи йўқ. Тонг насими тенгсиз малакни тушида эмас, ўнгида кўрган. Лекин бу бахтиёр висол унга "бир" мартагина насиб этган. Унинг саросар кезмоғи, ҳурилиқога телбавор ошиқ бўлмоғи учун ўша биргина йўлиқиш кифоя: "...бир кўриб, йўлимдан озиб, тоғу тошлар ичра истаб юрамен!" Сирли гўзалнинг тонг шамолига унгида йўлиқиш сабабини ўқувчилар энди анча осон изоҳлайдилар: ўзбекнинг дилбар қизлари саҳархез бўлишади. Нечоғлик эҳтиёт бўлмасин, сирли малак бирор марта тонг насимининг нигоҳидан қутулолмай қолган бўлиши мумкин.

Ниҳоят ишқ оташида куйиб қоронғу кечадан кундузга қадар бедор юрган ошиқ оламини мунаввар этган Кун - қуёшга мурожаат айлайди: "Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб, Айтадир: бир кўрдим тушдамас, ўнгда. Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал, ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!" Астойдил излаган топади деганларидек, Кун ҳам ул малакни биргина бор кўришга муяссар бўлган. Лекин уша биргина учрашув унинг ошиқ бўлиши, ўзини унутар даражага келиши учун етарли. Мазкур бандда: "Ул-да ўз утидан бекиниб, қочиб..." мисрасига яширинган маъно ўқувчилар эътиборидан асло четда қолмаслиги керак. Шеъринг организмдаги энг кичик ўзгачаликларни пайқай олиш уни тушуниш сари олиб борадиган энг туғри йўлдир. Қуёшга тик караб, уни кўриб бўлмаслиги 7-синф ўқувчиларига жуда яхши маълум. Буни шоирона истиснодгина: "...ўз утидан бекиниб, қочиб" тарзида ифода қила олиши мумкин. Кун фалакда сўзиб юрибди. Унга тик қарашингиз билан кўринмай қолади. Чунки кўзингизни олади. Шу боис қуёш ўз утидан бекиниб, қочибгина мулоқотга киришади.

Юлдуз, ой, шамол, кун тимсоллари ёрдамида лирик қаҳрамон қалбидаги ишқ ути алангаси нечоғлик баландлиги, хижрон азобининг қанчалар оғирлиги очилади. Чарх уриб, фарёд чекиб оламдаги энг муқаддас нарсасини - дардини, ишқини излаётган ошиқ ноласи ўқувчи қалбида ҳам акс-садо беради.

Шеърнинг сўнгги банди тулиғича лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг, кечинма-ю кайфиятининг ифодасидан иборат. Ҳажр йўлида ўртанаётган ошиқ гўзалдан ёзғирмайди. Чунки асл туйғу миннатдан йироқ бўлади. У висол таъмасини ҳам хаёл этмайди. Ошиқ ишқнинг ўзидан масрур, дард чекиш бахтидан мағрур. Шу боис, "бошини зўр ишга бериб" қўйганидан пушаймон эмас. Мислсиз муҳаббати ва ўртанишлари эвазига ҳеч нарса кутмайдиган чин ошиқ руҳий дунёсининг нурли тулғанишлари акс этган "Гўзал" шеърини шу тариха таҳлил қилиш унинг жозибасини ўқувчиларга тўлароқ, таъсирлироқ етказиш имконини беради.

Шоира Зулфиянинг "Ойдинда" деб аталувчи нозик ишораларга,

ингичка ифодаларга бой ичкин бир шеъри бор. Бу шеър соф табиат лирикасининг намунасидир. Одатда, бизнинг ўқитувчиларимиз пейзаж асарларни таҳлил қилишга қийналишади. Чунки амалиётда ҳар қандай асардан, авалло, мазмун деб аталувчи ғ о я қидиришга ўрганиб қолинган. Гўзаллик тасвирининг ўзи ғояга, мазмунга айланган бадий асарларни кабул қилиш тарзи ҳам, уни талқин этиш йусини ҳам методикада ишланмаган.

7-синф дастуридан ўрин олган "Ойдинда" шеърини таҳлил этишга уриниб курайлик. Шеърда охир куклам ёмғирдан кейинги тунларнинг бирида саноксиз юлдузлар чарақлаган осмон, оламни оқликка ўраган ой, хаёл каби тўзғиган бўлутлар гўзаллигидан ҳаяжонга тушган шахс кечинмалари, ҳайратлари акс эттирилган. Бу шеърда буртиб тўрган ижтимоий маъно ҳам, дардкаш қалб изтироблари ҳам йўқ. Унда беқиёс илоҳий гўзаллик ва шу гўзал-ликдан ҳайратланаётган масрур қалб энтиқишларигина бор холос. Аввал айтилганидай, ўқитувчи шеърни ёддан ўқиб беради. Сўнг ўқувчиларни шоира ҳолатини ҳис этишга тайёрлайди. Лирик асардаги кайфиятни юқтирмаслик, эмоционал бетаъсирлик шеърни тушунарсиз сўзлар уюмига айлантириб қуйиши мумкин.

Жилиб-жилмас тўлин ой,
 Булут хаёлдай енгил,
 Ой анҳорда қулун той,
 Гилосда шиғил-шиғил...

Анҳор тинимсиз ўйноқлаб оқади, суви тип-тиник, шу боис унда нсс этаётган Ой қулундай югурик. Ёмғир туфайли тоза чайилган гилос меваларининг ҳар бирида биттадан тулин Ой жилва қилади, шу боис "гилосда шиғил-шиғил". Ҳовуз тиник сувга тула, аммо у окмайди, шу боис кукдаги ой бир ҳовўз "яхлит ойнадай бўлиб" ёйилган, ҳовуздаги ойни яхшироқ курмоқ илинжида эгилган лирик қаҳрамон бошқа бир ойга - ўзига "рўбарў" келади. Чунки у ҳам ойдаи гўзал. Шоира шоҳона кийинган малика янглиғ "минг-минг юлдузни сидирғасига чайқаб" ерга судраб бормоқда: тиник осмоннинг ҳовуздаги аксида саноксиз юлдузлар лирик қаҳрамоннинг кийимларига тикилган безаклар каби туюлади. Ўқувчилар мовий кукни кийим қилиб, ундаги юлдузлардан безак тақиб кетаётган соҳибжамолни кўз олдиларига аниқ келтиришлари мумкин.

Ўқитувчи шеърдаги гўзал ухшатишлар, кутилмаган образли ифодаларни куришга, тушунишга болаларни ўргатиб борса, уларнинг олдида гўзалликнинг ҳадсиз дунёси очилади. Ўқувчилар "Сел унутган қўлмақлар Мисли ойнинг сингани" мисраларидаги чиройли ухшатишни пайқашдан ташқари "сел унутган кулмак", "синган ой" тарзидаги образли ифодалар ҳақида уйга толишлари, бу тасвирларнинг тагига этишга интилишлари керак. Самимий туйғулар ифодаси бўлмиш шеърдан ҳайратга туша оладиган, чинакам шеърый сатрлар бағридаги сеҳрни ҳис қилишга қодир болаларнинг маънавий оламини шакллантириш адабиёт ўқитувчилари олдидаги асосий вазифадир.

Шеърнинг қолган бандлари ҳам ўқилгандаги таассурот йўқолмай туриб, шу тариқа, таҳлил этила боради. Шунда ўқувчиларнинг туйрулари ўткирлашади, кечинмалари нозиклашади, олам ҳодисаларига бошқачароқ қарай бошлашади. Дунёга истеъмомчи назари билан эмас, маънавий кадриятларни ўзлаштирган инсон назари билан нигоҳ ташлайдиган бўлишади.

Эпик асарларни ўрганишнинг ҳам ўзига яраша мураккабликлари мавжуд. Одатда, мактаб адабий таълимида эпик асарларни ўрганиш борасида қийинчилик кўпроқ вақт тақсмоти ва асарни талқин этиш билан боғлиқ бўлади. Негаки, кўпинча, синфда ўрганиш кўзда тутилган эпик асарларнинг ҳажми уни ўзлаштиришга ажратилган вақтга сиғишмайди. Иккинчидан, эпик асарларда тафсилот мавжудлиги, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ҳамиша ҳам очик курсатилавермаслиги таҳлилда ўзига яраша мураккабликни келтириб чиқаради. Ўқитувчилар эпик асарлар ўрганила-ётганда унинг сюжетини баён этишга ва ўқувчилардан ҳам айтганларини қайтаришни талаб қилишга одатланишган. Адабий таълимни уюштиришга янгича ёндашув, янгича педагогик тафаккур талаблари эса, эпик асар мазмунини қайта ҳикоялаш ёхуд уша мазмундан насихатомўз хулосалар чиқариш дидактик тадбир эмаслигини таъкидламоқда. Болаларга эпик асарлар қаҳрамонларининг руҳиятини англайтиш, уларни образлар билан туйғудош, дарддош бўлишга ўргатиш адабиёт ўқитиш олдига вазифа қилиб қўйилмоқда. Шу боис эпик асарларни ўргатишда ҳам ўқувчилар ҳиссиётига таъсир кўрсатиш асосий педагогик тадбир деб қаралмоқда. Куйида шу хилдаги таҳлил намунасини берамиз.

Амалдаги ўқув дастури Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўғри" ҳикояси еттинчи синфда икки соат мобайнида ўргатилишини кўзда тутуди. Ажратилган вақтнинг биринчи соатида адиб ҳақида дарсликда бўлмаган айрим қизиқарли, ёзувчи шахсининг ўзига хос қиёфасини очиб берадиган маълумотлар берилди. Сўнг, туғридан-туғри ҳикояни ўқишга тутиниш керак. Айрим ўқитувчилар барча ўқувчиларни фаолиятга тортмоқчи бўлиб, ўрганилаётган асарнинг маълум жойигача бир ўқувчига, ундан сўнг бошқасига ва ҳ.к. тарзда ўқитадилар. Айтиш керакки, бу усул бадиий асар эндигина ўрганилаётган вақтда эстетик яхлитликни бузадиган, асарнинг таъсир даражасини сезиларли пасайтирадиган йўлдир. Ҳар қандай асл бадиий матн яхши кушиқ сингаридир. Қўшиқнинг бир бандини бир, иккинчисини бошқа, кейинги байтини учинчи бир қўшиқчи қуйлаши яхши самара бермаслиги аён. Шунинг учун ҳам эпик матнни, имкони борича, ўқитувчининг ўзи ўқиши лозим. Агар қандайдир бир сабаб билан бунинг иложи бўлмаса, у асарни ўрнига келтириб ўқишни удалайдиган бирор ўқувчисига олдиндан топшириқ бериши ва бола бадиий матнни синфда ўқиб беришга тайёргарлик кўриб келиши зарур. Хуллас, биринчи соатда "Ўғри"нинг матни билан танишилади.

Дарслик-мажмуада ҳикояни ўрганиш бўйича ўқувчиларга бир қанча савол ва топшириқлар берилган. Ўқитувчи болаларга ана шу саволларга

жавоб топиш ва топшириқларни бажариш лозимлигини айтади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида шу операцияларни амалга оширадilar.

Иккинчи соатда эса туғридан-туғри асар таҳлилига киришилади. Ҳикоя таҳлили унинг биринчи жумласини ўрганишдан бош-лангани маъқул. "Уғри"ни текстуал таҳлил қилиш кўпроқ самара беради. Негаки, ҳажман муъжаз бу ҳикояда бадиий мақсадга хизмат қилмайдиган, персонажлар табиатини очишга қаратилмаган биронта сўз ҳам учрамайди. Бинобарин, асарда номухим, иккинчи даражали бадиий унсурнинг ўзи йўқ. Шу боис, худди лирик асарларни таҳлил қилгандек, мазкур ҳикояни ҳам текстуал усулда ўрганиш самарали бўлади.

Ўқувчилар диққати кампирнинг тонг қоронғусида туриши ва ҳўкизидан хабар олиши сабабларини англашга қаратилиши керак. Кампирнинг барча ўзбек аёллари, айниқса, қишлоқда яшайдиган ҳамма кайвонилар сингари саҳарлаб туриши дастлаб ўқувчиларнинг эътиборини мутлақо тортмаслиги ва уларни ўйлатмаслиги тайин. Лекин ёзувчи кампирнинг саҳархезлигини шунчаки одат тарзида эмас, балки зарурият тақозоси сифатида ҳам кўрсатади: у ҳамир қориши керак. Ҳикоя матнидан маълумки, кампирнинг дастёри йўқ. Демак, кундалик юмушлар кўпаймай, куёш жуда қизиқ кетмай туриб, нон ёпишга улгуриши керак. Бунинг устига, чоли нонуштага иссиқ нон еса яна ҳам яхши бўлади. Эҳтимол, уларда нондан бўлак нонуштага ейдиган нарсанинг ўзи йўқдир. Энди ўқувчиларнинг эътиборини "...ҳамир қилгани" турган кампирнинг не боис ҳукиздан хабар олганлигига қаратиш жоиз. Ҳар ким ўзи учун қимматбаҳо ҳисобланган нарсадан бот-бот хабардор бўлиб туради. Фарзандли она ҳамиша болаларидан хабардор бўлишга, бадавлат одам давлатидан огоҳ туришга интилади. Чолу кампирнинг уйида бир-бирлари учун ўзларидан кейинги қимматбаҳо нарса: ҳукиз! Шу боис кампирнинг уридан турибоқ ундан хабар олиши ҳам тушунарли, ҳам ишонарли.

Ўқувчилар ҳикояда биргина товушдан иборат "0!.." гапи ташийдиган серқирра маънога, ифодалайдиган ҳолатлар экстрациясига диққат қилишлари лозим. Бу товуш-гап замирида кампирнинг қандай кечинмалари борикин? Ўқувчилар кампирнинг айна пайтдаги ҳолатини ҳис қилишга, унинг кечинмаю сезимларини илғаб олиб, айтиб беришга ўриниб кўришсин. Сўнг нимаси биландир ҳикматга ўхшаб кетадиган: "Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳукизи йўқолмасин" жумласига болаларнинг эътибори тортилади.

Камбағал одамда юксак орзулар бўлмайди. Чунки бедаво дард бўлмиш қашшоқлик инсонни, аввало, орзулардан, интилишлардан маҳрум этади. Ҳавас - имкониятдан туғиладиган ҳосила. Шу боис деҳқоннинг уйи меъморчилик обидаси ёки йўқолса кишининг жони ачийдиган қошона эмас, шунчаки "...бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш" билан тикланадиган кулба. Бинобарин, унинг куйиб кетиши уй эгаси учун жуда қатта йўқотиш эмас. Янгисини тиклаб олиш мумкин. Камбағалда уйи куйганда ёниб кетадиган бойлик ҳам йўқки, унга ачинса. Болалар кампирнинг

реакциясига диққат қилишсин: ҳукизнинг йўқолганини билган кампир энг аввал нима қилди? Ҳамма аёлларнинг қуролини ишга солди, яъни додлади. Бошқача бўлиши мумкинмиди? Ўқувчилар бу ҳақда ўйлаб кўришсин.

Ҳикоянинг кейинги жумласи янада ғалати ва бир қарашда асосий тасвирга дахли йўққа ухшаб туюлади: "Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади..." "Одамлар дод овозига ўрганиб қолган..." бўлса, демак, бу ҳолат тез-тез такроланиб туриши тушунарли. Ахир ўзбеклар андишали, овозини баландлатишдан ийманадиган халқ-ку! Бунинг устига, асар воқеалари инқилоб деб аталмиш тўнтаришдан олдин содир бўлган. Бинобарин, аёлларни дод солишга мажбур этадиган асосий сабаб - ичкилик у замонлар ҳали йўқ эди. Шуни билиш керакки, мустамлака халқ ҳеч қачон фаровон турмуш кечира олмайди. Яъни халқимиз Россия қўли остида ғоят фақир яшаган. Камбағалликнинг азобини эса, энг аввал, аёллар тортишади. Чунки рўзғорни улар юритишади, уйда нима бору нима йўқлигини аёллар яхши билишади. Устига устак, улар оналардир. Фарзандларининг эҳтиёжларини қондириш ташвиши аввал оналарга тушади. Айниқса, ўзбек оилаларида болалар ўз дардларини, асосан, оналарига айтишади. Шу боис хотин киши мустамлака юртнинг эркагини ҳар куни "у йўқ, бу йўқ" деб "эговлайди". Эркак ҳам рўзғорнинг тўқис эмаслигини яхши билади-ю, аммо тўқис қилишнинг йўлини билмайди, чорасини тополмайди. Хотин эса, уйда ниманингдир йўқлигини эслатаверишдан чарчамайди. Айтгани бўлавермагач, кемтиклик бутланавермагач, норози бўлади, эрига тик гапиради. Ўзбекнинг эркаги қандайлигидан қатъи назар хотинидан гап эшитишга ўрганмагани боис камбағалликни туғдирган сабабни бартараф этишнинг эмас, балки норози бўлавериб, эрининг ҳамиятига теккан аёлининг исёнини бир ёқлик қилиш йўлини излайди. Ва топади: уни яхшилаб калтаклайди.

Ўзбекнинг аёли эрининг ҳамма калтагига ҳам дод сола бермайди. Агар ўзининг айби учун калтак еса, ҳеч кимга билдирмайди. Дод солиш у ёқда турсин, кейинчалик ҳам бировга "тиш ёрмайди". Аммо жанжал камбағалчилик туфайли келиб чиқса-ю, мушт билан хотималанадиган бўлса, энди бизнинг аёлларни маъзур тутиб қўясиз. У эрининг камбағаллигини, ношудлигини етти маҳаллага ёяди.

Энди дод овози пайдо бўлиш сабабларининг иккинчи қисмини кўриб чиқайлик: "...биронинг уйи хатга тушади." Бугунги ўқувчи дастлаб бу жумла замиридаги ҳақиқатни пайқамаслиги аниқ. Шунинг учун ўқитувчи унга ойдинлик киритади: Камбағал одам бир бало қилиб тирикчилик ўтказиш, оиласи очликдан паторат топиб кетмаслиги учун йўқсулнинг энг синалган усулини ишга солади. Яъни бадавлатроқ одамдан қарз олади. Аниқки, қарз қачондир туланиши керак. Вақтида туланмаган қарз эвазига қарздорнинг пичоққа илингудек мулки "хат"га олинади, гаровга қуйилади. Камбағалда қандай мулк бўлиши мумкин? Бола-бақраси билан яшаб тўрган ва "бир қоп сомону бир арава қамишдан" бино бўлган уйда! Ёмон бўлса-да,

бошпанасидан ажралган одамнинг аҳли аёли дод солиши табиий. Бу хил додлашлар тез-тез рўй бериб тўргани учун ҳам, одамларнинг қулоғи ўрганиб қолган. Адиб: "Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди", деб таъкидлайди. Ўқувчилар ўйлаб кўришсин. Нега? Чунки бу уйдан шу пайтгача дод овози чиқмаган, ҳар ҳолда уй ўзлариники, ҳукизлари ҳам бор эди. Ҳеч қутилмаганда, кампирнинг дод солиши, одатдаги овозларга "бегона" товушнинг қушилиши атрофдагиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Ўқувчилар ҳикоянинг шу жиҳатларини билиб боришса, дарснинг педагогик самарадорлиги ортиб бораверади.

Болалар Қобил бобо ҳолатини ҳам ичдан ҳис этишга ўринишлари лозим. Бунда ҳам энг яқин асос - бадий матн. Тасвирга эътибор қаратилиши керак: "Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. "Агар ўқувчи Қобил бобо ҳолатини ҳис этмай, шунчаки ўқиб ёки эшитиб кетаверса, дарсдан кўзатилган мақсад амалга ошмайди. Қандайдир бир одамнинг қийналганлигини ахборот орқали билиб қўя қолиш бошқа-ю, ўша одамнинг ҳолатига тушиб, у кечирган туйғуларни ичдан ҳис этиш бошқа. Шунинг учун ҳам Қобил бобо ҳолатидаги ҳеч бир чизги ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Нега Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, бунинг устига яктакчан? Шу ўринда "яктакчан" сўзи мамлакатимизнинг турли минтақаларида турлича тунилишига ўқувчилар эътибори қаратилиши лозим. Тошкент ва Фарғона томонларда яшовчи аҳолининг аксари қисми учун "яктакчан" дегани **я к т а к с и з** демакдир. Қолган минтақалардаги кишилар учун эса **ф а қ а т** **я к т а к д а** мазмунини англатади. А.Қаҳҳор қайси ҳолатни кўзда тутганлигини бадий вазиятга қараб ўқитувчи билан ўқувчилар ҳал этишади.

Қарияларимиз ҳозир ҳам бош яланг юришни одобсизлик деб билишади. У пайтларда-ку яланг бошлик бориб тўрган шаккоклик ҳисоблангандир. Ҳикоядаги бобо эса яланг бош, яланг оёқ экани камлик қилгандай, эл кўзига яктаксиз кўринганини ўқувчилар нима деб изоҳлашаркин? Бу саволларга фронтал равишда жавоб топилиши лозим. Ўқувчиларнинг эътиборини қаҳрамонларнинг ташқи ҳолатини тафтиш қилишдан ички дунёсини текширишга йуналтириш керак. Чолнинг тиззалари "букилиб-букилиб" кетишига сабаб нима? Ўқувчилар бу сўзнинг икки марта ёзилганлигига диққат қилишсин. Чол нега "дағ-дағ" титрайди? Ҳавонинг совуқлигиданми, яктаксизлигиданми ёки бошқа ички сабаб борми? Адибнинг "...ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди" деган таъкидини қандай тушунмоқ керак? Бобонинг кўзлари хирами ёки қутилмаган бахтсизлик унинг кўз олдини қоронғулаштирдими? Ўзи аслида, чолнинг кўзи хиралашдими ёки ақлими?

Энди таҳлил қамровига эллиқбошини ҳам олиш мумкин. Бурунсизлиги, овозининг панглиги туфайли бошданоқ ўқувчига ёқмаслиги аниқ бўлган эллиқбошининг дабдурустдан бобони сенсираб: "Ҳукизинг ҳеч қаёққа

кетмайди, топилади!" дея каромат қилиши болалардаги нохуш таассуротни янада кучайтиради.

Ўқувчилар - ғоят синчков халқ. Агар уларнинг эътибори эстетик нишонга туғри йуналтирилса, жуда нозик ишораларнинг тагига ҳам етишлари мумкин. Улар элликбошининг ўғри тешган ерни нима сабабдан икки бор кўрганини, қайта-қайта синчиклаб текширганини, ҳатто устунни ҳам қимирлатганини изоҳлай олишади. Сал эътибор қилган кишига бу ҳаракатлар тагидаги ғараз ўриниб турибди. Лекин Қобил бобо бу ғаразни сезмайди. Чунки кутилмаган бахтсизлик унинг кекса ақлини янада хиралаштириб қўйди. Ўқувчилар элликбошининг ҳукиз топилиши ҳақидаги ишонч билан айтган гапидан кейин нима учун Қобил бобо йиғлаб юборганлигини тушунтиришга ўринишсин. Шу пайтгача йиғламай турган чол ҳукиз топилади деган ваъдани эшитгач йиғлаб юборганлигини нима билан изоҳлаш мумкин экан? Болалар шу ҳақда бош қотиришса, инсонни англаш, ўзгани тушуниш малакаларини эгаллай борадилар. Кишининг маънавияти шу тариқа шакллантирилади.

Элликбошининг кейинги ҳаракатлари унинг қандай шахс эканлигини янада яққол курсатади: "Йиғлама, йиғлама дейман! Ҳукизинг оқпошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади," дейди йиғлаб кетидан эргашиб юрган Қобил бобога. Элликбоши кекса одамга, бунинг устига, кулфатга йўлиққан ён қўшнисига нега бунчалик дағдаға қилади? Ўқувчилар шу ҳақда ўйлашсин. Элликбоши бошига иш тушган кишига ёрдам беришни эмас, балки ундан бирор нарса ундириб қолишни ўйлайди. Тўғри гапни тўғрилиқча айтса, аввало, нимадир қилиш керак бўлади, иккинчидан пора олиш мумкин бўлмай қолади. Таъманинг йўлини яқинроқ қилиш ва чолни ҳўкизи топилишига кўпроқ ишонтириш учун эса уни бемалол сенсирайверади.

Манфаатга қул бўлган одам имондан айрилади. Киши ўз манфаатининг югурдагига айланиб қолади. Босган, ҳатто босмаган қадамидан ҳам фойда чиқаришга ўринаверади. Бу йўлда инсоф, шафқат сингари туйғулардан воз кечади. Шу боис: "Ҳўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса топилади, -" деб чолни масхаралаган элликбоши ҳеч нарса қилмай туриб, пора олади. Ўқитувчи элликбошининг сўзлари замиридаги масхараомуз маънога болалар эътиборини қаратиши шарт. Акс ҳолда, элликбошининг қиёфаси тўлиқ англашилмай қолиши мумкин. Ўқувчилар "..оқ пошшонинг қўл остидан чиқиб кетмаса" топиладиган ҳўкизни излаш элликбошининг хаёлига ҳам келмаганлигидан хабардор бўлсинлар. Ўғри ҳўкизни гўё чет элга олиб кетиши мумкиндай, Афғон ерларидан то Хитой мулкигача бўлган бепоён ҳудудда бўлса топаман дейиш, қарияни масхаралашадан бошқа нарса эмаслиги англашилиши зарур. Бу ҳол элликбоши маънавиятининг қанчалар қурум босганлигини кўрсатувчи далилдир.

Энди болаларнинг диққатини пора эвазига элликбоши кўрадиган тадбирнинг нечоғлик бемаъни ва нокерак эканлигига қаратиш зарур. Чолдан оладиганини олган элликбоши ҳукизнинг йуқолгани ҳақида "бетухтов аминга

хабар қиламан" деб, тадбир белгилади. Анчагина пул ҳисобига қилмоқчи бўлган иши кераксизлиги олдиндан аён бўлган чора бўлсада, у шуни ҳам қилмади. Бўлмаса, элликбоши аминни нега тилга олдийкин? Чунки амин ҳам туралик занжирининг муҳим ҳалқаларидан эди. Бошига иш тушган ҳимоясиз бечоралар уни ҳам боқишлари даркор эди. Аминни ҳам ҳукизи йўқолганидан ўзи хабардор қилган ва ундан "бетухтов приставга хабар қиламан" деган ғоят "қимматли" ваъдани олиш учун Кобил бобо аминга ҳам пора беради. Даҳшатлиси шундаки, приставга ҳам бобонинг ўзи хабар етказди ва жабрланганлигини айтиб ёрдам сурашнинг ўзи учунгина ҳам урислардан чиққан катта амалдорга, ҳам унинг "ўзимизники" бўлган тилмочига пора беради. Приставнинг кўрган чораси эса, элликбоши ва аминниқидан ҳам ғаройиброқ, яъни "аминга бор" дейишдангина иборат бўлди.

Ўқувчилар инсон кадри топталган, шаъни, ҳуқуқи оёқ ости қилинган ҳолатнинг шафқатсиз реалистик манзарасини кўришлари ва қалблари изтиробга тўлиши лозим. Нега бу амалдорлар шундай йўл тутишади? Порасиз-ку ҳеч иш қилишмас экан, жилла курса, пора олишгач, ҳаракатга тушишмайди. Ҳеч қандай чора кўрмай туриб, бировдан нарса ундиришга қандай қийналишмайди? Болаларни шу хилдаги уйлар безовта қилса, адабий таълимнинг бош мақсади - к о м и л шахсни шакллантириш амалга оша бошлаган бўлади. Ўқувчиларда ожиз, қаршилиқ курсата олмайдиган оддий одамларни инсон қаторида кўрмайдиган ноинсоф кимсаларга нисбатан нафрат уйғониши, бечораларнинг ҳолатини тушуниш хислатининг пайдо бўлиши адабий таълим учун юксак натижадир.

Ўқувчилар амин билан Кобил бобо орасидаги муносабатни атрофлича таҳлил қилишлари керак. Арзга келган чолни кўрибоқ "оғзини очмай кекирган, сўнг бақбақасини селкиллатиб кулган", ҳукизни атай сигир деб чолни масхаралаган, "йўқолмасдан олдин бормиди", "Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қуйилмаган экан-да!" дея қария устидан очиқчасига кулган, Қобил бобо олдида "чинчалоғини иккинчи буғинигача бурнига" тикқан, "чинчалоғини этигининг тагига арт"ган, ҳеч тортинмай бободан пора таъма қилган амин қиёфасидаги белгиларни бутун даҳшати, бор хунуклиги, бутун мураккаблиги билан ҳис этган ўқувчиларгина Кобил бобо фожиасини чуқур англайдилар. Болалар ўйлаб кўришсин: амин ҳамиша ҳам ўзини шундай тутармикин? Аминнинг ўз чиркин қиёфасини бу қадар яширмаётганлигига сабаб нимада? Бизнингча, жазосизликда. Ўқувчиларга туғри йўналиш берилса, шундай хулосага мустақил равишда келишади.

Бобони амин одам ўрнида кўрмайди, унга бир ҳайвон янглиғ муносабатда бўлади. Қариядан уялишни ҳам лозим топмайди. Шу боис чинчалоғини бурнига тикади, қолагини этигининг тагига артади. Ахир қанчалик бефаросат бўлмасин, амин бошқа кишининг олдида шу жирканч қилиқларни қилмаган бўларди. Қобил бобо олдида бемалол қилаверади. Чунки бобони инсон санамайди. Инсон бўлмаган махлуқдан эса уялиб ўтириш керак эмас. Қадимги Юнонистонда азамат ва девқомат гладиаторлар

бекаларини ҳаммомга олиб кириб ювинтириб қуйишган. Соҳибжамол бекалар қуллардан уялишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Чунки уялиш инсонга хос бўлганидек, фақат инсондан уялинадида! Қул эса одам эмас! Аминнинг Кобил бобога муносабатида ана шу ҳолат белги беради.

Амин нечоғлик юзсиз бўлмасин унда барибир қандайдир ўзбеклик унсурлари сақланиб қолган. Кобил бобо иложсизликдан, хурлиги келганидан, масхара бўлаётганидан алам қилиб йиғласа, "йиғлама" дея олмайди, лекин "йиғламанг" дегиси ҳам келмай-ди. Шу боис "йиғланмасин" дея вазиятдан чиқади. Ҳикоянавис тимсоллар табиатидаги энг майда ҳолатларни ҳам бехато илғай олади ва маҳорат билан акс эттира билади. Эллиқбоши Кобил бобога таъсирини ўтказиш, ёлғонига ишонтириш учун унга сен-сираб гапиради. Оладиганини олиб бўлгач эса, унга доимгидай сизлаб муомала қила беради.

Ўқитувчи вақтдан ютиш, ўқувчиларни фаоллаштириш учун турли карточкалар тайёрласа, синф ўқувчиларининг ҳаммаси ўқув таҳлиliga тортилади. Шу тариқа, икки ўқув соати мобайнида ўқувчиларни адабий қаҳрамонларнинг маънавий дунёларига олиб кириш, уларни қадриятларнинг баҳоловчисига, танловчисига айлантириш мумкин.

Мактаб адабиётида, аввал таъкидланганидек, сахна асарларини ўрганиш ҳажман катта ўрин тутмайди. Лекин драма асарлари билан танишиш, ўзлаштириш ва таҳлил қилишнинг мураккаблиги адабиёт ўқитувчиларига ҳам, усулиётчи мутахассисларга ҳам яхши маълум.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари драматик асарларга биринчи марта VII синфда дуч келишади. Сахна асарлари билан танишмаган, уни ўқиш тажрибасига, таҳлиллаш техникасига эга бўлмаган ўқувчи драмани яхши қабул қилиши адабиёт муаллимининг атрофлича ҳозирлик кўришига боғлиқ.

Билдираётган фикрларимиз амалий аҳамиятга эга бўлиши учун антик фожианависликнинг отаси Софоклнинг 7-синфда 2 соат мобайнида ўрганилиши кўзда тутилган "Шоҳ Эдип" асарини ўтиш юзасидан тавсия берамиз.

Маълумки, сахна асарларида адибнинг муносабати мутлақо кўзга ташланмайди. Ижодкорнинг симпатияси ҳар қандай китобхон учун, айниқса, мактаб ўқувчиси учун таҳлил жараёнида фаолият йўналишини белгилаб берувчи эстетик маёқ. Драматик асар ўрганилаётганда бола ҳам, ўқитувчи ҳам шундай нишондан маҳрум бўлишади. Шунинг учун ҳам драматик асарларни таҳлил қилиш бўйича намуналар ишлаб бериш жиддий аҳамият касб этади. Агар ўқитувчи "Шоҳ Эдип" юзасидан утилган дарс ўқувчилари маънавиятига таъсир этишини астойдил истаса, асарни тушуниш ва таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида дарснинг аввалида монолог, диалог, сахна, кўриниш, парда, ремарка, лукма, хор, қатнашчи сингари драма назариясига оид тушунчалар билан болаларни таништиради. Сўнг, агар, "Шоҳ Эдип" спектаклининг фонограммасига эга бўлса, уни тулиқ қуйиб эшиттиргани маъқул. Спектакл ёзиб олинган магнит тасмаси бўлмаса,

фожиадан олинган парчани ўзи ифодали қилиб ўқиши лозим. Айтиш керакки, 7-синф ўқувчилари ҳали "Шоҳ Эдип" трагедиясини ролларга бўлиб, маромига етказиб уқий олмайдилар. Шунинг учун ўқитувчи асарни ўзи уқигани ва "Шоҳ Эдип"ни ўрганишга ажратилган икки соатни жуфтлаштириб, бирваракайига ҳам уқиб, ҳам таҳлил қилгани маъқул.

Чунки характерлар тўқнашувига қурилган бу асар ўқувчиларнинг муайян бир руҳий ҳолатга келтирилишини талаб қилади. Болалар драмани тушунадиган ҳиссий вазиятга келтирилгач, унинг таъсиридан чиқиб кетиб бўлмайди. Бундай ҳолатни эса истаган вақтда вужудга келтириб бўлмайди. Шу боис икки соатни кетма-кет қуйиб, фожиани бирваракайига ўрганиш методик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

"Шоҳ Эдип" трагедияси воқеалар трагедияси эмас, инсоний характерлар фожиасидир. Муаллиф асарда "нима бўлади?" деган саволдан кўра, "қандай бўлади?" деган саволга жавоб беришга кўпроқ эътибор берган. Трагедия бошдан-оёқ қисматнинг қудратини, тақдирнинг инсон устидан чексиз ҳукмронлигини намойиш этувчи воқеалар асосига қурилган бўлсада, Софоклнинг бемисл маҳорати туфайли асарда қатнашган ҳар бир қаҳрамон пьеса давомида ўзининг чинакам қиёфасини тўлиқ кўрсата олади.

Жаҳон адабиётида Эдип сингари изтироблар қийноғини тортган, ўзи истамаган ва ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда гуноҳлар ботқоғига ботган ва шу боис кечирган азобларининг даражаси янада баланд бўлган бошқа қаҳрамонни учратиш қийин. Фожиадаги изтироблар силсиласининг даҳшатли томони шундаки, асардаги қаҳрамонлар атай қилган гуноҳлари учун эмас, балки қисматлари шундоқлиги учун азобларга гирифтор этиладилар.

Софокл учун гуноҳнинг ким томонидан, нима учун ва қандай амалга оширилгани эмас, балки қилинган **г у н о ҳ** ва унга **ш а а ж р** масаласи муҳимдир. Драматург **и н с о н** ва **қ и с м а т** муносабатларини кўрсатиш жараёнида ҳар бир алоҳида инсоннинг ўз қисмати билан ўзига хос тарзда, маънавий дунёсига лойиқ даражада учрашганини ҳаққоний акс эттира билган. Билиб-билмай гуноҳга ботилдимиз, ундан тозаланиш учун ҳаракат қилиш жараёнида ҳар бир қаҳрамон ўзига хос йўл тутди ва шу тарзда ўзининг инсоний сифатларини намоеён этади.

Трагедия марказида Эдип образи туради. Эдип - азалдан безовта ва ғамгусор қалб соҳиби. У ҳеч қачон шаънига доғ туширадиган иш қилмаган ва шу боис: "Менинг дилимдаги мудом тилимда," - дейишга ҳақли. Ўзга юртдан келиб, тақдирнинг хоҳиши ва ўзининг тадбиркорлиги туфайли бу юртга шоҳ бўлган Эдип қонуний шоҳ Лай улимида ўзининг ҳеч қандай иштироки йўқлигига ишонади. Шунинг учун ҳам марҳум Лай томонидан номаълум қотилга қарши: "Майли ўзим бўлай хунталаб ўғли", - дейди. Шундай одамга авлиё Тиресийнинг: "Юртга бу офатни келтирган - сенсан", деган даъвоси даҳшатли адолатсизлик бўлиб туюлиши табиий, албатта.

Софокл бадий тасвир тарихида биринчи марта перипетия деб аталувчи усулдан фойдаланади ва юксак бадий натижага эришади. Бадий

асар қахрамонлари ҳаракатларининг улар истагига мутлақо зид натижа бериши тасвири усули перипетиядир. Эдипнинг кунглида Лайнинг ҳалокатига чиндан ҳам алоқам йўқмикан деган шубҳани йўқотиш учун қилган ҳар бир ҳаракати, аксинча, шоҳнинг гумонини катталаштириб, унинг қотиллигини аенлаштириб бораверади. Иокаста тилидан Лайнинг чорраҳада ўлдирилганини эшитганда, Эдип кўнглида шубҳа жиндай томир отади. Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини мазкур шубҳа уруғининг тез кўкариб, мевалар беришига имкон яратади. Қутилмаганда, ўзининг Лай қотили эканини билиб аёвсиз азоб исканжасида қолган Эдип бошига тоғдан ҳам оғир фалокат ёғилади: у ўз отасини ўлдирган падаркуш, ўз онасига уйланган зинокор ва ундан фарзандлар кўрган бадбахт кимса экан!

Айни Эдипнинг, бир замонлар Фивани балолардан халос этган шоҳнинг гуноҳлари туфайли юртга офат ёғилиши ва офатлар сабабчисини излаётган кишининг ўзи сабабчи бўлиб чиқиши асносида Эдип шахсиятига хос ёрқин ва гўзал жиҳатлар инкишоф этилади. Чупон билан суҳбат жараёнида вазиятнинг оғирлашаётганини, ҳақиқатнинг ойдинлашуви унинг зарарига бўлишини билса-да, Эдип чупонга: "Эвоҳ, сен айтишинг, мен тинглашим шарт", - дейди. Бу ўринда Эдип тақдир қаршисида ожиз, лекин инсоф ва адолатга содиқ бир шахс сифатида гавдаланади. Унинг ҳар бир гапи қанчалик азобланаётганлигини ёрқин кўрсатади. Шоҳнинг ҳаёт йўллариغا киритган ҳар бир аниқлик унинг юрагига қадалган ханжар каби таъсир этиши ва унинг даҳшатли оғриғи жуда ишонарли тасвирланган.

Эдип - ўзини аяйдиган киши эмас. У - ўзликни енгган, манфаатидан устун тура биладиган буюк инсон. Айни вақтда, Эдип - тирик одам. Оддий банда. Шу боис кўрқади, иккиланади. Шоҳнинг Иокастага қарата: "Шубҳам борки, авлиё кур эмас", "Кўрқаман, ортиқча гапирвордим," - дея қилган иқрорларида унинг шу хислатлари намоён бўлади. Эдип шахсиятига хос етакчи фазилатлар: ҳалоллик ва виждонлилик. Табиатидаги бошқа сифатлар унинг шу фазилатларига тобе. Шунинг учун Эдип шиддат билан ўзини фош этувчи ҳақиқатнинг тагига етади. Бу ҳақиқат - ўлимдан-да оғир, шармандалиқдан-да кир. Эдипдай инсон шу ҳолат билан келишишга мажбур. Буюк саналувчи инсоннинг нақадар ожиз экани мазкур ҳолат тасвирида бутун аянчли жиҳатлари билан намоён бўлади:

Тамом, бари аён! О, ёруғ жаҳон,
Сўнги бор кўрмоқда кўзларим сени.
Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳаром менга,
Қонга булғанганман, жирканчман, жирканч!

Ҳақиқат онларинининг бутун даҳшати ўзининг ниҳоясиз залвори ва чексиз кўлами билан кишини босади. Эдип - йирик шахс. Шу боис ўзини гуноҳига яраша жазога торта биледи. Қисмат туфайли қилинган гуноҳ учун ўз ихтиёри билан ажр беради: кўзларини кўр қилади! Жазонинг салмоғи ҳам гуноҳнинг кўламига яраша. Эдип тушган шароитда ўлиш - қутулиш, яшаш - жазоланиш. демак. Азоб инсонни ғуссага олиб келади, ғусса чекиш покланиш

йўлининг бошланишидир. Эдип адоқсиз покланиш сари йўл олади. Эдипнинг ўзига берган жазоси лаҳзалик қарор натижаси эмас. Ҳалол ва виждонли одам ақли ва туйғуларининг ҳукмидир:

У дунёда отам-онам юзига
 Қандай боқдим - кўзларимни ўймасам?
 Бадбахт онам мендан тукқан болага
 Қандай боқдим - кўзларимни ўймасам?
 ...Юртга қонли доғ туширган қотилни
 Йўқ қилишга ўзим фармон берганман.
 Энди эса фуқаронинг кўзига
 Қандай боқдим - кўзларимни ўймасам?
 Йўқ! Бу ҳам кам. Қўлим бўлса бақувват..
 Қулоғимнинг пардаларин йиртардим...

Эдип қийноқлардан зорланмайди, енгиллик бўлишини хаёл ҳам қилмайди.

У - сўнгги дамгача юрт қайғуси билан яшай оладиган инсон. Шу сабаб охирги дамда:

Мен бадбахт бошимни олиб кетаман,
 Токи худоларнинг қаҳру ғазаби

Юртимга ёғилмасин, дея фиваликларни офатлардан халос этишга ўринади.

Асардаги бошқа қаҳрамонлар ҳам фожианавис томонидан жуда пухта ишланган. Хусусан, Иокаста, Креонт, Тиресий образлари бадиий баркамоллиги туфайли ханўзгача ҳам эстетик қимматини йўқотмай келмоқда.

Иокаста - оддий аёл. Онага, аёлга. хотинга хос барча хусусиятлар унга ҳам бегона эмас. Иокаста ҳам ҳамма аёллар сингари, аввало, рўзгорининг тинч, яқинларининг беташвиш бўлишини истайди. Унинг учун олий ҳақиқатга етишдан кура, оила бутунлигини сақлаб қолиш муҳимроқ. Элчи билан Эдипнинг суҳбатидан эрининг аслида ким эканини эркаклардан олдинроқ сезиб қолган фаросатли Иокаста: "Бари бир эмасми? Мунча ёнмасанг..." дея илтижо қилади. Эрига қарата: "Билмаганинг яхши зотингни, шурлик!" деб ёзғирганда ҳам, бутун ҳақиқатни била туриб, сир бермай, Эдип ва элчи ёнидан кетиб қолганида ҳам чинакам аёл, меҳрибон хотин сифатида намоён бўлади. Ўз ўғлига хотин бўлганини, боласидан фарзандлар тукқанини билган Иокаста бир аёл қилиши мумкин бўлган ишни қилади: ўзини осиб қуяди. Иокаста шахсияти Эдип шахсияти сингари куламдор эмас. Шу боис ҳам у Эдип сингари чора кўриши ёки сўнгги дамда юрт ташвишини ўйлаши мумкин эмасди. Софокл бу ҳолни буюк санъаткорлик билан ифода эта билган.

Драматург қаҳрамонлари руҳиятини энг нозик жиҳатларигача беҳато куради ва ёрқин тасвирлай билади. Сир очилгач, Иокастани излаётган Эдипнинг ҳолати шундай тасвирланади:

Тиғ сўраб кимнидир суриштирди у,

Қани хотиним, деб айта олмасди,
Айта олмас эди, қани онам деб...

Эдипнинг Креонтга қарата: "Уни... Уйдагини... ўзинг дафн этгил, Ўзинг бил... бу сенинг қондошлик бурчинг," - дея қилган илтимосида қаҳрамон вужудидаги адоқсиз ғам, чексиз хижолат жуда ингичка, нозик тасвирланганки, бу сатрларнинг йигирма беш аср олдин битилганига одам ишонмайди.

Айни бир ҳолатдан бир-бирига зид икки хил маъно чиқариш, бир вазиятдан қарама қарши хулосаларга кела билиш "Шоҳ Эдип" асарида юксак санъат даражасида ҳал этилган. Эдипнинг қизлари билан хайрлашуви саҳнаси бу жиҳатдан ақлни лол қолдиради:

Қайдасиз, қизларим, яқинроқ келинг..
Илк бор ака бўлиб... қўл чўзай сизга,
...Ёнингизда тўрган шу бадбахт ота
Кўрмасдан, билмасдан... сизни оламга
Келтириб қўйди-ку...ўз онасидан...
Отангиз - падаркуш, онангиз эса -
Сизни ўз ўғлидан тукқан қабоҳат.

Ўз қизларига ака бўлиб қўл ўзатишга, онасидан фарзанд кўришга мажбур бўлган одам қисматининг даҳшати ўқувчилар вужудини ларзага солади.

Софокл мазкур трагедия орқали одамларга насиҳат қилмоқчи, йўл курсатмоқчи эмас. У асаридан хулоса чиқаришга ҳам ҳеч кимни ундамайди. Лекин бадиий ҳақиқатнинг даҳшатли қудрати ўқувчини уйга толдиради. Софокл ҳаётнинг мураккаблиги, инсон тақдирининг чигаллигини бутун шафқатсизлиги, гўзал ва жирканч тарафлари билан кўрсатиб берган. Ўзини дунёнинг хужаси деб ҳисобловчи одам, аслида, ўз қисматига ҳам хужайин бўлолмаслиги ҳаққоний акс эттирилган. "Шоҳ Эдип" фожиасининг моҳияти инсон умрининг, у эришган мартабаларнинг ўткинчи эканлиги, одам умри имтиҳон учун берилганини англатишда намоён бўлади. Бу асар кишини ўзи, ўзгалар, одам, олам ҳақида ўйлашга ундайди. Эдипни қандай баҳолаш керак? Қандай одам ўзи? Фожа китобхонни таъсирлантириш, туйғуларини жунбушга келтириш йўли билан уйлашга мажбур этади. Ўйлаш эса буюк неъматдир. Камолот йўлидаги биринчи бекатдир.

Таклиф этилган ишланмалар асосида республиканинг бир қатор мактабларида синов дарслари ўтилди. Айтиш мумкинки, натижа кўтилганидан ҳам яхшироқ бўлди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси сезиларли ўсди. Энг муҳими, улар фаоллашдилар, маънавий позицияга эга бўлдилар. Ўқувчилар дарс тингловчилари, педагогик истеъмолчилар эмас, балки таълим жараянининг субъекти, ташкилотчиларига айланиб қолишди. Ўқувчилар бадиий матннинг ҳам маърифий, ҳам тарбиявий, ҳам эстетик жиҳатларини англаб оладиган тасвир услублари юзасидан мулоҳаза юритадиган бўлиб қолишди.

Бадиий матн адабиёт ўқитишнинг асосий тадбири бўлиб қолар экан, ўқитувчи адабий асарнинг эстетик жозибасини очиш йўлини топар ва бу йўлдан ўз ўқувчиларини олиб ўтар экан, адабиёт дарсларида олижаноб инсоний фазилатлар шакллантириш мумкин бўлаверади. Адабиёт дарсларининг жозоба кучи, ўқувчиларни жалб этиш ва уларга таъсир кўрсатиш қуввати ортиб бораверади.

2. ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МЕТОДИК САМАРАДОРЛИГИ

Мактабларда адабиёт ўқитишни янгилаш, бадиий матн жозибасини очадиган тарзда ташкил этиш ҳамда адабий таълимга, биринчи навбатда, ўқувчи маънавиятини шакллантириш воситаси сифатида ёндашиш берадиган методик натижаларни қарийб ўн йил мобайнида синаб куриш биз таклиф этаётган таълим шаклларида самарали эканлигини кўрсатди.

Янгилаш ғояларни мактаб амалиётида синаб кўришдан олдин адабиёт муаллимларининг адабиёт ўқитишга муносабати, адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўрнини тушуниш даражалари, адабий таълимнинг мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборатлигини англашлари, ўқувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари қандайлиги сингари бир қатор кўрсаткичларни аниқлаш юзасидан республикамизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга саволлар - анкеталар билан мурожаат қилинди (1-жадвал).

Тажриба-синов ишларининг боши ва охирида ана шу курсаткичлар бўйича ўқитувчиларнинг қарашларидаги динамика ҳам кузатилди (2- ва 3-жадваллар). Зеро, тажриба ишлари мобайнида фақат мактаб талабаларигина эмас, уларнинг устозлари ҳам янгилаш педагогик тафаккур таъсирига тортилдилар. Уларнинг қарашларида янгилаш ёндашувларга, экспериментларга мойиллик уйғотмай туриб, янги усулларнинг самарадорлигини аниқлаш мушкул, методик ғояларнинг яшовчанлигига эришиш эса мумкинмас.

Синов мобайнида бадиий асарларни турли жинсдаги ўқувчиларнинг қабул қилишидаги фарқлар кўрсаткичи аниқланди. Адабий асарларни қабул қилиш даражаси турли синфларда турлича бўлиши асосланди (4-жадвал). Мазкур натижалар ўқувчиларнинг адабий асарларга муносабатларидагина эмас, балки уларнинг ўзлаштириш даражаларида ҳам мутаносиб равишда намоён бўлди (5-жадвал). Тажриба ишлари сунъий лаборатория шароитида эмас, балки оддий ўқув синфларида олиб борилди. Фақат қиз ва ўғил болаларнинг ўрганилаётган конкрет асарга муносабатлари, ўзлаштириш кўрсаткичлари алоҳида ҳисобга олинди.

Айни вақтда, 7-синф "Ўзбек адабиёти" дарслигининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ҳам синаб кўрилди. Чунки диссертацион ишда янгилаш дарслик яратишга қўйиладиган талаблар билдирилган ва 7-синф дарслиги айни шу талабларга мувофиқ яратилган эди. Дарсликнинг диссертацион иш муаллифи қаламига мансуб қисми ва мактаб амалиёти учун

янгилик бўлган жиҳатларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражаси алоҳида синчковлик билан текширилди. Бунинг учун дастлаб янги дарслик савиясини аниқлашда унинг асосий унсурлари нималардан иборат бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашлар тақдим этилди (6-жадвал). Сўнгра, синалаётган дарсликдаги энг мураккаб мавзулар а) бадий юксаклиги; б) қизиқарлилиги; в) тушунарлилиги; д) тарбиявий аҳамияти жиҳатидан синовдан ўтказилди. Синов мобайнида айти шу мураккаб мавзуларга дарсликда битилган методик мақолалар, тўзилган саволлар ҳамда топшириқларнинг тушунарлилиги ва методик жиҳатдан фойдалилиги даражаси аниқланди (7-жадвал).

Бизнинг дарслигимиз асосида биз тақдим этаётган методика билан дарс уюштирилганда ўқувчиларнинг адабий асарларни англаш даражалари қанчалик ўсиши мумкинлиги синов ишлари мобайнида алоҳида ўрганилди (8-жадвал). Унда талабаларнинг бадий асарларни англашлари ўн бир кўрсаткич бўйича аниқланди. Бу борадаги хулосаларга келишда кундалик дарс машғулотларидан ташқари тажриба ва назорат синфларида олинган ёзма ишлар ҳам асос бўлди.

Ниҳоят, таклиф этилаётган янгича ёндашувга амал қилинганда, янги усуллар қўлланилганда, ўқувчилар маънавияти ва ўзлаштиришларида қандай ижобий натижалар қўлга киритилганлиги тажрибага тортилган 1105 нафар V-XI синф ўқувчилари мисолида аниқлаб чиқилди (9-жадвал). Ўқувчиларнинг ўзлаштиришларида сезиларли ижобий ўзгариш рўй берганлиги тажриба натижаларида акс этди.

Агар биз ўқувчилар маънавиятидаги эврилишларни аниқлаш механизмига ҳам эга бўлганимизда эди бу борада эришилган натижалар салмоғи яна ҳам ортиши мумкин эди.

Хуллас, биз илгари сураётган ғоялар, қарашлар ва таклиф этаётган методик йўналишлар мактаб амалиётида муайян даражада синаб кўрилди. Шу тариқа, янгича қарашларнинг яшовчанлигига, самарадорлигига ўзига хос методик кафолат яратилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

- I. 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -46 б.
- I. 2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим туғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
- I. 3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
- I. 4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
- I. 5. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
- I. 6. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.
- I. 7. Каримов И. А. Стабильность и реформн. -М.: Палея, 1996. -510 с.
- I. 8. Абдулатипов Р. Г. Человек. Нация. Общество. -М.: Политиздат, 1991. -224 с.

II. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АДАБИЁТЛАР

- II. 1. Куръони Карим. -Т.: Чўлпон, 1992. - 496 б.
- II. 2. Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. -Т.: Ўзбекистон, 1990.- 200 б.
- II. 3. Ал-Бухорий. Ҳадис. I том. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. -550 б.
- II. 4. Ал-Бухорий. Ҳадис. IV том. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. -557 б.
- II. 5. Ат-Термизий. Шамоийли Муҳаммадийя. -Т.: Чўлпон, 1993. -112 б.
- II. 6. Абдулла Авлоний. Туркий "Ғулистон" ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.
- II. 7. Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. -Т.: Шарқ, 1993.-144 б.
- II. 8. Абдуллаев Ю.Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. -Т.: Учитель, 1966. -172 с.
- II. 9. Абдураззоқов А. Адабиёт дарсларида атеистик тарбия. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -144 б.
- II. 10. Абдураззоқов А. Мактабда адабиёт ўқитишнинг ҳозирги аҳволи, муаммолари ҳамда программа ва дарсликларни такомиллаштиришга оид мулоҳазалар. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -46 б.
- II. 11. Абдуқодир Шакурый. Туркистонда мусулмон мактаблари // "Билим ўчоғи", 1923. 2-3-сон. 24-27-б.
- II. 12. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма, 1-жилд. -Т.: Абдулла Кодирый номидаги нашр., 1992. -302 б.

- П. 13. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. -Т.: Гафур Гулом номидаги нашр., 1979. -65 б.
- П. 14. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашр., 1993. -223 б.
- П. 15. Адабиёт ўқитиш методикаси / А. Зуннунов, Н. Ҳотамов, Ж. Эсонов, А. Иброҳимов. -Т.: Ўқитувчи, 1992. - 232 б.
- П. 16. Азизов Д., Усова Г. Теория и практика литературоведческого анализа. Т.: РУМЦ, 1992. -52 с.
- П. 17. Азизиддин Насафий. Зубдатул-ҳақойик. -Т.: // Тафаккур, 1995. 3-4-сон. 45-56-б.
- П. 18. Айзерман Л. С. Дар души и дар глагола. -М.: Педагогика, 1990. -159 с.
- П. 19. Айзерман Л. С. Испытание доверием. -М.: Просвещение, 1991. - 189 с.
- П. 20. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: Гафур Гулом номидаги нашр., 1993. -111 б.
- П. 21. Алишер Навоий. Асарлар. 7-том. -Т.: Фан, 1991. -565 б.
- П. 22. Алиқулов Ҳ. Жалолуддин Даввоний. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -70 б.
- П. 23. Амонашвили Ш.А. Личностно-гуманная основа педагогического процесса.-Минск: Университет, 1990. -560 с.
- П. 24. Андреев В. И. Диалектика воспитание и самовоспитание творческой личности. - Казань: изд.Казанского универ., 1988. -236 с.
- П. 25. Антология педагогической мысли Узбекской ССР. /Сост. С.Ражабов, К.Ҳашимов, К.Муминходжиев, С.Каримова. -М.: Педагогика, 1986. -319 с.
- П. 26. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. -Т.: Ўзбекистон, 1991. -223 с.
- П. 27. Аристотель. Поэтика. -Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт., 1980. -150 б.
- П. 28. Аркин И. И. Возвращение к литературе // Литература в школе". 1993. N1 С. 37-39.
- П. 29. Аусекле Д. Определение содержания и методики изучения латишской поэзии в V-XII классах. Дис. ...канд. пед. наук. –Рига, 1990. -127 с.
- П. 30. Ahmed Egöz. Barlik ve ask. –Izmir, 1992. -116 d.
- П. 31. Аһмедов А. Азербайчан әдебијатиниң тедрис тарихинден. Баки: Маариф, 1971.-214 б.
- П. 32. Бабаев. А. IX синифда әдебејат дәрсләри. -Баки: Маариф, 1976. -300 б.
- П. 33. Бабанский Ю. К. Избранные педагогические труды. -М.: Педагогика, 1989. -558 с.
- П. 34. Бабанский Ю. К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -184 б.

- П. 35. Батракова С. Н. Педагогические приёмы эмоционального воздействия. -Ярославль: 1982. -132 с.
- П. 36. Бахтин М. М. Проблемы поэтики Достоевского. -М.: Худож. литература, 1972. -472 с.
- П. 37. Бахтин М. М. Эстетика словесного творчества. -М.: Художест. литература, 1990. -502 с.
- П. 38. Беленький Г.И. Теория литературы в средней школе. -М.: Просвещение, 1976. -221 с.
- П. 39. Беленький Г. И. Приобщение к искусству слова. -М.: Просвещение, 1990. -189 с.
- П. 40. Бергсон А. Собрание сочинений. Том. 5. Санкт-Петербург. 1914. -378 с.
- П. 41. Бердяев Н. А. Кризис искусства. -М.: 1918. -87 с.
- П. 42. Бернс Р. Развитие Я: концепция и воспитания. -М.: Прогресс, 1986. -422 с.
- П. 43. Бимбад Б. М. Философия воспитания: и ее место в буржуазной педагогике // Советская педагогика. -№6. С.128-133.
- П. 44. Бітібаева К. Мектепте Абай шығармаларыш оқыту. Оксемен каласы. -Алматы. -1994. -180 б.
- П. 45. Бестужев-Лада И.В. К школе XXI века. -М.: Педагогика, 1988. -256 с.
- П. 46. Блонский П.П. Избранные психологические произведения. -М.: Просвещение, 1964. -547 с.
- П. 47. Бобоев Т. Шеър илими таълими. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -344 б.
- П. 48. Бобышев Б.Г. Теоретические основы филологического анализа художественного текста в национальном педвузе: Дис. ... доктора пед. наук. -М.: -1991. -296 с.
- П. 49. Борев Ю.В. Эстетика. -М.: Политиздат, 1988. - 495 с.
- П. 50. Бухвалов В. А. Алгоритмы педагогического творчества. -М.: Просвещение, 1993. -94 с.
- П. 50. Вахҳобов А., Қозичонов М. Таълими адабиёти дар мактаб. - Душанбе. Маориф, 1988. -192 с.
- П. 51. Виноградов В. О языке художественной литературы. -М.: Гослитиздат, 1959. -645 с.
- П. 52. Выготский Л. С. Психология искусства. -М.: Педагогика, 1987. -341 с.
- П. 53. Выготский Л. С. Педагогическая психология. -М.: Педагогика, 1991. -480 с.
- П. 54. Водовозов В.И. Избранные педагогические труды. -М.: Педагогика, 1986. -480 с.
- П. 55. Волков И. П. Приобщение школьников к творчеству. -М.: Просвещение, 1982. -144 с.
- П. 56. Воҳидов Э. Изтироб. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -336 б.

- П. 57. Вохидов Э. Шоиру шеъру шуур. -Т.: Ёш гвардия, 1987. -223 б.
- П. 58. Вульфсон Б.Л. Методологические проблемы сравнительной педагогики // Советская педагогика. - 1988. -№8. -С. 130-136.
- П. 59. Вульфсон Б. Л. Педагогическая мысль в современной Франции. - М.: Педагогика, 1983. -184 с.
- П. 60. Габай Т. В. Учебная деятельность и ее средства. -М.: Изд-во МГУ, 1988. -254 с.
- П. 60. Гадамет Г. Г. Актуальность прекрасного. -М.: Искусство, 1991. -304 с.
- П. 61. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и ее формирование в системе непрерывного образования: Дис. ... д-ра пед. наук. - Санкт Петербург. 1992. -354 с.
- П. 62. Галаган А. И. Система образования в Японии //Проблемы зарубежной высшей школы. НИИ ВШ, вып. N1. -М., 1989. -60 с.
- П. 63. Галаган А. И., Полянская Г. И. Система образования в США // Проблемы зарубежной высшей школы. НИИ ВШ, вып. N 4. -М., 1988. -32 с.
- П. 64. Гегель Г. Эстетика. Т.4. -М.: Искусство, 1973. -676 с.
- П. 65. Гейзенберг В. Квантовая механика и беседа с Эйнштейном. // Природа. -1972. -№ 5. - с. 87-89.
- П. 66. Голубков В.В. Методика преподавания литературы. -М.: Учпедгиз, 1962. -495 с.
- П. 67. Горбовский А. Год 2000 и далее. -М.: Знание. 1978. -192 с.
- П. 68. Грифцов Б. А. Психология писателя. -М.: Худож. литература. 1988. -462 с.
- П. 69. Гумилев Л. Н. Этногенез и биосфера земли. -М.: Мишель и К. 1993. -510 с.
- П. 70. Гумилев Л. Н. Көне туриктер. -Алматы, -1994. -480 с.
- П. 71. Гулямов А. Методика развития учебно-познавательной активности учащихся в процессе преподавания родного языка: Дис. ... д-ра пед. наук. -Т.: 1991.- 335 с.
- П. 72. Гуревич С. А. Как читать художественную литературу. -М.: Учпедгиз, 1962. -52 с.
- П. 73. Дарсликлар талабалар нигоҳида // Ёшлик.- 1990. -№ 5. 14-17- б.
- П. 74. Долимов С. VIII синф "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги учун методик кулланма. -Т. Ўқитувчи, 1981. -144 б.
- П. 75. Долимов С, Убайдуллаев Х., Ахмедов К. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1967. -441 б.
- П. 76. Жирмунский В. М. Теория стиха. -Ленинград: Сов. писатель, 1975. -664 с.
- П. 77. Жирмунский В. М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. -Ленинград: Наука, 1977. -407 с.
- П. 78. Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. - Ленинград: Наука. -1979. -493 с.

- П. 79. Жукова И. А. Эстетическая оценка литературного произведения в процессе исполнительского анализа. -М.: Просвещение, 1991. - 204 с.
- П. 80. Жумабаев М. Педагогика. - Алматы. Ана тілі, 1992. - 160 б.
- П. 81. Журавлев В. И. Взаимосвязь педагогической науки и практики. -М.: Просвещение, 1984. -176 с.
- П. 82. Журавлев В. И. Педагогика в системе наук о человеке. -М.: Педагогика, 1990. - 164 с.
- П. 83. Зиё Гўкалп. Туркчилик асослари. -Т.: 1994. -124 б.
- П. 84. Зуннунов А. Ўзбекистон ССР ўрта мактабларида ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси тараққиёти: Пед. фан. доктори ... дис. -Т., -1975. - 337 б.
- П. 85. Зуннунов А. Ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиш методикаси тарихидан очерклар. -Т.: Ўқитувчи, 1980. - 191 б.
- П. 86. Зуннунов А., Эсонов Ж. Мактабда адабиёт ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1985. - 200 б.
- П. 87. Зуннунов А. Бадиий асар таҳлили методикаси. - Т.: ЎҚИТУВЧИ, 1989. - 120 б.
- П. 88. Ibrahim Agah Cubukcu. Turk – Islam dusunerleri. –Ankara: 1989. - 142 б.
- П. 89. Иванихин В.В. Почему у Ильина читают все? -М.: Просвещение, 1990. - 98 с.
- П. 90. Игнатъева З. Ф. Формирование умения анализировать художественный текст у студентов национальных групп педвузов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -М., 1989. - 32 с.
- П. 91. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. -Т.: Гафур Ғулом ном. нашр., 1969. - 416 б.
- П. 92. Измайлов А. Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. -М.: Педагогика, 1991. - 252 с.
- П. 93. Ильин Е. Н. Герой нашего урока. -М.: Педагогика, 1991. - 287 с.
- П. 94. Ильин Е. Н. Урок продолжается. -М.: Просвещение, 1973. - 152 с.
- П. 95. Ильин Е. Н. Искусство общения. -Минск: Нар. асвета, 1987. - 108 с.
- П. 96. Ильин Е. Н. Путь к ученику. -М.: Просвещение, 1988. - 221 с.
- П. 97. Исломов Ш. Изучение лиро-эпических произведений на уроках родной литературы в IX-X классах таджикской школы: Автореф.... канд. пед. наук. -М., 1990. 26 с.
- П. 98. Ислом асослари. -Т.: Внешторгиздат, 1991. -30 б.
- П. 99. Исмаилов А. Народное образование в Узбекистане в конце XIX начале XX века: Дис. ... канд. ист. наук. -Т., 1981. - 180 с.
- П. 100. История эстетической мысли: Сб. науч. тр. Т. 2. -М., Искусство, 1985. - 494 с.
- П. 101. Йўлдошев Ж. Ғ. Ўзбекистон Республикасида халқ таълимининг тараққиёт йўли. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -96 б.

- П. 102. Йўлдошев Ж. Ғ. Жаид тарбияшунослиги асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -128 б.
- П. 103. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -152 б.
- П. 104. Йўлдошев Қ., Қурбонбоев Б. Умумтаълим мактабларида ўзбек адабиёти таълимининг долзарб масалалари. -Т.: РЎММ, 1992. -50 б.
- П. 105. Йўлдошев Қ. Кашф этиш эҳтиёжи // Ёшлик. - 1990. -№ 9. -60-62 б.
- П. 106. Йўлдошев Қ. Ўқувчи нега зерикади? // Шарқ юлдузи. -1991. -М б. -203-205 б.
- П. 107. Кадыров Б. А. Формирование узбекской народной педагогики. -Т.: Мехнат, 1992. -192 с.
- П. 108. Калмикова З. И. Педагогика гуманизма. -М.: Знание, 1990. - 79 с.
- П. 108. Кан-Калик В.А. Педагогическая деятельность как творческий процесс: Автореф. дис. ... д-ра псих. наук. -Ленинград., 1985. -35 с.
- П. 109. Кан-Калик В. А. Учителю о педагогическом общении. -М.: Просвещение, 1987. -190 с.- 295.
- П. 110. Кан-Калик А. В., Хазан В. И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. -М.: Просвещение, 1988. - 254 с.
- П. 111. Кан-Калик А.В. Никифоров Н. Д. Педагогическое творчество. -М.: Педагогика, 1990. - 140 с. П. и: Пед. фанл. д-ри. ...дис. -Т., 1994. -364 б.
- П. 151. Муҳаммад Али. Ошиқ бўлмаи ҳақ дийдорин кўрса бўлмас. -Т.: Юлдузча, 1992. -184 б.
- П. 152. Народное образование в СССР: Сб. нормативн. актов. -М., Юридик. литература, 1987. -333 с.
- П. 153. Никольский А. В. Методика преподавания в средней школе. -М.: Просвещение, 1971. -156 с.
- П. 154. Ниязматова Т. Р. Методика самостоятельной работы на уроках узбекской литературы в IV-VII классах: Дис. ... канд. пед. наук. -Т., 1978. -139 с.
- П. 155. Норматов У. Қдирий боғи. -Т.: Ёзувчи, 1995.-283 б.
- П. 156. Норматов У. "Ўтган кунлар" хайрати. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -128 б.
- П. 157. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Кисаси Рабғузий. 2 томлик. -Т.: Ёзувчи, 1990-1991. -2 т.
- П. 158. Ницше Ф. Так говорил Заратустра. -М.: Изд-во МГУ, 1990. - 300 с.
- П. 159. Образование в современном мире: состояние тенденции развития / Под ред. М. И. Кондакова. - М.: Педагогика, 1986. -248 с.
- П. 160. Омаров А. Из истории создания учебников и учебно-методической литературы казахской школы (1861-1917): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Алмата., 1989. -24 с.

- П. 161. Орипов А. Йиллар армони. -Т.: Фафур Фулом номидаги ...нашр., 1984. - 590 б.
- П. 162. Орлов А. Б. Диалогизация педагогической системы // Тезисы дол. к VII съезду Общества психологов. Психология личности учителя. -М., АН СССР, 1988-1989. -С. 70-71.
- П. 163. Ортега-и-Гассет. Одам Ота жаннатда //Тафаккур.- 299 -1996. - №1. -113-127 б.
- П. 164. Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. -М.: Радуга, 1991. -278 с.
- П. 164. Осукова Н. Т. Зигмунд Фрейд и психоаналитическая педагогика. -М.: Педагогика, 1993. -115 с.
- П. 165. Петровский А. В. и др. Новое педагогическое мышление // Природа. -1992. -№ 5 -С. 87-90.
- П. 166. Педагогик изланиш: Илмий ишлар тўплами. -Т.,Ўқитувчи, 1991. -608 б.
- П. 167. Печчеи А. Человеческие качества. -М.: Прогресс, 1985. -312 с.
- П. 168. Платон. Диалоги. -М.: Мысль, 1986. - 605 с.
- П. 169. Посталюк Н. Ю. Творческий стиль деятельности: педагогический аспект. - Казань: Изд-во Казанского унив-та, 1989. - 204 с.
- П. 170. Поль Жан. Приготовительная школа эстетики. -М.: Искусство, 1981. - 448 с.
- П. 171. Проблемы преподавания литературы в средней школе / Резь З., Айзерман Л., Ильин Н., Аркин И. и др. -М.: Просвещение, 1985. -193 с.
- П. 172. Проблема человека в западной философии: Сб. науч. тр. -М., Прогресс, 1988. -544 с.
- П. 173. Проблемы художественного мышления и историко-литературный процесс: Сб. науч. тр. -Т., Фан, 1989. - 124 с.
- П. 174. Проблемы школьного учебника: Сб. науч. тр. Выш. 9. -М., Просвещение, 1981. -238 с.
- П. 175. Проблемы школьного учебника: Сб. науч. тр. Вып. 15. -М., Просвещение, 1985. -256 с.
- П. 176. Проблемы школьного учебника: Сб. науч. тр. Выш. 17. -М., Просвещение, 1987. -223 с.
- П. 177. Пронин Л. С. Творчество как проблема современной буржуазной педагогики: Автореф. дис.... канд. пед. наук. -Казань, 1980. -28 с.
- П. 178. Разумовский В. Г. Государственный стандарт образования супердержавы мира к 2000 году // Сов. педагогика. -1993. №3. -С. 97-100.
- П. 179. Резь З. Я. Методика преподавания литературы. -М.: Просвещение, 1977. -384 с.
- П. 180. Резь З. Я. Методика изучения лирики в школе: Дис. ...д-ра пед. наук. - Л., 1970. -384 с.
- П. 181. Ризоуддин ибн Фахриддин. Одоби таълим: // Шарк юлдузи. - 1994. №3-4. -167-172 б.

- П. 182. Рикёр Поль. Конфликт интерпретаций. -М.: Медиум, 1995. -321 с.
- П. 182. Розанов В. В. Сумерки педагогики. -М.: Педагогика, 1990. -620 с.
- П. 183. Саймон Б. Общество и образование. -М.: Прогресс, 1989. -200 с.
- П. 184. Salim Koca. Turk Kultur temelleri. Istanbul: 1990. - 196 с.
- П. 185. Самопознание европейской культуры XX века: Сб. науч. тр. -М., Политиздат, 1991. -366 с.
- П. 186. Сафарова Р. Она тили таълимини яхшилаш мазмуни ва унинг дидактик асослари. -Т.: Фан, 1995. 105 б.
- П. 187. Сафо Матчон. Китоб ўқишни биласизми? -Т.: Ўқитувчи, 1993. - 144 б.
- П. 188. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -208 б.
- П. 189. Саъдий-Шерозий. Гулистон. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги ... нашр., 1993. - 104 б.
- П. 190. Скалова Я. Методология и методы педагогического исследования. -М.: Педагогика, 1989. -224 с.
- П. 191. Скаткин М. Н. Проблемы современной дидактики. -М.: Педагогика, 1984. -95 с.
- П. 192. Скаткин М. Н. Методология и методика педагогических исследований. - М.: Педагогика, 1986. -150 с.
- П. 193. Соловьев В. В. Стихотворения. Эстетика. Литературная критика. -М.: Книга, 1990. -574 с.
- П. 194. Соснора В. Речь о Лилит // Звезда Востока. -1996. -№1. -С.91-111.
- П. 195. Судзуки С. Реформа образования в Японии // Сов. педагогика. 1994. №11. С.122-126.
- П. 196. Сулейменов О. Аз и Я. - Алматы: Енбек, 1992. -298 б.
- П. 197. Сухомлинский В. А. Болаларга жоним фидо. -Т.: Ўқитувчи, 1984. -264 б.
- П. 198. Сухомлинский В. А. Ёш мактаб директорлари билан суҳбат. -Т.: Ёш гвардия, 1989. -224 б.
- П. 199. Сталь Жермене де. О литературе, рассмотренной в связи с общественными установлениями. - М.: Искусство, 1989. -475 б.
- П. 200. Станиславский К.С. Мое гражданское служение России. -М.: Правда, -1990. -656 с.
- П. 201. Султонов Х. Дарсликлардаги чалкашликлар // Ёш куч. -1989. -№3. -7-8 б.
- П. 202. Тагор Р. Асарлар. 8 томлик. -Т.: Тошкент, 1965. 8 т. -360 б.
- П. 203. Turk dunyasi el kitabi. - Ankara. 1992. -794 с.

- П. 204. Тараносова Г. Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и литературы в национальной школе: Дис. ... д-ра.пед.наук. -М., 1991. -347 с.
- П. 205. Ташпулатов Н. Методика изучения пейзажа как средство раскрытия идейного замысла и образов-персонажей художественных произведений: Дис. ...канд. пед. наук. -Т., 1991. -174 с.
- П. 206. Усманов Г. Н. Новое педагогическое мышление в условиях реформы школы. -Т.: Ўқитувчи, 1989. -56 с.
- П. 207. Wellek R., Warren A. Edebiyat biliminin temelleri. Ankara: 1992. - 362 с.
- П. 208. Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -104 б.
- П. 207. Ушинский К. Д. Педагогические сочинения. В 8 т.-М.: Педагогика, 1990. -Т.5. -482 с.
- П. 208. Филлипова Л. Д. Высшая школа в США. -М.:Педагогика, 1981. -164 с.
- П. 209. Флобер Г. О литературе, искусстве, писательском труде. -М.: Худож. литература, 1984. -519 с.
- П. 210. Франкл В. Человек в поисках смысла. -М.: Прогресс, 1990. -336 с.
- П. 211. Фрейд З. Психология бессознательного. -М.: Педагогика, 1990. - 447 с.
- П. 212. Харламов И. Ф. Педагогика. -М.: Высшая школа, 1990. -575 с.
- П. 213. Холшевников В. Е. Стихование и поэзия. -Л.: Изд-во ЛГУ. 1991. -254 с.
- П. 214. Хучулава Л. А. Методика единого литературного образования в старшем концентре грузинской школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -М., 1991. -24 с.
- П. 215. Цимбалюк Л. Н. Формирование личностного отношения учащихся к художественному произведению в процессе изучения украинской литературы в старших классах: Автореф. дис.....канд. пед. наук. - Киев., 1991. - 22 с.
- П. 216. Шаталов В. Ф. Педагогическая проза. -М.: Педагогика, 1989. - 96 с.
- П. 217. Щербина В. Р. Проблемы литературного образования. -М.: Просвещение, 1982. -320 с.
- П. 218. Эркаев А. Истиклол ва миллий онг // Тафаккур. -1995. №3-4. 8-14 б.
- П. 219. Эсонов Ж. Мактабда бадий асар тилини ўрганиш. -Т.: Ўқитувчи, 1973. -270 б.
- П. 220. Юнг К. Г. Психология бессознательного. -М.: Канон, 1994. -298 с.

- II. 220. Ясперс К. Смысл и назначения истории. -М.: Полит-издат, 1991. -527 с.
- II. 221. Ўтанов Б. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида: Психол. фанл. номзоди дис. -Т., 1992. - 150 б.
- II. 222. Қозичонов М. Таълими савод дар мактабҳои кўхнаи тожики. -Душанбе: Маориф, 1978. - 215 с.
- II. 223. Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -176 б.
- II. 224. Қосимов Б. Исмоилбек Ғаспирали. -Т.: Ғафур Ғулом номид. нашр., 1992. -48 б.
- II. 225. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -184 б.
- II. 226. Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -175 б.
- II. 227. Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. - Т.: Ўқитувчи, 1995. -128 б.
- II. 228. Ғуломов А. Она тили жараёнида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. -Т.: Фан, 1990. -132 б.
- II. 229. Ҳасанов С. Илғор педагогик маҳорат соҳиблари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -55 б.
- II. 230. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. -Т.: Юлдузча, 1989. -224 б.
- II. 231. Ҳаққул И. Камол эт касбким.-Т.: Чўлпон, 1991.-260 б.
- II. 232. Хусанх ўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. -Т.: Ўқитувчи, 1963. -218 б.

III. КОНЦЕПЦИЯ, СТАНДАРТ ВА ДАСТУРЛАР

- III. 1. Адабиёт ўқитиш методикаси. Педагогика институтлари ва университетларнинг филология факультетлари учун дастурий қўлланма. -Т.: РЎММ, 1994. -94 б.
- III. 2. Временный государственный образовательный стандарт. Общее среднее образование. Пояснительная записка. -М.: Изд-во стандартов, 1993. -13 с.
- III. 3. Временный государственный образовательный стандарт. Общее среднее образование. Литература. -М.: Изд-во стандартов, 1993. -18 с.
- III. 4. Программа для средних общеобразовательных учебных заведений. Литература. -М.: Просвещение, 1991. - 43 с.
- III. 5. Проект программы з Української літератури. Для IV-X класів середньої зачальноосвітньої школи. -Киев: Радянська школа, 1980. -80 с.
- III. 6. Ўзлуксиз адабий таълим концепцияси. -Т.: ЎзПФИТИ, 1996. -21 б.
- III. 7. Ўзлуксиз адабий таълим давлат ўлчам /стандарт/лари. -Т.: ЎзПФИТИ, 1995 -23 б.

- Ш. 8. Ўзлуксиз әдебий билим бериўдин мәмлекетлик олшемлери. –Нөкис: Билим, 1996. -26 б.
- Ш. 9. Туркі халықтары әдебиеті пәнінің бағдарламасы. –Алматы: Енбек, 1992. -17 б.
- Ш. 10. Туркі халықтары әдебиеті пәнінің бағдарламасы. -Алматы: Республикалық баспа кабинеты, 1993. -18 б.
- Ш. 11. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. -Т.: ПТУ-2, 1992. -68 б.
- Ш. 12. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. -Т.: Университет, 1992. -96 б.
- Ш. 13. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. -Т.: Ўқитувчи, 1993. -86 б.
- Ш. 14. Умыўма орта билим беретуғын мектеп ушын программа. Әдебият. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. -89 б.
- Ш. 15. Әдебиятдан оқув программасы. -Ашгабат: Магарыф, 1991. -108 б.
- Ш. 16. Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур№ -Т.: РУММ, 1993. -103 б.
- Ш. 17. Ўрта мактаб программалари. Адабиёт. -Т.: Ўқитувчи, 1968. -48 б.
- Ш. 18. Ўрта мактаб программалари. Адабиёт. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -58 б.
- Ш. 19. Ўрта мактаб программалари. Адабиёт. -Т.: Ўқитувчи, 1987. -67 б.
- Ш. 20. Ўрта мактаб программалари. Адабиёт.-Т.:1990. -34 б.
- Ш. 21. Өзбек, орыу, қазақ, туркмен мектеплеринде қарақалпақ тили хем әдебиятын оқыту концепцияси.-Нөкис: Билим, 1996. -21 б.